

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК _____**

БАЙМУРАДОВ ШОХРУХ МАХМУДОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН САВДОЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Тошкент - 2023

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-БОБ Электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асослари	13
1.1-§ Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига электрон савдолар таъсирининг аҳамияти ва илмий-назарий асослари.	13
1.2-§ Электрон савдо: моҳияти, классификацияси, ривожланиш тенденцияси ва унга таъсир этувчи омиллар	28
1.3-§ Мамлакат иқтисодиётининг нисбий устун соҳаларини аниқлашда электрон савдодан фойдаланиш	40
Биринчи боб бўйича хулосалар	44
II-БОБ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдолар ривожланишининг ҳозирги ҳолат таҳлили ва электрон савдоларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсири	46
2.1-§ Мамлакатимизда электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар таҳлили ва уни мустаҳкамлаш йўналишлари	46
2.2-§ Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда электрон савдолар инфратузилмасининг асосий имкониятлари	58
2.3-§ Давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлиги	72
Иккинчи боб бўйича хулосалар	84
III-БОБ Рақамли трансформация шароитида электрон савдоларни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари	87
3.1-§ Электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари	87
3.2-§ Рақамли трансформация шароитида электрон савдолар ривожланишининг асосий йўналишлари	100
3.3-§ Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни ривожлантириш истиқболлари	112
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	126
Хулоса	128
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	131

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кескинлашуви шароитида ҳеч бир мамлакат барча соҳаларда рақобатбардош бўла олмаслиги сабабли, ҳар бир мамлакатнинг рақобатбардошлиги тузилмаси ўзининг хилма-хиллигини намоён этмоқда. Бунинг натижасида мамлакатлар ички шароитлари энг динамик ва истиқболли бўлган маълум тармоқларда муваффақиятга эришмоқдалар. “Рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида бизнесни рақамлаштириш жараёнларига самарали жалб этиш учун шарт-шароитларни шакллантиришни ажратиб кўрсатиш мумкин”¹. Мамлакат иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги аниқ макроиқтисодий хусусиятга эга. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нафақат жаҳон бозоридаги ўрнини тавсифловчи, балки кўп жиҳатдан унинг миллий хавфсизлигини белгилаб берувчи энг муҳим масаладир.

Дунёда тобора тараққий этаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар халқаро миқёсда рақобат курашининг янада кескинлашувига сабаб бўлаётган шароитда электрон савдоларни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий дунёнинг ажралмас бўғини ҳисобланган Интернет ва рақамли технологиялардан кенгроқ фойдаланиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, халқаро рақобатлашувда рақамли технологияларни самарали қўллаш, жаҳон иқтисодиётида электрон савдолар механизмини такомиллаштириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, интернет тармоғидаги электрон савдонинг глобал транзакцияларини ўстириш, электрон савдоларда замонавий савдо ва маркетинг платформалари, электрон дўконлар, тўлов тизимлари, шунингдек, электрон инфратузилмаларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бу

¹ Современный взгляд на конкурентоспособность экономики. Вызовы и перспективы для стран ЕАЭС и СНГ. - <https://e-cis.info/news/566/85116/>

борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.¹

Ўзбекистонда электрон савдоларни ривожлантириш масалаларини рақамли иқтисодиётни шакллантириш доирасида амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларнинг алоҳида йўналиши сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”², деб белгилаб берилди. Мазкур вазифани самарали амалга оширишда электрон савдоларни кенгайтириш масалаларига алоҳида урғу бериш ва мамлакатда замонавий электрон савдолар инфратузилмасини яратиш, шунингдек, электрон савдолар афзалликларинини инобатга олган ҳолда, бизнес ҳамжамияти ва истеъмолчилар ўртасида савдо маданиятини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-14-сон “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида», 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон “Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 25 июндаги 522-сон «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 13 мартдаги 825-сон “Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 2016 йил 2 августдаги 249-сон “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг-ахборот

¹ Джуманиязова М.Ю. “Перспективы развития электронной коммерции в Узбекистане” Экономика и бизнес: теория и практика 2018 г.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, №19 (7521).

воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2016 йил 2 июндаги 185-сон “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон савдолар ва уларни ривожлантириш асослари, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда электрон савдоларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва уларнинг афзалликлари дунёнинг қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан, МДХ мамлакатлари олимлари томонидан изчил ўрганилмоқда.

Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги ва электрон савдолар доирасидаги масалаларнинг фундаментал жиҳатлари кўплаб таниқли хорижий олимлар Абдул Гаффар Хан, Делфманн В, Майкл Кинней, Хунтер, Ширлей Л, Козье Д., Краймер К., Лаудон К., Молла А., Хикс Р., Мухаммад Талха, Рай Ж., Чаффей Д., Ву Ж.Х., Ванг С. ва бошқа қатор иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган¹.

¹ Abdul Gaffar Khan “Electronic Commerce: A Study on Benefits and Challenges in an Emerging Economy Global Journal of Management and Business Research: B Economics and Commerce Volume 16 Issue 1 Version 1.0 Year 2016, Delfmann, W., Albers, S. Gehring, M. 2002. The impact of electronic commerce on logistics service providers. International Journal of Physical Distribution and Logistics, 32,3: 203-222., Efendi, Jap, Michael Kinney and L. Murphy Smith. 2008. Profitability Analysis of B2B Buy-Side E-Commerce Systems. Working Paper, Texas A&M University., Hunter, Shirley and L. Murphy Smith. 2008. Impact of Internet Financial Reporting on Emerging Markets. Journal of International Business Research, In press., Козье Д. «Электронная коммерция». – Москва: Русская редакция, 1999., Kraemer, K. L.; J. Gibbs and J. Dedrick. Impact of globalization on ecommerce adoption and firm performance: a crosscountry investigation. Mimeo, Irvine, CA.2002, Laudon, K. C., and Traver, C.G. Introduction to Ecommerce: business. technology. society. Fifth Edition., Molla, A., and Heeks, R. (2007). “Exploring Ecommerce benefits for businesses in a developing country”. The Information Society., Muhammad Talha. 2003. Role of E-

Мавзунинг назарий асосларини бойитиш борасида МДҲ олимлари, хусусан, Абдеева З.Р., Балабанов И.Т., Еманова Н.С., Горский Д.В., Казьмина И.В., Медведева А.В., Миненкова Н.В., Парпанцев А.А., Сидорова О.В., Тушин В., Харева В.А., Шабанова Л.Б., Шайдулина В.К. каби олимлар мавзу доирасида фаол илмий ва амалий изланишлар олиб боришмоқда¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон савдоларни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар тегишлича ўрганилаётган бўлиб, жумладан, Гулямов С.С., Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Алимов Р.Х., Бегалов Б.А., Махмудов Н.М., Беркинов Б., Аюпов Р.Х., Расулев А.Ф., Расулов Т.С., Насырходжаева Д.Б., Кенжабаев А.Т., Қўчқоров Т.С., Абдуллаев М.К., Қулматова С.С., Абдугаффаров А., Дадабаева Р.А., Расулев Д.М., Абдувоҳидов А.М., Жуковская И.Е., Рихсимбоев О.Қ., Шарипов Қ.Б.б Жиёмуратов Т.П., Кудайбергенов А.Ш., Бобожонов А.Б., Умаров О.С., Одилов Ш.Ф., Джанадилов Ш.Ў., Балтабаева Г.Р., Джуманиязова М.Ю., Маннапова Ш.Г., Ишанходжаева Д.Э., Раҳимова Х., Усмонова А.И.ларнинг илмий изланишларида электрон савдолар билан боғлиқ масалалар ўрин олган². Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда электрон савдоларни ривожлантириш муаммоларига

commerce in economic growth. Journal of Internet Marketing., Ray, J. S. (2011). “Leveling E-Commerce Opportunities for Developing Countries”, Chaffey, D. (2009). E-business and e-commerce management: strategy, implementation and practice (4th edition ed.), Wu, J.-H., & Wang, S.-C. (2005). What drives mobile commerce?: An empirical evaluation of the revised technology acceptance model. Information & Management, 42(5).

¹ Абдеева З.Р. «Проблемы безопасности электронной коммерции в сети Интернет» Проблемы современной экономики, N1(41), 2012, Балабанов И.Т. «Электронная коммерция». – СПб.:Питер, 2002., Еманова Н.С. «Признаки электронной торговли». Вестник Омского университета. Серия «Право». 2014. № 1 (38), Горский Д.В. «Синергия электронной торговли, управления цепями поставок и автоматизации в цифровой экономике»//Экономическая наука сегодня: теория и практика. «Интерактив плюс», 2018, Казьмина И.В., Щеголева Т.В. «Состояние и основные тенденции развития отечественной электронной торговли на основе информационных технологий», М.:Экономинфо. 2017., Медведева А.В. «Электронная коммерция в предпринимательской деятельности». автореф. дис. канд. экономических наук. Москва, 2004., Миненкова Н.В. «Международно-правовое и национально-правовое регулирование электронной торговли»: автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2008., Паршенцев А.А. «Проблема перспективы развития»//Л.Б.Шабанова, С.В.Зюзина //Бизнес. Образование. Право. – 2016., Шайдуллина В.К. «Электронная торговля и перспективы ее развития в мировой экономике» Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник университета №3, 2019.

² Аюпов Р.Х. Балтабаева Г.Р. “Рынок цифровой валюты: инновации и перспективы развития. – Т.: Фан ва технология, 2018., Джуманиязова М.Ю. “Перспективы развития электронной коммерции в Узбекистане”. Journal of Economy and Business, vol 6. 2018., Гулямов С.С. “Блокчейн технологии в цифровой экономике” Т.: “Иктисодиёт ва молия” 2019, Маннапова Ш.Г., Ишанходжаева Д.Э. “Проблемы развития электронной коммерции в Узбекистане” Journal of Economy and Business, vol 2-2 (60). 2020., Раҳимова Х. “Электрон савдо майдонларини самарали ташкил қилиш - электрон тижоратни ривожлантириш гаровидир” 2017., Усмонова А.И. “Электрон тижорат виртуал иқтисодиётнинг асосий компоненти сифатида: таҳлил ва тавсиялар” // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 1-сон, 2018.

бағишланган илмий тадқиқотлар сони нисбатан камроқ бўлиб, соҳада чуқур илмий изланишларни кенгайтириш ва миллий иқтисодиётда электрон савдоларнинг ролини ошириш диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш" (2017-2021 й.ғ.) мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон савдоларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш;

мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги оширишда электрон савдоларнинг аҳамияти ва афзалликларини ёритиб бериш;

электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибаларини очиб бериш;

электрон савдолар инфратузилмасининг асосий имкониятлари ва савдолар хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини изоҳлаш;

давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш;

рақамли трансформация шароитида жаҳон иқтисодиёти электрон савдолар ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни ривожлантириш истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи электрон савдо ташкилотларининг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети электрон савдоларни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

услугий ёндашувга кўра “электрон савдо” тушунчасининг моҳияти интернет тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган барча турдаги товар ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бизнес жараёнлари орқали намоён бўлувчи рақамли иқтисодиёт соҳасига оид хусусиятларни ифодалаш ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

электрон савдо ва унинг очиқ фаолияти учун зарур инфратузилма элементларидан иборат “Рақамли экотизим” таркибининг ўзаро ички мувофиқлигин таъминлашга кўра чакана савдо ялпи ҳажмининг ўсиш суръатини ошириш чегараси асосланган;

давлат бюджети ташкилотлари учун маҳсулот ва хизматларнинг тўғридан-тўғри электрон харидини амалга оширишда бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 25 баравари ҳажмида белгилаш давлат харидлари жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг оптимал чегараси эканлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг 2026 йилга қадар ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мамлакат рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни

ташқил этиш инфратузилмасининг асосий элементлари асосланган;

электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини таъминлашда электрон савдо ва унинг очик фаолияти учун зарур инфратузилма элементларидан иборат “Рақамли экотизим” концепциясидан фойдаланиш асосланган;

электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларини QR тўловлари технологияси ва NFC технологияларини жорий қилиш, жумладан мобил қурилмалар орқали тўловларни қабул қилиш орқали замонавий ва қулай бўлган масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини яратиш таклиф этилган;

электрон давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат харидлари жараёнларида янада очиклик ва шаффофликни таъминлаш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электрон савдоларни ривожлантириш назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, хорижий мамлакатларнинг соҳага оид илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, электрон савдо иштирокчиларининг маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда электрон савдолар имкониятларидан самарали фойдаланишга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал ва илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар ва натижалар мутасадди ташкилотлар ва ижрочилар томонидан мамлакатимизда

электрон савдоларни ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда, соҳага оид Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек, тармоқни самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электрон савдоларни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

услугий ёндашувга кўра интернет тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган барча турдаги товар ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бизнес жараёнлари орқали намоён бўлувчи рақамли иқтисодиёт соҳасига оид хусусиятларни ифодалаш ёндашувига кўра такомиллаштирилган “электрон савдо” тушунчасининг моҳияти “Давлат иқтисодиёти ва сиёсати” номли ўқув қўлланмага киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи). Мазкур такомиллаштирилган таърифнинг киритилиши натижасида олий ўқув юрти талабаларида электрон савдо тўғрисидаги назарий тушунчаларнинг янада мустақамланиши ҳамда амалиётга жорий этиш борасидаги кўникмаларнинг шаклланишига имкон яратган;

электрон савдо ва унинг очиқ фаолияти учун зарур инфратузилма элементларидан иборат “Рақамли экотизим” таркибининг ўзаро ички мувофиқлигин таъминлашга кўра чакана савдо ялпи ҳажмининг ўсиш суръатини ошириш чегарасидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-14-сонли “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги қарорида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 03/17-03-20/35-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида электрон тижорат соҳасида фаолият юритиш имкониятлари кенгайтирилган ва

электрон савдо элементлари фаолияти учун қонуний асос яратилган;

давлат бюджети ташкилотлари учун маҳсулот ва хизматларнинг тўғридан-тўғри электрон харидини амалга оширишда бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 25 баравари ҳажмида белгиланган давлат харидлари жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг оптимал чегарасидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси”да инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 03/17-03-20/35-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида давлат харидлари бўйича ахборот тизимларига харид қилиш тартиб-тамойилларининг электрон шаклда амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уларни модернизация қилиш белгиланган;

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган ўсиш суръатларининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармонида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 03/17-03-20/35-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг узок муддатли истиқболдаги кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация иши натижалари 22 та, шу жумладан, 18 та республика ва 4 та халқаро илмий-

амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 6та илмий мақола (шундан 3 та нуфузли хорижий), бошқа илмий нашрлар ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 16 та мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 138 бетдан иборат.

1-БОБ. ЭЛЕКТРОН САВДОЛАР ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, электрон савдоларнинг илмий-назарий аҳамияти ва афзалликлари

Бозор муносабатларининг замонавий ривожланиш босқичи иқтисодий фаолиятнинг электронлашуви ва инновацион ёндашувларга асосланган бизнес шакллари тобора кенгайиб бориши билан ўзини намоён қилмоқда. Замонавий иқтисодиёт шароитларида иқтисодий фаолият ва бизнес юритишнинг анъанавий усуллари янги тенденциялар талабларига унчалик ҳам мос келмай, миллий иқтисодиётлар ва бизнес субъектлар рақобатбардошлигини таъминлай олмаяпти. Ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларнинг инсоният ҳаётида кенг қўлланиши иқтисодий фаолиятнинг янада такомиллашишига ва унинг жадаллашишига олиб келмоқда. Бу борада электрон тижорат ва электрон савдо механизмларининг шаклланиши ва ривожланиб бораётгани айниқса алоҳида аҳамият касб этади. Электрон савдо иқтисодий фаолиятни жадаллаштириши билан бирга унинг самарадорлигини сезиларли оширишга имконият яратади. Бизнес юритишнинг электрон усуллари қўлланиши бир томондан товар ва хизматларнинг сотилишини рағбатлантирган ҳолда мижозлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш эвазига бозорларни кенгайтирса, иккинчи томондан, жорий харажатларни қисқартиришга олиб келади. Электрон савдолар механизми ҳам иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва илмий-техникавий тараққиёт йўлидаги алоҳида босқич, таъбир жоиз бўлса, муҳим кашфиёт бўлиб ҳисобланади. Ушбу механизм бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган COVID-19 короновирус пандемияси ва глобал карантин шароитларида ўзининг беқиёс афзаллигини яна бир бор намоён қилмоқда ва электрон савдо самарали иқтисодий фаолиятнинг ажралмас механизми эканлигини яққол тасдиқлади.

Янгиланаётган жамият тараққиётнинг шундай босқичида турибдики, бунда янги ахборот коммуникация технологияларининг жадаллик билан

тарқалиши ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим бўғинларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Мамлакат рақобатбардошлиги бўйича асосан икки ташкилот тадқиқотларига асосланган жаҳон рейтинглари тан олинади. Булар:

- Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index)- бу глобал тадқиқот ва Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) маълумотларига кўра, иқтисодий рақобатбардошлик бўйича дунё мамлакатлари рейтингли.

- Глобал рақобатбардошлик рейтингли (IMD World Competitiveness Ranking) - бу ҳар йили ўтказиладиган Глобал тадқиқот ва менежментни ривожлантириш институти (Institute of Management Development) маълумотларига кўра, иқтисодий рақобатбардошлик бўйича дунё мамлакатлари рейтингли.

Жаҳон иқтисодий форуми миллий рақобатбардошликни мамлакат ва унинг институтларининг ўрта муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш қобилияти сифатида белгилайди. Тадқиқот муаллифлари миллий рақобатбардошлик кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатлар, қоида тариқасида, ўз фуқаролари фаровонлигининг юқори даражасини таъминлашини таъкидлайдилар. Индексдан иқтисодий ривожланиш ва рақобатбардошлик йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга интилаётган давлатлар ўзларининг иқтисодий сиёсатидаги муаммоли масалаларни таҳлил қилиш ва барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш стратегияларини ишлаб чиқиш воситаси сифатида фойдаланишлари керак.

Глобал рақобатбардошлик индекси 113 та ўзгарувчидан иборат бўлиб, улар иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида дунё мамлакатлари рақобатбардошлигини батафсил тавсифлайди. Барча ўзгарувчилар миллий рақобатбардошликни белгилайдиган 12 мезонга бирлаштирилган:

1. Институтларнинг сифати.
2. Инфратузилма.
3. Макроиқтисодий барқарорлик.

4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим.
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик.
6. Товар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги.
7. Меҳнат бозорининг самарадорлиги.
8. Молия бозорининг ривожланиши.
9. Технологик ривожланиш даражаси.
10. Ички бозор ҳажми.
11. Компанияларнинг рақобатбардошлиги.
12. Инновацион салоҳият.

Ушбу тадқиқотлар натижаларини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1.1.1-жадвал

Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича давлатлар рейтинги¹

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1.	Сингапур	84.8
2.	Америка Қўшма Штатлари	83.7
3.	Гонконг	83.1
4.	Нидерландия	82.4
28.	Хитой Халқ Республикаси	73.9
43.	Россия Федерацияси	66.7
55.	Қозоғистон Республикаси	62.9
96.	Қирғиз Республикаси	54.0
141.	Чад	35.1

Электрон савдо ва унинг инфратузилмасини ўзгариши Жаҳон иқтисодий форуми рақобатбардошлик мезонларидан қайсиларига таъсир қилишини 1.1.1-расмда кўришимиз мумкин.

¹ World Economic Forum report 2020



1.1.1-расм. Электрон савдо ва унинг инфратузилмасини ўзгариши Жаҳон иқтисодий форумининг рақобатбардошлилик мезонларига таъсири.

Мамлакатнинг рақобатбардошлиги остида Глобал тадқиқот ва менежментни ривожлантириш институти миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бизнес мавжуд бўлган муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятини тушунади. Институт 1989-йилдан буён дунё бўйлаб тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар йили рақобатбардошликни таҳлилий ўрганишни олиб боради. Институт 1996 йилгача Жаҳон Иқтисодий Форуми (WEF) таҳлилий гуруҳи билан ҳамкорликда иқтисодиётларнинг рақобатбардошлиги бўйича маърузалар тайёрлаган бўлса, 1996 йилдан бошлаб бу икки ташкилот иккита алоҳида тадқиқот ишлаб чиқди.

Рейтингдаги ҳар бир давлат мамлакат иқтисодий ҳаётининг асосий йўналишларининг тўртта асосий кўрсаткичи бўйича 333 та мезон таҳлили асосида баҳоланади:

1. Иқтисодиётнинг ҳолати.
2. Давлат бошқаруви самарадорлиги.
3. Тадбиркорлик муҳитининг ҳолати.
4. Инфратузилма ҳолати.

Ушбу тадқиқотлар натижаларини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

1.1.2-жадвал

Мамлакатнинг рақобатбардошлик рейтинги 2021 – IMD¹

2021	Мамлакат	2020
1.	Швейцария	3
2.	Швеция	6
3.	Дания	2
5.	Сингапур	1
10.	Америка қўшма штатлари	10
16.	Хитой Хитой Халқ Республикаси	20
35.	Қозоғистон Республикаси	42
45.	Россия Федерацияси	50
64.	Венесуэла	63

Сўнги йилларда замонавий алоқа воситаларининг шиддат билан ривожланиши бутунжаҳон ахборот магистрали вужудга келиши ва шу асосда инсоният фаолиятининг “рақамли маданият” деб номланувчи мутлақо янги кўриниши шаклланишига олиб келмоқда. Мазкур жараёнларнинг таъсири остида ахборот билан ишлаш анъанавий иш услублари бутунлай ўзгармоқда. Учинчи минг йилликнинг бошланиши глобал компьютер тармоғининг инсоният учун улкан имкониятларини англаш, уларни иқтисодиёт ва халқаро бизнеснинг турли жабҳаларида қўллаш даври бўлади. Бир сўз билан айтганда, биз “интернет иқтисодиёти” ёки “рақамли дунё иқтисодиёти” деб номланувчи янги иқтисодиёт ва “электрон бизнес” даврида турибмиз².

Электрон технологиялар ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг турли жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган универсал хусусиятга эга воситалар бўлиб, исталган тадбиркорлик субъекти фаолиятида (савдо, ишлаб чиқариш, маркетинг ва ҳ.к.) нафақат қўллаш, балки улар орқали юқори самарага эришиш эвазига рақобатбардошликни ошириш мумкин. Янги бозорларни топиш, миждозлар қамрови ва талабини кенгайтириш, бозордаги ўзгаришларни

¹ IMD World Competitiveness Ranking 2021

² Паршенцев А.А. «Проблема и перспективы развития электронных магазинов»// Маркетинг в России и за рубежом. - 2010. С. 85.

тезкорлик билан “сезиш” ва ўз вақтида маркетинг режаларини ишлаб чиқишда электрон технологияларнинг хизмати беқиёсдир.

Йилдан-йилга товар ва хизматлар олди-сотдиси электрон технологиялар, хусусан, интернет тармоқлари орқали амалга оширилиши кенгайиб бормоқда. Амалиётда электрон савдолар қанчалик кенг авж олаётганига қарамасдан электрон савдоларнинг умумқабул қилинган назариялари ва қонунчилик асослари тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлиб, муттасил такомиллашиб ва тўлдирилиб борилмоқда. Электрон савдо дастлаб тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида бир тури сифатида шаклланган бўлса, бугунги кунга келиб у бутун тадбиркорлик фаолияти билан уйғунлашиб кетдики, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури эмас, балки исталган тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас унсурига айланиб улгурди. Иқтисодий назарияда ишлаб чиқариш омиллари сифатида одатда ер, ишчи кучи, капитал ва тадбиркорлик лаёқати ажратиб кўрсатиб келинган бўлса, бугунги кунга келиб интернет тармоғини ҳам алоҳида ресурс (омил) сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бирламчи асоси айнан интернет ва рақамли технологиялар билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Хусусан, нафақат товар ва хизматлар савдоси, шунингдек, хомашё бозорлари ҳам электрон савдоларга таянмоқда. Замонавий технологиялар ривожланиши асносида интернет ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ажралмас бўғини бўлиши билан бирга инсоният учун қатор афзалликлар, шу жумладан, электрон тармоқларда қулай ва тезкор харидларни амалга ошириш имкониятларини яратиб берди. Бу эса, анъанавий савдодан электрон савдоларга ўтиш тенденциясини бошлаб бермоқда.

Электрон савдо фаолияти ва тушунчасининг илмий адабиётларда турлича ёндашувлар асносида талқин қилишга уринишлар мавжуд бўлиб, ушбу тушунча моҳиятини аниқроқ баён қилишда унинг белгиларини ўрганиш

муҳим аҳамиятга эга¹. Қатор тадқиқотчилар, шу жумладан, А.Орлова² ва Н.Миненкова³ электрон савдонинг асосий белгилари сифатида савдо битимларини ижро этиш ва товарлар (хизматлар) ҳаракатида электрон коммуникация воситаларнинг қўлланишини кўрсатиб ўтишади. Электрон савдо анъанавий форматдаги савдо усулларига нисбатан бир нечта афзалликларга эга: битим томонларининг географик жойлашув ноқулайлигини истисно этади ва улар ўртасида музокаралар олиб бориш вақтини қисқартиради, шунингдек, зарур маълумотларни қабул қилиш ва тақдим этиш жараёнини жадаллаштиради.

Электрон савдо анъанавий савдо усулларида фарқли ўлароқ сутканинг исталган вақтида мижозларга автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга. Ўз навбатида, бу жараён хизмат персоналини ёллаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар сарфланишини талаб қилмаслиги бизнес учун ҳам муҳим афзалликлардан биридир. Бунда “Amazon” компаниясининг электрон савдо тизимини келтириб ўтиш бунга яққол мисолдир. “Amazon” анъанавий кўринишдаги савдо расталари ва дўконларисиз барча маҳсулотларини интернет тизими орқали сотади ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бутун жараёнини мувофиқлаштириб боради. Ишлаб чиқарувчилар эса йирик миқдордаги товар захираларини тўплаб ўтиришлари шарт эмас⁴.

Умуман олганда, электрон савдонинг қуйидаги белгилари (хусусиятлари)ни ажратиш кўрсатиш мумкин⁵:

- электрон воситалар қўллаш орқали анъанавий битимларни расмийлаштиришнинг такомиллашган шакли;

¹ Еманова Н.С. «Признаки электронной торговли». Вестник Омского университета. Серия «Право». 2014. № 1 (38). С. 48-50.

² Орлов А. «Во Всемирной торговой организации нет согласия по электронной торговле»//Ibusiness. – 2001. – № 1. – С. 23.

³ Миненкова Н.В. «Международно-правовое и национально-правовое регулирование электронной торговли»: автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 27.

⁴ Козье Д. «Электронная коммерция». – М.: Русская редакция, 1999. – С. 6.

⁵ Еманова Н.С. «Признаки электронной торговли». Вестник Омского университета. Серия «Право». 2014. №1(38). С. 48-50.

- миждозлардан буюртмаларни қабул қилиш ва ишлаш жараёнларини автоматлаштириш йўли билан бизнес юритишни технологик инновациялашуви;

- сотувчи ва истеъмолчи ўртасида мутлақо янги – масофавий усул йўлга қўйилиши;

- анъанавий савдодан фарқли равишда ижтимоий муносабатларда янги субъектларнинг вужудга келишини назарда тутадиган электрон савдо ҳуқуқий муносабатларининг мураккаб тузилмаси.

1.1.3-жадвал

Ўзбекистоннинг йилар бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳамда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ялпи ички маҳсулот	317 476,4	424 728,7	529 391,4	602 193,0	734 587,7
Чакана савдонинг ялпи ҳажми	105 229,9	133 195,2	166 094,4	199 518,8	252 056,6
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми	6 377,8	7 934,0	8 701,4	11 121,8	17 738,7
Шундан АКТ хизматлари ва савдоси	5 610,7	6 751,7	7 224,7	8 848,0	11 521,6
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши (%да)	2,3	2,1	1,8	2,0	2,6
Шундан АКТ хизматлари ва савдоси (%да)	2,0	1,8	1,5	1,6	1,7

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши 2021 йилда 2,6 фоизни ташкил қилганлиги, Чакана савдонинг ялпи ҳажмидан эса 7 фоизни ташкил қилганлиги бу соҳани ривожлантириш мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатишининг исботидир.

Халқаро рақобатнинг янада чуқурлашуви шарт-шароитлари

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг очиқ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

мамлакатлар иқтисодиётлари ва бизнес ҳамжамиятларини доимий равишда бозорда “жон сақлаш”нинг янги ва самарали усуллари устида ишлашни тақозо этмоқда. Ушбу усуллар ичида бизнес жараёнларини замонавий рақамли технологиялар асосида бошқариш энг кенг қўлланилаётган ва юқори самара бераётгани усуллар сирасига киради. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, интернет тармоғи ролининг ошиши ва иқтисодиёт соҳаларининг комплекс автоматлаштирилиши жараёнларида электрон тижоратнинг фаол қўлланиши бизнес субъектларининг нафақат ривожланиши, балки уларнинг рақобатлашган бозорда ўз ўрнини сақлаб туриши учун ҳам жуда муҳимдир. Электрон савдо механизмлари бизнес юритиш жараёнларини доимий такомиллаштириб бориши натижасида ҳозирги кунга келиб виртуал савдо муносабатлар ҳажми кескин ошиб бормоқда. Дунёнинг исталган бурчагида жойлашган компаниялар ўз бизнес стратегияларини белгилаб олишда рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланишни биринчи ўринга олиб чиқишмоқда. Рақамли технологиялар ҳатто кичик корхоналар учун ҳам хорижий ҳамкорлар билан алоқани йўлга қўйиш, қўшимча бозорлар топиш ва энг асосийси истеъмолчиларга яқинроқ бўлишни таъминлайди. Электрон мулоқот орқали компаниялар ўз мижозлари билан автоматлаштирилган ва тезкор маълумотлар алмашинувга эришиши натижасида талаб ва таклифни бошқариш самарадорлигини оширади. Айниқса, кескин рақобат майдонида электрон савдо орқали компания товарларни сақлаш, жойлаштириш ва савдоларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш эвазига рақобатчилари олдида ўз ўрнини мустаҳкамлайди. Бу эса охир оқибатда компаниянинг даромадлари ошишига олиб келади.

Электрон савдо электрон тижоратнинг асосий бўғини бўлиб, кўпчилик адабиётларда ушбу тушунчалар деярли синоним сифатида қайд этилади. Хусусан, электрон савдолар назарий асосларини яратишда фаол иштирок

этган тадқиқотчи олимлар И.Г.Баланов¹ ва Д.Козье² ўзларининг илмий ишларида “электрон тижорат” ва “электрон савдо” тушунчаларини ўртасида принципал фарқлар мавжуд эмаслигини қайд этади.

1.1.4-жадвал

Электрон савдонинг асосий афзалликлари³

т/р	Электрон савдонинг афзалликлари	Кутиладиган самара
1.	Истеъмолчига товар ҳақида маълумотларни етказиб бериш вақтини қисқартиради.	Вақт харажатларини қисқартиради.
2.	Вақтни инобатга олмаган ҳолда бутун сутка мобайнида савдони амалга ошириш имконияти яратилади.	Вақт ва молиявий харажатларни қисқартиради.
3.	Воситачилар иштирокини камайтиради, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа тикланади.	Молиявий харажатларни қисқартиради.
4.	Реал вақт режимида минтақалараро ва халқаро миқёсда савдолар амалга оширилади (ҳатто энг кичик корхоналар ҳам ўзларининг жойлашган жойидан қатъи назар бозорларга чиқиши мумкин).	Вақт харажатларини қисқартиради, мижозлар сони ортади.
5.	Рақобатбардошликни оширади.	Сотиш ҳажмларини кўпайтиради.
6.	Потенциал мижозлар сонининг чекланмаган тарзда ошиши, хорижий истеъмолчилар ҳисобига янги бозорлар очилади.	Бозорни кенгайтиради.
7.	Товар ҳақида маълумот турларини кенгайтиради. Интернет нафақат матн, графика орқали, балки видео, овозли ва технологик жараёнлар маълумотларини ҳам юбориш имконини яратади.	Товарлар ҳақидаги рекламалар сифати ва ҳаққонийлигини оширади.
8.	Мижозлар эҳтиёжлари бўйича максимал ахборот йиғилади, кўп талаб этиладиган товарлар сотилади.	Товарлар сотиш ҳажми ошади, мижозлар сони кенгайди.
9.	Персонал ва ижара тўловларига харажатлар қисқаради.	Молиявий харажатларни қисқартиради.
10.	Турли тўлов шакллари кенгайди (мижоз анъанавий шаклда ва интернет орқали тўловларни амалга ошириши мумкин).	Етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар ва ўзаро муносабатлар содалашади.
11.	Электрон тўлов схемаларидан фойдаланиш орқали пул айланмасини тезлаштиради.	Миллий иқтисодиёт ривожланиш суръатларини оширади.
12.	Спекулятив капитал ҳажмларини камайтиради (ишлаб чиқарувчи бўлмаган воситачиларнинг капиталини қисқартиради)	Ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция ҳажмларини кўпайтиради.

¹ Балабанов И.Т. «Электронная коммерция». – СПб.: Питер, 2002.

² Козье Д. «Электронная коммерция»: пер.с англ. – М.:ИТД «Русская редакция», 1999.

³ Казьмина И.В., Щеголева Т.В. «Состояние и основные тенденции развития отечественной электронной торговли на основе информационных технологий», М.:Экономинфо. 2017. №1-2.

1.1.4-жадвалда келтирилган электрон савдонинг афзалликлари умумий ҳолатда бир-бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Электрон савдо тизимлари орқали савдо сервисини оптималлаштириш, иқтисод қилинган маблағларни ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтириш, шунингдек, вақт, персонал ва молиявий харажатларни тежаш натижасидан умумий харажатларни 15-25 фоизга қисқартириш иқтисодий субъект рақобатбардошлиги ошишининг ёрқин намунаси дир.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида ва ривожланган мамлакатларда электрон савдо миллий иқтисодиётларнинг энг самарали ва истиқболли секторларидан бири сифатида тан олинмоқда. Кўпчилик мамлакатлар амалиётида ушбу соҳани “интернет савдо” ёки “электрон тижорат” атамалари билан номлаш урфга айланган. Дунё бўйлаб интернет тармоғига уланиш имкониятлари ортиши муносабати билан мутлақо янги бозорлар кашф қилинмоқда. Ушбу янги бозорларнинг асосини эса электрон савдо тизимлари ташкил этади. Электрон савдо истеъмолчилар учун қулай ва тезкор харидларни амалга ошириш имконини берса, корхоналар учун сотиш билан боғлиқ харажатларни тежаш имконини беради.¹ Интернет тармоғида савдо алоқалари шиддат билан ривожланиб бормоқдаки, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва амалий кўникмалар қисқа муддатларда ўз долзарблигини йўқотиб, технологияларнинг янги авлодлари билан ишлаш кўникмаларини мунтазам шакллантириб бориш тақозо этилмоқда. Шунинг учун, ахборот технологияларга асосланган электрон савдо тизимларини ҳолатини ва ривожлантириш йўналишларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланиб, айниқса 4G – тўртинчи авлод ахборот технологиялари тараққиётининг сўнгги тенденцияларини инобатга олган ҳолда ушбу масалага чуқурроқ ёндашиш давр талабидир.

Таъкидлаш жоизки, “электрон савдо” тушунчасини тўлиқроқ тушуниш

¹ Салиев И. Р. “Юридическая сущность электронной торговли” Актуальные проблемы правоведения” Тюмень 2013 г.

учун асли келиб чиқиши инглиз тилига бориб тақаладиган “e-commerce” атамасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Вақтнинг ўтиши билан электрон савдо “e-commerce”дан алоҳида йўналиш сифатида ажратиб кўрсатила бошланди. Электрон савдо “e-commerce”, яъни электрон тижоратдан фарқли ўлароқ асосан товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини қамраб олади. Электрон тижоратнинг қамров доираси электрон савдога нисбатан кенгрок бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам иштирок этади. Электрон савдо тизими орқали истеъмолчи сотувчи (ишлаб чиқарувчи) билан тўғридан-тўғри мулоқот қилмасдан ва товарлар қидиришда ортиқча харажат ва вақт сарфламасдан харидларни амалга оширса, ўз навбатида сотувчи электрон ахборотлар олиш имкони юқорилиги сабабли бозордаги вазиятга тезкорлик билан мослашишга ҳаракат қилади.

Электрон савдо тизимларининг афзалликлари билан бир қаторда уни ривожлантиришда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган айрим муаммолар мавжуд. Хусусан, интернет тармоғининг қамрови, тезлиги ва ундаги узилишлар, интернетдан фойдаланувчилар сонининг камлиги, рақамли лойиҳаларни молиялаштириш ресурслари чекланганлиги, электрон инфратузилма ва тўлов тизимларининг етарли ривожланмаганлиги, электрон молиявий хизматлар кўрсатувчи институтлар ўртасида рақобатнинг сустлиги, янги электрон тўлов тизимларини қонуний тан олиш жараёнининг чўзилиб кетиши, интернет тармоғида тўловлар хавфсизлиги бўйича ҳимоя тизимлари мавжуд эмаслиги, малакали мутахассислар сонининг камлиги сингари қатор камчиликлар миллий иқтисодиётда электрон савдо тизимларининг тўлақонли ва самарали фаолият юритишига салбий таъсир ўтказади.

Интернет тармоқлари асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, шунингдек, янги ахборот тизимларининг вужудга келиши ва савдо муносабатларига электрон технологияларнинг кириб келиши замонавий савдонинг электронлашувига олиб келмоқда.¹ Ўзбекистон

¹ Кулик И.В., Паздников Р.А. “Роль и перспективы развития электронной торговли в мировой экономике.” Нижегород 2018 г.

Республикасида ҳам глобал тараққийга ҳамоҳанг равишда миллий иқтисодийнинг ривожланиши рақамли технологияларга таянган ҳолда, иқтисодий муносабатларнинг электронлашуви кузатилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда электрон тижорат, жумладан электрон савдонинг жадал ривожланаётганини гувоҳи бўламиз. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратилгани, ахборот-коммуникация инфратузилмаси такомиллаштирилгани, электрон тўлов тизимлари ва платформалари ишга тушаётгани ва энг асосийси улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланаётганлиги электрон савдоларнинг янада кенгайиши ва ривожланиши учун замин яратмоқда. 2015 йилда “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹ янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда электрон тижорат ва савдолар тизимини ривожлантириш учун мустаҳкам қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонун билан электрон тижоратнинг қуйидаги асосий принциплари белгилаб берилган²:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;
- шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;
- электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги;
- иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши.³

Қонун билан мустаҳкамланган юқоридаги принциплардан кўриниб турибдики, электрон тижорат мамлакатимизда бошқа тижорат ва савдо механизмлари сингари ҳеч қандай тўсиқларсиз, тўлақонли равишда амал қилиши учун замин яратилган. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш эркинлиги, электрон тижоратда иштирок этиш ихтиёрийлиги, иштирок этиш шарт-шароитлари барча иштирокчилар учун тенглиги, шунингдек, электрон

¹ “Халқ сўзи” газетасининг 2015 йил 23 майдаги 103 (6286)-сони.

² “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 4-модда. <https://lex.uz/docs/2650293>

³ Джуманиязова М.Ю. “Перспективы развития электронной коммерции в Узбекистане” Экономика и бизнес: теория и практика 2018 г.

савдода қатнашаётган томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун асосида ҳимоя қилиниши кафолатланган. Бу эса Ўзбекистон Республикасида электрон савдо тизимларининг фаолият олиб бориши учун энг асосий омиллардан биридир. Бугунги кунга келиб электрон савдони ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалар сирасига киради. Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиб, соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат¹:

- электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

- электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ва мувофиқлаштирилган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяди. Тадбиркорлик субъектлари учун ҳамкорликнинг энг самарали ва устувор йўналишлари белгилаб берилади.

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларининг асосий мақсади республикада биринчи навбатда соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама - ҳуқуқий, молиявий, ташкилий қўллаб-қувватлаш, зарурий инфратузилмани барпо этиш, соҳа учун

¹ “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 5-модда. <https://lex.uz/docs/2650293>

малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, шунингдек, бошқа давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик олиб бориш орқали электрон савдо доирасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг электрон савдо жараёнларидаги манфаатларини ташқи бозорларда ҳимоя қилишга қаратилган.¹

Миллий иқтисодийнинг истиқболдаги ривожланиши ва унинг рақобатбардошлиги таъминланиши мамлакатимиз ҳаётида рақамли технологияларнинг қанчалик самарали қўлланиши, иқтисодий муносабатларни электрон платформалар орқали янада такомиллаштириш, электрон савдо тизимларини кенгайтириш натижадорлигига боғлиқдир. Рақамли Ўзбекистон тараққиётининг асосий мезонлари ҳам мамлакатимизда электрон муносабатлар муҳитининг қарор топиши, электрон технологиялар имкониятларидан кенг фойдалана оладиган тадбиркорлик субъектлари сонининг ортишига таянади. Халқаро амалиётдаги тажрибалар сингари миллий бизнес тенденциясининг ҳам электрон технологияларга асосланиши даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам рақобатдошлигининг муҳим омили айнан электрон тижорат механизмлари, жумладан, электрон савдо тизимлари бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда ахборот технологиялардан фойдаланмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тобора имконсиз ва айтиш мумкинки, мантиқсиз ҳолатга айланиб бормоқда. Мамлакатимизда электрон технологиялар нафақат савдо жараёнларида кенг қўлланилмоқда, балки бизнес фаолиятининг бутун жараёнида – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бизнесни бошқариш, молиявий менежмент ва маркетинг фаолиятларининг энг самарали ва ажралмас механизми ҳисобланади. Шу билан бирга, электрон технологияларнинг охириги ютуқларини самарали қўллаш миллий иқтисодийнинг хомашё ресурсларига қарамлигини

¹ Чайка И. Ю. “Основы правового регулирования трансграничной электронной торговли в КНР.” Юридический мир 2017 г.

камайтириш ва юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт барпо этишга замин яратади.

1.2-§. Электрон савдо: моҳияти, классификацияси, ривожланиш тенденцияси ва унга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодиётда ҳар қандай тушунчанинг моҳиятини тўғри ва тўлиқ англаш ушбу тушунча билан боғлиқ фаолият ва муносабатларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, технологик тараққиёт натижасида вужудга келган ва бугунги кунда иқтисодий фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланган электрон савдонинг моҳиятини бир сўз билан шундай баён қилиш мумкин, яъни электрон савдо – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида, жумладан, интернет тармоғи орқали савдо фаолиятини амалга оширишдир. Электрон савдо онлайн платформалар орқали ахборот алмашинув, товар ёки хизматларни етказиб бериш, анъанавий савдонинг онлайн усуллари ташкил этишни ўз ичига олади¹.

Жаҳон савдо ташкилоти доирасида “электрон савдо” тушунчаси телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш, маркетинг, логистика ва товар (хизмат)ларни тўғридан-тўғри сотиш жараёнлари сифатида талқин қилинади². Умуман олганда, электрон савдони амалга ошириш орқали бизнесни масофадан бошқариш, товар ва хизматларни онлайн харид қилиш ва уларни исталган манзилга етказиб бериш, турли виртуал тўлов тизимларидан фойдаланиш мумкин бўлади.³

Электрон савдонинг моҳиятини янада кенгроқ англаш учун унинг қуйидаги шакллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- C2C (Consumer – to – Consumer): электрон савдо майдончаларидан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларнинг истеъмолчилар билан ўзаро

¹ Харева В.А., Жаркова Д.А. «Современные тенденции развития электронной торговли». Научный вестник ЮИМ-Горизонты новой экономики, №4. 2019. С.20.

² Сидорова О.В. «Электронный бизнес в современной экономике проблемы перехода к инновационной экономике», 2013. С.52.


³ Чайка И. Ю. “Основы правового регулирования трансграничной электронной торговли в КНР.” Юридический мир 2017 г.

муносабатлари. Бунда интернет сайтлари сотиб олувчи ва сотувчи ўртасида электрон воситачи вазифасини бажаради. Электрон савдонинг ушбу шаклида асосан электроника ва маиший техника воситалари, кийимлар, оёқ кийимлар ва болалар товарлари сотилиши амалиётда кўп кузатилади.

- B2C (Business – to – Consumer): истеъмолчилар ва бизнес ўртасидаги муносабатлар. Бунга интернет дўконларни яққол мисол тариқасида келтириш мумкин.

- B2B (Business – to – Business): бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро савдо ва иқтисодий муносабатлар тизимини намоён қилади.

- B2G (Business – to – Government): бизнеснинг давлат билан ўзаро муносабатлари тизимидан иборат. Давлат харидлари электрон порталлари электрон савдонинг ушбу шакли амал қилишининг намунаси дир.



1.2.1-расм. Электрон савдо шакллари¹

Электрон савдолар айрим хорижий адабиёт ва ҳуқуқий ҳужжатларда электрон тендер майдончаси, интернет савдо майдончаси деб ҳам аталади. Электрон савдо тадбиркорлик фаолиятини электрон тарзда амалга оширишнинг виртуал ахборот платформаларини ўзида намоён қилади. Маълумки, ахборот коммуникация технологиялари ривожланишининг


¹ В.А.Харева, Д.А.Жаркова «Современные тенденции развития электронной торговли». Научный вестник ЮИМ-Горизонты новой экономики, №4. 2019. С.20.

Энг истиқболли ютуқларидан бири бу интернет глобал тармоғининг яратилиши бўлди. Шунингдек, электрон тизимлар ва тармоқли технологиялар кенгайиши натижасида иқтисодий фаолиятнинг янги модели электронлашган фаолият ва унинг асосий бўғини бўлган электрон тижорат механизмлари амалиётда фаол қўлланила бошланди. Бунинг натижасида товар (хизмат)ларни ишлаб чиқариш, сотиш ва тақсимлаш жараёнларини ахборот технологияларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмаган тараққиётнинг янги даврида ҳаёт кечирмоқдамиз. Компьютер тармоқлари орқали товарлар олди-сотдисини амалга ошириш ва пул маблағларини ўтказиш операцияларини электрон савдонинг дастлабки кўринишлари бўлса, бугунги кунда электрон савдо кўлами ва географияси жиҳатдан бир нечта маротаба кенгайди. Бугунги кунга келиб электрон савдо нафақат товар ва хизматлар олди-сотдиси билан боғлиқ тижорат операцияларини амалга ошириш, балки харажатларни қисқартириш ва даромадларни ошириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, товар ва хизматларга талабни шакллантириш, мижозларга қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш, рақобатбардошликни таъминлаш, ҳамкорлар билан ишлаш муносабатларни такомиллаштириш сингари бир қатор истиқболли йўналишлар асосини белгилаб бермоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, исталган тадбиркорлик субъектининг асосий мақсади истеъмолчилар талабини имкон қадар тўлиқроқ қондириш ва шу асосда максимал даромад олишга қаратилган бўлади. Электрон савдоларда иштирок этувчи истеъмолчилар ҳам анъанавий савдолардаги истеъмолчилардан фарқли равишда “истеъмолчи табиати” нуқтаи назаридан айрим хусусиятларга эга бўлиши мумкинки, электрон савдони ташкил этаётган тадбиркорлик субъектлари савдоларда ана шу истеъмолчи табиати омилларини ҳам инобатга олиши мақсадга мувофиқ. Бунда электрон савдолар анъанавий савдоларга нисбатан ўзининг қатор хусусиятларига эга, жумладан:

- бозордаги умумий вазият ва талабга тезкорлик билан мослашиш;
- муомала харажатлари, шу жумладан, сақлаш, ташиш, сотиш ва персонал харажатларини иқтисод қилиш;

- бозор(истеъмолчи)ларнинг географик жойлашуви билан боғлиқ ноқулайликларни истисно этиш.

Шу ўринда электрон савдонинг инструментларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Амалиётда электрон савдонинг энг кўп учрайдиган инструментлари (турлари) қуйидагилардан иборат (1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Электрон савдо инструментлари (турлари)¹

Электрон дўкон – бу ихтисослаштирилган веб-сайт бўлиб, у орқали товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш амалга оширилади. Электрон дўконда товарларни танлаш, буюртмаларни расмийлаштириш, электрон тўловларни амалга ошириш ва етказиб бериш хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Электрон аукцион – анъанавий аукциондаги лотлар бўйича савдолар жараёнини ўзида акс эттирадиган веб-сайт ҳисобланади. Электрон аукционлар икки хил кўринишда амалга оширилади: тўғридан-тўғри ва тескари аукционлар. Тўғридан – тўғри аукционларда энг юқори нархни белгилаган ҳолда истеъмолчилар рақобатлашса, тескари аукционда товарга энг паст нархни белгилаган ҳолда сотувчилар беллашади. Савдолар онлайн режимида

¹ <https://works.doklad.ru/> - интернет ресурси материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

амалга ошади. Лекин, электрон дўкондаги каби электрон тўловлар қилиш ва товарларни етказиб бериш хизматларидан фойдаланиш унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас.

Электрон биржа – электрон биржа савдоси операцияларини ўтказиш тизимидир. Бу ҳам анъанавий биржадаги лотлар бўйича савдолар жараёнини ўзида акс эттирадиган веб-сайт ҳисобланади. Электрон биржада товарлар ассортименти чекланган бўлиб, рўйхатдан ўтган профиллар кесимида савдолар амалга оширилади. Реал вақт режимида битимлар тузиш зарурлигини инобатга олиб, биржада қарор қабул қилиш ва операциялар тезкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Электрон тўловлар ва етказиб бериш хизматлари электрон биржалар фаолияти доирасига кирмайди.

Электрон савдо майдончаси – биржадан ташқари электрон савдо операцияларини амалга ошириш тизими ҳисобланади. Электрон савдо майдончасида сотиб олувчилар ва сотувчилар ўртасида битимлар тузилади. Савдо майдончалари, қоида тариқасида, муайян тармоқ кесимида фаолият юритади. Электрон биржадан фарқли равишда товарлар ассортименти чекланмаган.

Электрон савдо маркази – бу бир нечта электрон дўкон ва каталогларни ўзида бирлаштирадиган веб-сайтдир. Бунда умумий платформа орқали электрон дўконларда савдо қилинади ва ҳимояланган тўлов операциялари амалга оширилади. Электрон савдо маркази умумий савдо провайдери (ташкилотчиси) вазифасини бажаради. Унинг афзаллиги шундаки, истеъмолчилар ягона платформа орқали кенг ассортиментдаги бозорларга кириб боради. Бундан ташқари, электрон савдо маркази бренди остида янги электрон дўконлар мижозларни жалб қилиш имконияти ошади.

Электрон маълумотнома (каталог) – товар етказиб берувчилар ўртасида тендерлар ўтказиш учун ихтисослаштирилган веб-сайт. Бу каталог кўринишида бўлиб, мижоз етказиб берувчини танлаган ҳолда у музокаралар ўтказади. Етказиб берувчиларни танлаб олиш товарнинг хусусияти,

нархи, етказиб бериш шартлари, номенклатураси ва бошқа мезонлари бўйича амалга оширилади.

Электрон бизнес жараёнлари, хусусан, электрон савдони муваффақиятли амалга ошириш учун электрон алоқа воситалари, айниқса, интернет ва унинг сифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Интернет электрон савдо иштирокчилари (субъектлари)нинг барқарор фаолиятининг техник кафолатидир. Шу ўринда электрон савдо субъектларига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар қаторига молиявий институтлар, тадбиркорлик субъектлари, истеъмолчилар, шунингдек, техник қўллаб-қувватловчи инфратузилмавий ташкилотларни киритиш мумкин.

Замонавий бозорларда фаолият олиб борувчи барча компанияларни электрон тижоратга муносабати жиҳатидан қуйидаги 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:¹

1. Анъанавий компаниялар. Улар реал, физик бозорда фаолият олиб боради ва муайян шароитлар мажбур қилмаса, электрон тижоратга мурожаат қилишмайди.

2. Аралаш компаниялар. Улар ўз фаолиятларининг маълум қисминигина интернет тармоғи орқали амалга оширади.

3. Электрон компаниялар. Улар ўз фаолиятларини тўлиқ интернет тармоғи орқали амалга оширишади.

Техникавий тараққиёт такомиллашган ҳозирги шарт-шароитларда компаниялар томонидан ахборот технологиялар ривожланишининг илғор шакли сифатида электрон савдо механизмларининг қўлланиши уларнинг фаолияти ва бизнес қарорлари самарадорлигини ошириш, рақобатлашган бозорларда барқарор ўрин олишга хизмат қилади.²

¹ Медведева А.В. «Электронная коммерция в предпринимательской деятельности». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2004. С.11.

² М.Л. Калужский “Электронная коммерция: маркетинговые сети и инфраструктура рынка” ОмГТУ. – Москва : Экономика, 2014. – 328 с.

Турли мулкчилик шакли ва фаолият турларига мансуб компаниялар ўзларининг тижорат фаолиятида интернетдан фойдаланишнинг қуйидаги йўналишларини санаб ўтиш мумкин:

- ахборот портални ёки тижорат операцияларини амалга оширувчи веб-сайтини яратиш;

- мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш учун электрон платформаларни қўллаш;

- бизнес жараёнларини мувофиқлаштириш ва тижорий ҳамкорликни мустаҳкам учун корпоратив портални ишга тушириш;

- электрон дўкон яратиш;

- компаниянинг савдо ахборот тизими негизида электрон савдо тизимини жорий этиш;

- электрон тўловлар тизимини яратиш ёки шартнома асосида бошқа тизимлардан фойдаланиш;

- электрон тўловлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Электрон савдолар соҳасида электрон компаниялар билан бир қаторда анъанавий субъектлар ҳам билвосита иштирок этиши мумкин, яъни тижорат жараёнининг қайсидир босқичида уларнинг маҳсулотлари олди-сотди қилиниши ёки улар томонидан электрон савдоларда хомашё ресурслари харидлари амалга оширилишини истисно этиб бўлмайди, албатта.¹

Амалий жараёнларда ва кўпчилик илмий адабиётларда электрон савдо тушунчаси кенгроқ маънода “электрон бизнес” тушунчаси билан параллел учрайди ёки электрон савдо электрон бизнеснинг энг асосий йўналишларидан бири сифатида келтирилади.

Электрон бизнес – ташкилот томонидан компьютер тармоқлари ёки интернетдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган исталган бизнес жараёнидир (маркетинг, товарлар таклифи, сотув, ижарага бериш, лицензия

¹ Салиев И. Р. “Юридическая сущность электронной торговли” Актуальные проблемы правоведения” Тюмень 2013 г.

бериш, товарлар, хизматлар ва маълумотларни етказиб бериш ва ҳ.к.).
 Электрон бизнес – ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган бизнес бўлиб, оптимал бизнес ҳамкорлигини таъминлайди ва қўшилган қийматнинг интеграциялашган занжирини яратади¹.



1.2.3-расм. Электрон бизнес структураси²

1.2.3-расмда келтирилган электрон бизнес структурасидан кўриш мумкинки, электрон бизнес тадбиркорлик фаолиятининг электронлашган шаклини намоён қилади. Расмдан эътиборни тортадиган жихатлардан бири бу электрон тижоратда бизнес юретиш схемаларининг горизонтал ва вертикал кўринишда бўлишидир. Горизонтал схема амалиётда кенг учрайдиган бизнес схемаси бўлиб, бунда турли тармоқларга мансуб бўлган,

¹ Медведева А.В. «Электронная коммерция в предпринимательской деятельности». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2004. С.12.

² Медведева А.В. «Электронная коммерция в предпринимательской деятельности». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2004. С.13.

лекин ўхшаш фаолиятларни (хомашё материаллари, янги ускуналар, ишлаб чиқариш майдонлари, капитал ва бошқа неъматларни сотиш) амалга оширувчи компаниялар гуруҳининг савдо, ҳисоб-китоб ва аукционлар доирасида бирлашишини англатади. Вертикал схемалар муайян тармоқ компаниялари доирасида амал қилиб, уларга ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, савдо майдончалари ташкилотчиларига эса савдо операцияларини айланмасидан фоиз кўринишида фойда олиш имконини беради. Вертикал схемалар компаниялар муносабатлари вертикал кўринишга асосланган аниқ бир тармоқнинг хусусий масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Ҳозирги кунда ҳеч қайси тадбиркорлик субъекти бозор шароитларининг кутилмаган ўзгаришларидан ҳимояланмаган ва кескин рақобатлашган вазиятда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун қатор чораларни кўриб бориши табиий ҳол. Ушбу чора-тадбирлар ичида ишлаб чиқариш фаолиятини автоматлаштириш ва сотиш каналларини электронлаштириш харажатларни қисқартириш ва рақобатбардошликни оширишнинг энг мақбул омилларидан ҳисобланади. Компаниялар доимий равишда ахборот технологияларнинг янги ютуқларини таҳлил қилиб бориши ва фаолиятига уларни жорий қилиш бўйича бош қотириши рақобатчилари олдида ўз ўрнига эга бўлиши калитидир.

Глобал алоқа тармоқлари, хусусан интернет тармоғининг ривожланиши иқтисодий тараққиётга эришиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасида ҳақиқий маънодаги инқилобни бошлаб берди. Ахборот технологиялари ривожланиши ва уларнинг иқтисодий фаолиятда кенг қўлланиши бизнес юритишнинг нафақат янги йўналишларини кашф қилди, балки мавжуд бизнес фаолият турларини мазмунан ўзгартириб юборди. Бу борада электрон савдо тизимларининг шиддат билан ривожланиши эса инсоният тарихида мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, сўнгги йилларда электрон савдоларнинг ривожланиш тенденцияси сезиларли фаоллашмоқда. Бугунги кунга келиб электрон савдолар айланмаси триллионлаб долларни ташкил этаётгани ушбу соҳанинг нақадар жадаллик билан иқтисодий муносабатларга кириб келганлигининг тасдиғидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2019 йилда вужудга келган COVID-19 пандемияси шароитида жаҳон ҳамжамиятида электрон савдоларнинг афзалликлари яққол намоён бўлди ва ушбу пандемия электрон савдолар ривожланиши тенденциясида янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Глобал карантин шароитлари нафақат электрон савдолар тизимининг ривожланишига туртки берди, балки айнан электрон савдолар орқали дунё ва мамлакатлар иқтисодиётида ялпи талабни маълум бир даражада қўллаб-қувватлаб туришга эришилди.

Замонавий бозор муносабатларида электрон савдоларнинг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, истеъмолчилар учун кескин рақобат курашларида электрон савдо муҳим қуролга айланиб бормоқда. Ўз навбатида, кучли рақобатлашган бозор иқтисодиёти электрон савдолар ривожланишининг асосини ташкил этади ва бозор муносабатлари сифатида савдо шакли ва усуллариининг такомиллашиб боришига олиб келади.¹

Рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши, шу жумладан, электрон савдо технологиялари кенгайиши жаҳон иқтисодиёти динамик тенденцияларининг энг таъсирчан кучи ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий тараққиётнинг асосий ресурсларидан бирига айланмоқда.² Ўз навбатида, электрон савдо ҳам бошқа иқтисодий фаолият турлари сингари ўзининг барқарор фаолияти учун қатор шарт-шароитларни талаб этиб, ривожланиш омилларига эга. Кўпчилик иқтисодий адабиётларни ушбу омиллар гуруҳлаштирилган ҳолда кўриб чиқилади, хусусан, бозор, ахборот-инфратузилмавий, бошқарув, ҳуқуқий сингари омиллар гуруҳлари ажратиб кўрсатилади (1.2.4-расм).

Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар сотишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар таҳлили электрон савдони ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий омилларини белгилаб олиш,

¹ Ушилова К.В., Поначугин А.В. “Электронные торговые площадки в России: проблемы и перспективы развития” Экономика и предпринимательство 2017 г.

² Джуманиязова М.Ю. “Перспективы развития электронной коммерции в Узбекистане” Экономика и бизнес: теория и практика 2018 г.

шунингдек, иқтисодий субъектларнинг электрон савдони амалга оширишга тайёрлигини баҳолаш имконини беради. 1.2.4-расмда келтирилган электрон савдони ривожлантириш омиллари В2В (бизнес-бизнес) ва В2С (бизнес-истеъмолчи) ва бошқа савдо схемалари доирасида электрон савдони муваффақиятли амалга ошириш учун хизмат қилади. Бунда электрон савдо оммавийлигини таъминлашда электрон тўловлар тизимининг ривожланиши ҳам алоҳида ўринга эга.



1.2.4-расм. Электрон савдо ривожланиши ва ташкил этилишининг асосий омиллари¹

Юқорида таъкидланганидек, электрон савдонинг ривожланиш тенденциясида унга таъсир этувчи омиллар, яратилган шарт-шароит ва инфратузилмалар муҳим аҳамият касб этади. Миллий иқтисодиётда электрон савдо муносабатлари учун ташкилий, ахборот инфратузилмавий, ҳуқуқий шарт-шароитлар мустаҳкамланиб қўйилиши лозим. Акс ҳолда,

¹ Казьмина И.В., Щеголева Т.В. «Состояние и основные тенденции развития отечественной электронной торговли на основе информационных технологий», М.:Экономинфо. 2017. №1-2., С.75.

электрон савдоларга асосланган халқаро бозорларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига зарар этиши табиийдир. Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида электрон савдолар ривожланиши тенденцияси шиддат билан ўсиб бораётганлигини “E-commerce Foundation” – Бутунжаҳон электрон тижорат ассоциациялари бирлашмасининг расмий ҳисоботларида гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, ушбу ташкилот томонидан эълон қилинган “E-commerce Report Global 2019”¹ - электрон савдолар бўйича охириги глобал ҳисоботда қайд этилишича, 2015 йилда дунё аҳолисининг 49 фоизи интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 61 фоизга етган. Интернет энг кенг тарқалган минтақалар каторида Европа – 85 фоиз ва Шимолий Америка – 84 фоиз даражалари билан етакчилик қилади. Энг кам тарқалган интернет минтақалари Жанубий-Шарқий Осиё ва Океания мамлакатларига тўғри келади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу минтақалар аҳолиси 3,4 миллиард кишидан ошади ва айнан ушбу омил келажакда электрон савдога асосланган янада йирик бозорлар вужудга келишини аңлатади.

Алоҳида мамлакатлар кесимида таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, интернет тармоқлари қамровининг географияси бирмунча бошқача тенденцияга эга. Бунда интернет фойдаланиш даражасининг энг юқори кўрсаткичлари Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар ва Қувайт (99 фоиз) давлатларига тўғри келади. Японларнинг эса қарийб 96 фоизи интернетдан фойдаланишади. Қизил, Аргентинада интернетдан фойдаланувчилар салмоғи Германия ва Канада (93 фоиз) давлатлари билан бир хил. АҚШ аҳолисининг 90 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланса, интернетдан фойдаланиш даражаси ўртамиёна ҳисобланган йирик давлатлар рўйхатини Хитой – 61 фоиз ва Россия – 76 фоиз билан тўлдириб туради. Энг паст кўрсаткич Танзания давлатга тўғри келиб, бу мамлакат аҳолисининг бор-йўғи 38 фоизи интернетдан фойдаланиш имкониятига эга².

¹ <https://rau.ua/ru/> - интернет ресурс манбаси асосида муаллиф томонидан келтирилди.

² <https://rau.ua/ru/> - интернет ресурс манбаси асосида муаллиф томонидан келтирилди.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкинки, дунё миқёсида электрон савдоларнинг кенгайиши ва миллий иқтисодиётларда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш макро ва микро даражадаги рақобатбардошликни таъминлашнинг энг таъсирчан ва истиқболли йўналишига айланган. Электрон савдоларнинг ривожланиши қатор омиллар самарасига боғлиқ бўлган ҳолда, интернет тармоғи ва ундан фойдаланиш салмоғининг юқорилиги яқин келажақда электрон савдолар ҳажми ва географияси кенгайишининг энг бирламчи омили бўлиб қолади.

1.3-§. Нисбий устунлик назарияси ва нисбий устун соҳаларини аниқлашда электрон савдодан фойдаланиш

Иқтисодий назариянинг классики Адам Смит 18-аср охирида хўжалик юритувчи субъектлар ҳамма нарсани ўзлари ишлаб чиқармасдан, балки камроқ ресурслар ёки вақт сарфлаган ҳолда товар ишлаб чиқарилишга ихтисослашганда мутлақ устунликлар принципи тасвирланган. Бу тамойилнинг тимсоли – бу озиқ-овқат ишлаб чиқариб сотишдан тушган даромад эвазига пойабзал, кийим-кечак ва бошқа уй-рўзғор буюмларини сотиб олган фермердир. Халқаро савдо нуқтаи назаридан бу концепция мамлакатларнинг бир-бири билан алмашинадиган, ўзаро манфаат кўрадиган маълум товарлар гуруҳларини яратишга ихтисослашган афзалликларини аниқ тушунтириб берди. Аммо бундай афзалликлар бир-биридан фарқ қилувчи мамлакатлар учун яққол кўриниб турарди: табиий шароит, муайян саноатнинг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар.

Қиёсий устунлик концепциясини замонавий иқтисодий назариянинг яна бир кўзга кўринган асосчиларидан бири Давид Рикардо ўзининг "Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш тамойиллари" (1817) китобида шакллантирган. "Ташқи савдо тўғрисида"ги VII бобда у шароб ҳам, мато ҳам ишлаб чиқариши мумкин бўлган Англия ва Португалияни мисол қилиб келтиради.

Португалия иккала маҳсулотни ҳам Англияга қараганда арзонроқ нархда ишлаб чиқариши мумкин. Аммо унинг ресурслари чекланганлиги сабабли,

кўпроқ даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш мантиқан тўғри бўлади.

Ушбу мисолда, 80 ишчининг йиллик меҳнатидан фойдаланган ҳолда, Португалия бир бирлик шароб ишлаб чиқариши мумкин. Англияга мато ишлаб чиқариш учун 100 ишчи керак бўлади. Маҳсулотлар алмашинувида, агар нисбат 1:1 бўлса, Англия 20 ишчининг меҳнатини тежаб, вино олади. Португалия ўн ишчининг меҳнатини тежаб, мато олади.

1.3.1-жадвал

Д.Рикардонинг мамлакатларнинг қиёсий афзалликларига мисоли (ўлчов бирлиги – маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчилар сони)

Мамлакатлар\товарлар	Вино	Мато
Англия	120	100
Португалия	80	90

Рикардо қиёсий устунлик қонунини қуйидагича шакллантирган: “Португалия 90 кишининг меҳнати билан мато ишлаб чиқариши мумкин бўлса-да, уни ишлаб чиқариш учун 100 киши меҳнати талаб қилинадиган мамлакатдан импорт қилади, чунки унинг капиталини вино ишлаб чиқариш учун ишлатиш фойдалироқ бўлиши мумкин. Бунинг учун у ўз капиталининг бир қисмини виночиликдан мато фабрикасига ўтказиш орқали ўзи ишлаб чиқарганидан кўра Англиядан кўпроқ мато олади.

Ҳар бир мамлакатга йилига беш бирлик мато ва вино керак деб ҳисобласак, унда:

- Англияга мустақил ишлаб чиқариш учун $5 * 100 + 5 * 120 = 1100$ ишчи кучи керак бўларди;

- Португалияда шунга ўхшаш харажатлар: $5 * 80 + 5 * 90 = 850$ ишчи.

Айирбошлашда фақат виночиликка ихтисослашган Португалия бир хил миқдордаги товар олади, лекин 800 нафар ишчи меҳнати билан, Англия эса 1000 нафар.

Натижада:

- Ҳар икки давлат ҳам талаб қилинадиган товарларни олди, лекин камроқ

ишчи кучи билан.

- Ҳар икки давлат озод қилинган ишчиларнинг меҳнатидан бошқа соҳаларда фойдаланиши мумкин.

Худди шундай мулоҳазалар корхоналар ва жисмоний шахсларга ҳам тегишли.

Бу мисол шуни кўрсатадики, Рикардонинг фикрига кўра, мамлакат (компания) учун ресурсларни рақобатчилардан эмас, балки ўзининг муқобил инвестиция вариантларига нисбатан самарадорлик устунлигига эга бўлган тармоқларда жамлагани маъқул. Бу чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ихтисослашув орқали узоқ муддатли фойда олиш имконини беради.

Замонавий иқтисодиётда Смит ва Рикардонинг қарашлари рақобат устунлиги назарияси билан тўлдирилди. Унинг таъкидлашича, истеъмолчилар учун мутлақ ва қиёсий афзалликларни акс эттирувчи миқдорий таъсирлардан ташқари, сифат омиллари ҳам катта аҳамиятга эга. Бренд, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва бошқа маркетинг ва инновацион хусусиятлар нархлардаги фарқни тенглаштириш орқали рақобатдош устунликни яратиши мумкин.

1.3.2-жадвал

Мутлақ, қиёсий ва рақобатбардош устунликларнинг фарқи

Устунлик турлари	Асосчилари	Яралиш вақти	Ким учун тўғри келади
Мутлақ	А. Смит	1776 йил	Саноатнинг турли даражадаги ривожланиш даражаси ва / ёки атроф-муҳитдаги сезиларли фарқларга эга бўлган мамлакатлар
Қиёсий	Д. Рикардо	1817 йил	Ривожланиш даражаси ва бизнес шароитлари ўхшаш бўлган давлатлар, улардан бири бошқасига қараганда арзонроқ маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин
Рақобатбардош	М. Портер	20 аснинг 80 йиллари	Бири ўз маҳсулотининг нархида, иккинчиси сифати бўйича устунликка эга бўлган мамлакатлар. Яна бир ҳолат - маҳсулот сифатининг турли соҳаларида афзалликлар.

Ҳар хил турдаги имтиёзлар ўртасидаги фарқлар давлатлар учун ҳам, алоҳида компаниялар учун ҳам тегишли.

Д.Рикардонинг кўриб чиқилган назарияси бир қатор чекловларни ўз ичига олади, улар асосан мутлақ афзалликлар тушунчаси учун амал қилади.

1. Имтиёзлар ихтисослашувнинг узоқ муддатли таъсирини ҳисобга олмайди. Агар, масалан, бир мамлакат оддий товарлар ишлаб чиқаришга, иккинчиси эса юқори технологияларга ихтисослашган бўлса, иккинчи мамлакат аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, илм-фан даражаси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича биринчи мамлакатни ортда қолдириши мумкин.

2. Эркин савдо назарда тутилган - лекин ҳақиқатда деярли барча мамлакатлар бозорлари тарифлар ва нарх бўлмаган тўсиқлар билан ҳимояланган.

3. Валютанинг айирбошлаш курси эътиборга олинмайди, гарчи у алмаштирилган товарлар қийматига катта таъсир кўрсатади.

4. Фақат иккита мамлакат ва иккита маҳсулот ҳисобга олинади.

5. Кўчма капиталга эга вариант кўриб чиқилмайди - юқори даромадлилик учун бошқа мамлакатга оқиб тушадиган вариант.

6. Афзалликларнинг вақтинчалик хусусияти эътиборга олинмайди: янги технологияларнинг ривожланиши ва бозор ўзгариши билан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш шартлари ўзгаради.

Бу қарама-қаршиликлар атрофидаги тортишувлар давом этмоқда. Эркин савдони қўллаб-қувватлаган иқтисодчилар уларни ҳал қилиш учун далиллар топадилар. Протекционизмни у ёки бу даражада қўллаб-қувватловчи бошқа мутахассислар, аксинча, улардан Д.Рикадро ва унинг издошларининг қарашларини танқид қилиш учун фойдаланадилар.

Қиёсий устунлик тушунчаси эркин савдо ва очиқ бозорларнинг афзалликларини график тарзда тавсифлайди. Аммо бу назарияни қўллашда унинг асосий камчилигини билиш керак: ихтисослашувнинг узоқ муддатли оқибатларини, ташқи омилларни ва вақтинчалик динамикани эътиборсиз

қолдиришдир.

Мамлакатда электрон савдо ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш ушбу мамлакатда нисбий устунликка эга бўлган соҳаларда салмоқли натижаларга эришиш имкониятини беради

Биринчи боб бўйича хулосалар

Диссертация ишининг биринчи бобида электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асослари атрофлича кўриб чиқилган бўлиб, хусусан, Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги оширишда электрон савдоларнинг аҳамияти ва афзалликлари, электрон савдоларнинг моҳияти, классификацияси, ривожланиш тенденцияси ва унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалар юзасидан қатор иқтисодчи олимлар ва амалиётчиларнинг фикрлари ўрганилди, маълумотлар таҳлил қилинди ва тегишлича хулосаларга келинди.

XX аср охирларидаги илмий-техникавий тараққиёт ва иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви, шунингдек, глобал интернет тармоғининг кенгайиши натижалари ўлароқ савдо маданияти тарихида мутлақо янги давр - электрон савдолар даврини бошлаб берди.¹ Электрон савдолар инсоният ҳаётига ва иқтисодий муносабатларга шундай шиддат билан кириб келдики, атиги 10 – 20 йиллик қисқа муддат ичида дунё ҳамжамияти бўйлаб кенг оммалашди. Бунинг асосий сабаби бир томондан интернет тармоғининг ривожланиши бўлса, иккинчи томондан, электрон савдоларнинг қатор афзалликлари билан изоҳланади. Хусусан, электрон савдо операцияларининг қулайлиги, мобиллиги, ишончлиги, шунингдек, бозорда ахборот алмашинувнинг тезкорлиги, муомала харажатларининг камлиги сингари афзалликлари билан анъанавий савдоларга нисбатан устунликларга эгадир. Айниқса, COVID-19 коронавирус пандемияси ва глобал карантин

¹ Кулик И.В., Паздников Р.А. “Роль и перспективы развития электронной торговли в мировой экономике.” Нижегород 2018 г.

шароитларида электрон савдоларнинг муҳим афзалликлари ёрқин намоён бўлмоқда ва унинг аҳамияти янада долзарблик касб этмоқда. Электрон савдо иқтисодий фаолиятни жадаллаштириши билан бирга унинг самарадорлигини сезиларли оширишга имконият яратади. Электрон савдо механизмларидан ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг турли жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида нафақат қўллаш, балки улар орқали юқори самарага эришиш эвазига рақобатбардошлик таъминланади. Янги бозорларни топиш, мижозлар қамрови ва талабини кенгайтириш, бозордаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бериш ва ўз вақтида маркетинг режаларини ишлаб чиқишда электрон савдоларнинг ўрни бекиёсдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда электрон савдоларнинг муттасил ривожланиб бориши тенденцияси электрон савдолар анъанавий савдоларнинг ўрнини тўлиқ босади деб хулоса чиқаришга олиб келмаслиги керак. Балки, электрон савдолар анъанавий савдо механизмлари билан рақобатлашадиган муҳит юзага келишига олиб келиб, охир оқибатда умумий иқтисодий муносабатлар янада такомиллашиб бориши муқаррар.

Шу билан бирга, баён қилинган фикрлар таҳлилидан хулоса қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, электрон савдоларнинг ривожланиши учун дунё минтақалари ўртасида юқори сифатдаги интернет тармоғи ва ундан фойдаланувчилар сони кўплигининг ўзигина тўлиқ масалага ечим бўла олмайди, балки ушбу омиллар билан биргаликда савдо маданияти ва бошқа социал-ижтимоий омиллар ҳам таъсирчан ўринга эга деб ўйлаймиз. Чунки дунё мамлакатларида тарихан шаклланган менталитет ва урф-одатлар, аҳолининг социал-демографик ҳолати, яратилган ижтимоий инфратузилма салоҳияти сингари ижтимоий омиллар электрон савдоларнинг истиқболини белгилашда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олинишини тақозо этади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН САВДОЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

2.1-§. Ўзбекистон Республикасида электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий - ҳуқуқий базанинг яратилиши, электрон савдолар принциплари, қоидалари ва ривожланиш йўналишлари

XX аср охири ва XXI аср бошларида инсоният илмий-техникавий тараққиётдаги муваффақиятлари билан бир қаторда ўзига хос муаммолар гирдобиди қолди ва улар умуминсоний муаммолар тусини ола бошлади. Ушбу муаммолардан бири бу интернет оламини самарали бошқариш ва тартибга солиш, интернетнинг иқтисодий муносабатлардаги ролини ислоҳ қилиш билан изоҳланади.

Маълумки, тараққий этган жамиятда ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий фаолият мустаҳкам ҳуқуқий асосга таянади. Фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан оқилона тартибга солинганлиги унинг муваффақияти калитидир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитларида муайян фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шундан шакллантирилиши лозимки, унинг нормалари бозор қонунлари билан уйғунлашган ҳолда, соҳадаги бозор муносабатларининг тўғри ракурсда ҳаракатланишига имкон яратиши керак. Бу узвий жараён алалоқибат соҳада умумий самарадорликка олиб келиши муқаррар. Бозор муносабатларининг такомиллашуви ва технологик тараққиётнинг чуқурлашуви натижасида ҳаётимизга кириб келган электрон савдо ҳам айна жараёндан ҳоли эмас бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши соҳа қонунчилиги асосларининг қанчалик оқилона ва шаффоф яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида электрон савдо муносабатларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасидаги ишлар энг дастлаб соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошланган.

2004 йил 29 апрель мамлакатимиз электрон савдолар тизимида тарихий сана бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан шу куни биринчи бор “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди

ва соҳа ривожланишидаги дастлабки қадам қўйилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида электрон савдолар шаклланишида муҳим аҳамият касб этди ва қарийб 11 йил мобайнида, яъни 2015 йилгача амалда бўлиб, миллий электрон савдолар эволюциясининг биринчи босқич даврини қамраб олган десак, нотўғри бўлмайди. Ушбу қонун билан электрон савдолар соҳасида шу давр учун муҳим аҳамиятга эга йўналишлар ва жараёнлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Хусусан, электрон тижорат иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, шартномалар тузиш шартлари, электрон тижоратда офертага қўйиладиган талаблар, низоларни ҳал этиш ва электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик нормалари белгилаб берилди. Жумладан, ушбу қонун билан мамлакатимизда электрон тижоратга илк маротаба ҳуқуқий таъриф берилди, яъни унга кўра, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир. Шунингдек, электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчилари эканлиги белгилаб қўйилди. Бунда электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатимизда электрон савдолар ривожланишининг дастлабки босқичида “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан биргаликда Ҳукуматнинг қатор қарорлари ҳам сезиларли ҳуқуқий ечимлар яратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹ билан республикаимизда электрон тижоратнинг салоҳиятли иштирокчилари ўртасида оммалаштириш, шунингдек, соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4-сон, 43-модда.

ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 январдаги 120-сон “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹га асосан “2007-2008 йилларда электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказиш тизимларини янада такомиллаштириш Тадбирлари режаси” тасдиқланиши соҳа ривожини янада жадаллаштиришга хизмат қилди. Тадбирлари режасига мувофиқ қатор самарали вазифалар амалга оширилди, шу жумладан, миллий валютага боғланган интернет-дўконлардан фойдаланган ҳолда электрон тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бошланғич лойиҳа амалга оширилди, пул маблағларини аниқ вақт режимида масофадан бошқаришнинг фаол тизимларида, шу жумладан интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди, интернет орқали электрон тўловларни ўтказиш учун электрон тижорат қатнашчилари ўртасида банк маълумотлари ва бошқа молиявий маълумотларни ўзаро айирбошлашда стандартлар йўлга қўйилди, банк ҳисоб рақамларини масофадан бошқариш тизимларини (Интернет-банкнинг, мобиль банк ва бошқалар) жорий этилди, банк карталари асосида нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимлари ривожлантирилди, банклараро “UZKART” тўлов тизими доирасида интернет тармоғи орқали банк тўлов карталари билан ҳақ тўлаш технологияси жорий этилди, шунингдек, давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитларида савдони электрон тижорат асосида амалга оширишда бюджет ташкилотлари харажатлари тўловини ўтказиш механизми амалиётга татбиқ этилди.

2015 йил 22 майда “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрир²да қабул қилиниши мамлакатимизда электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилишининг сифат жиҳатдан такомиллашган янги босқичини бошлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 251-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда

берди. Янги тахрирда қабул қилинган қонун аввалги қонунга нисбатан қатор афзалликлари ва ўзига хосликларини билан ажралиб туради. Аввало, янги қонунда электрон савдолар соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни максимал даражада қамраб олинган бўлиб, унинг тўлиқлиги ва амалиёт билан чамбарчас боғлиқлиги нуқтаи назаридан аввалги қонундан яққол фарқланиб туради. Бу борада, электрон тижоратнинг асосий принциплари, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ва соҳани давлат томонидан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва махсус ваколатли давлат органининг электрон тижорат соҳасидаги ваколатлари, электрон тижорат иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, электрон тижоратда давлат харидлари ва корпоратив харидларни амалга ошириш жараёнларининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши мамлакатимизда электрон савдолар билан боғлиқ муносабатларни самарали тартибга солиш учун ҳуқуқий замин яратди.

-жадвал

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг асосий принциплари¹

т/р	Принциплар	Мазмуни
1.	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги	Электрон тижоратга асосланган савдоларни амалга ошириш ва соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун алоҳида чекловлар қўйилмаган бўлиб, исталган шахс умумий қонунчиликда белгиланган нормалар асосида электрон тижорат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириши мумкин.
2.	Шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги	Электрон тижоратни амалга ошириш учун томонлар ўз ихтиёрларига кўра қарорлар қабул қилади.
3.	Иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги	Электрон тижорат битимлари ва муносабатларида ҳар бир иштирокчи учун тенг шарт-шароитлар яратилади ва бир томон иккинчи томонга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўлиши мумкин эмас.
4.	Иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши	Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинади, шу жумладан, суд томонидан одилona ҳал этилади.

Айтиш мумкинки, 2.1.1-жадвалда келтирилган Ўзбекистон

¹ “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 4-моддаси асосида муаллиф томонидан тузилди.

Республикасида электрон тижоратнинг 4 та принципи – бу мамлакатимизда электрон тижорат, жумладан, электрон савдоларни амалга ошириш учун мустақкамлаб қўйилган 4 та асосий устунидир. Мантиқий нуқтаи назардан ҳам олиб қарайдиган, ушбу 4 та принцип мамлакатимизда электрон савдолар бутун бир тизимини ўзида намоён қилмоқда.

Жаҳон амалиётида эса электрон савдолар принциплари сифатида одатда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади¹:

Ишонч, яъни электрон савдо операцияларининг ишончлиги, савдо иштирокчилари бунда асосан электрон рақамли имзолар ва бошқа электрон тасдиқловчи воситалардан фойдаланишади.

Ҳақиқийлик, яъни электрон савдони амалга оширишда ҳар қандай маълумот, шу жумладан, товар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотлар реал ҳолатга муносиб ҳолда, ўзининг тижорат қадрига эга бўлиши керак.² Буни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун алоҳида техник тармоқ - Electronic

Электрон тўловлар, яъни бу электрон савдо тизимларидаги ажралмас ва энг муаммоли қисмлардан биридир. Электрон тўлов тизимларининг барқарор ишлаши электрон савдоларда харидлар мунтазам ва муваффақиятли амалга оширилишига шароит яратади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир устуворлиги шундаки, унда электрон тижорат тушунчасига таъриф беришда тўғри ёндашувга асосланган. Яъни аввалги қонунда келтирилган таърифга кўра, электрон тижорат дейилганда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти тушунилган бўлса, эндиликда электрон тижорат дейилганда, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-

1 <https://studfile.net/> - интернет ресурс манбаси маълумотлари.

2 Салиев И. Р. “Юридическая сущность электронной торговли” Актуальные проблемы правоведения” Тюмень 2013 г.

сотдиси тушунилади. Буни шундай изоҳлашга ҳаракат қиламиз: дарҳақиқат, электрон тижорат бу тадбиркорлик фаолияти эмас, у электрон олди-сотди муносабатидир, яъни электрон тижоратда нафақат тадбиркорлик мақсадида иштирок этилади, балки бевосита жисмоний шахслар ижтимоий-маиший мақсадларда ҳам иштирок этишлари мумкин.

Умуман олганда, республикамизда электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Бу эса, мамлакатимизда электрон тижорат соҳасида чет эллик иштирокчилар ва инвесторлар учун яратилган ўзига хос қулайликдан дарак беради, яъни Ўзбекистонда халқаро шартномалар тўлиқ эътироф этилади ва уларнинг ижроси сўзсиз таъминланади.

Электрон савдолар муваффақиятли амалга оширилишида электрон ҳисоб-китоблар тизимининг йўлга қўйилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга, мамлакатимизда бу соҳа ҳам қонуний тартибга солинган бўлиб, электрон ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Электрон тижорат соҳасида тадқиқотлар олиб борган олимлар ушбу соҳани тартибга солиш ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги 4 та йўналиш (ёндашув)ни илгари суришади¹:

а) қонунчилик орқали тартибга солишдан воз кечган ҳолда, ўзини ўзи тартибга солишга ўтиш. Маълумки, амалий нуқтаи назардан бу ёндашув имконсиз бўлиб ҳисобланади. Чунки, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари

¹ Глазкова М. «Правовые аспекты электронной торговли» Научно-практический журнал «МИР», январь-февраль 2010, С.97.

одатда “тармоқли” муносабатларга ҳам билвосита татбиқ этилади;

б) электрон савдо муносабатларини махсус (алоҳида) қонунчилик орқали тартибга солиш. Бу ёндашув умуман олганда самарали ҳисобланиб, лекин бошқа соҳалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларни такрорланишига олиб келади (масалан, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, анъанавий савдо фаолиятини тартибга солиш ва б.);

в) “тармоқли” ижтимоий муносабатлар тавсифидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш. Бу ёндашув ҳам амалда кенг қўлланиладиган тажриба бўлиб, унинг энг асосий камчилиги соҳанинг қонунчилик базаси турли ҳужжат ва нормаларда “тарқоқланиши”га сабаб бўлишидан иборат;

г) “доиравий” қонунчилик ҳужжатини (қонунни) қабул қилиш. Бу ёндашувнинг мазмуни шундан иборатки, соҳа ўзининг мустақкам қонуний асосига эга бўлади ва унда соҳани тартибга солувчи асосий нормалар қамраб олинади¹.

Айрим олимлар электрон савдоларни қонунчилик нормалари орқали тартибга солишда юқорида кўрсатилган учинчи ва тўртинчи йўналишларни энг мақбул деб билишади ва уларни бирлаштириш юқори самарага олиб келишини таъкидлашади. Шу билан бирга, нормалар тўплами ёки умумий тусдаги меъёрий ҳужжат (доиравий қонун) комплекс тарзда бўлиши лозимлигини (қонунчилик турли соҳалари нормаларини қамраб олиши) қайд этишади².

Мазкур диссертация иши доирасида шу пайтгача ўтказган тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ шуни илгари суришни жоиз деб топдикки, яъни электрон савдолар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нафақат соҳани оқилона тартибга солишга хизмат қилиши керак, балки қонунчилик меъёрларининг бош мақсади соҳадаги муносабатларни такомиллаштириш ва

1 Трофименко А. «Какими нормативными актами регулировать «сетевые» отношения» // Российская юстиция. – 2000. – № 9.

2 Тедеев А.А. «Электронная коммерция: пробелы налогообложения и проблемы их преодоления»//Налоговая политика и практика. – 2008. – № 5.

ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозимдир. Бу фикримизни янада изоҳлаб берадиган бўлсак, бугунги кунда жаҳон иқтисодий тизимлари, шу жумладан, миллий иқтисодиётимиз бозор тамойилларига асосланган бўлиб, бундай шароитда соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бозор қонунларига зид бўлмасдан, балки уларнинг янада барқарор ишлаши учун йўл очиб беришни назарда тутиши керак. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, меъёрий-ҳуқуқий нормалар ва бозор қонунлари ўзаро уйғунликда амал қилишини таъминлаш лозим. Бу фикримиз айниқса электрон савдо муносабатларига ҳам тааллуқли бўлиб, соҳа меъёрий – ҳуқуқий базасининг қанчалик оқилона ишлаб чиқилганлиги электрон савдоларнинг ишончлиги, барқарорлиги, рақобатбардошлиги, оммабоплиги ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилмасдан қолмайди, албатта.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон савдолар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда электрон савдолар соҳасини самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича салмоқли ислохотлар амалга оширилгани ва изчил давом эттираётганини қайд этиб ўтиш жоиздир. Мамлакатимизда электрон савдолар нисбатан янги соҳа бўлишига қарамасдан, тарихан жуда қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда соҳанинг қонунчилик базаси нафақат тўлиқ шакллантирилди, балки жаҳон андозаларига мувофиқ равишда такомиллаштиришга эришилди. Бу ўз ўзидан бўлмади албатта, соҳанинг миллий қонунчилик базасини яратиш шартли равишда ўзига хос икки босқичли жараёндан ўтди, яъни 2004 - 2015 йиллар қонунчилик асослари шаклланиши даври бўлса, ундан кейинги йиллар миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ва уни халқаро нормаларга мослаштириш жараёни билан боғлиқ даврни ўзига ичига олмоқда.

Электрон савдоларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва электрон савдода

битимларни амалга ошириш тартибини такомиллаштиришда электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари алоҳида ўринга эга. Чунки, айнан электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари савдо иштирокчилари бевосита амалиётда дуч келиши мумкин бўлган жараёнларнинг бирламчи тартиб ва асосларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори¹ билан Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланган бўлиб, ушбу Қоидалар “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ электрон тижорат шаклида товарларни сотишни (ишларни бажаришни, хизматлар кўрсатишни) тартибга солади. Шунингдек, Қоидаларнинг амал қилиши давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) давлат харидларига, биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган биржаларда, шунингдек ахборот воситачиларининг ахборот тизимларида содир этиладиган битимларга, кўчмас мулкни сотишга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўладиган битимларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасида электрон савдоларни амалга ошириш қоидаларининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири электрон савдода товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш рухсат этиш хусусиятига эга алоҳида ҳужжат олиншини талаб этилмаслиги бўлиб, бу омил ҳам тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратган. Бунда электрон тижорат шаклида товарларни сотишда, агар ҳужжатни электрон тижоратдан ташқарида расмийлаштириш зарурлиги қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатни олишни истисно этмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 266-модда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Сотувчи	Ўз ахборот тизимида ёки ахборот воситачисининг электрон савдо майдончасида (веб-сайтлар, мобил тақлифлар) шартнома шартлари мавжуд бўлган офертани (тақлифни) жойлаштириш.	Сотувчининг хоҳиши бўйича
2-босқич	Харидор (буюртмачи)	Офертани: а) электрон хужжатнинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланишини назарда тутадиган электрон хужжат тарзида; б) матнида электрон тижорат иштирокчисининг розилиги бўлган электрон хабар тарзида акцепт қилиш йўли билан; в) офертада мавжуд бўлган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш воситасида офертани қабул қилиш, электрон хужжатни тузиш (унинг шартларига розилик билдирилганда).	офертанинг амал қилиш муддати мобайнида харидорнинг (буюртмачининг) хоҳиши бўйича
3-босқич	Харидор (буюртмачи)	Тўловни: а) банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалини қўллаш; б) шахсий кабинет орқали ёки чакана тўловлар тизими орқали (онлайн-тўлов) маблағларни банк пластик картасидан ўтказиш; в) банк ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўтказиш воситасида амалга ошириш.	шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда
4-босқич	Сотувчи	Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш. Товарни етказиб бериш: а) сотувчининг ўз транспортда мустақил равишда; б) товарларни етказиб бериш хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахслар орқали; в) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган етказиб беришнинг бошқа усуллари билан амалга оширилади.	шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда

2.1.1-расм. Электрон тижорат шаклида товарларни сотиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) схемаси¹

Ўзбекистон Республикасида электрон савдо операциялари Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон [қарори билан](#) тасдиқланган Электрон тижорат шаклида товарларни сотиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) схемасига биноан ахборот тизимида офертани (тақлифни)

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Электрон тижорат қоидалари асосида тузилди.

жойлаштириш ва офертага акцепт олиш йўли билан амалга оширилади (2.1.1-расм).

Шу билан бирга, мамлакатимизда электрон савдолар ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва соҳанинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берган муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-сон “2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори¹ бўлиб ҳисобланади. Ушбу қарорнинг ўзига хослиги ва тарихийлиги шундаки, айнан у билан иккита муҳим ҳужжат, яъни 2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича Тадбирлар комплекси тасдиқланди. Концепциянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб олинди:

- ❖ электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

- ❖ келгусида ушбу бизнес-сегментда ривожланган мамлакатларга яқинлашган даражага эришишни назарда тутган ҳолда электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- ❖ электрон тижорат инфратузилмасини, шу жумладан телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизациялаш;

- ❖ товар айланмасини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, истеъмол бозори талабига мувофиқ ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;


- ❖ интеграциялаштирилган савдо ва маркетинг платформаларини, интернет-дўконларни, янада такомиллаштирилган тўлов тизимларини, шунингдек электрон тижоратда логистика тизимини яратиш;

- ❖ тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, халқаро стандартларга йўналтирган ҳолда ишбилармонлик

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 612-модда.

муҳитини яхшилаш;

❖ электрон тижорат соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш.



кенгайтириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида ахборот технологияларини кенг қўллаш учун янги имкониятлар очилиши, давлат харидлари ва корпоратив харидларнинг электрон шаклда амалга оширилиши, шунингдек, энг муҳими тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва ишбилармонлик муҳитини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси асосида муаллиф томонидан тузилди.

яхшилаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилди. Ўз навбатида, мамлакатимизда электрон савдолар соҳаси ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва илғор халқаро нормалар талабларига мувофиқлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг асосий мақсади миллий иқтисодиётимизнинг халқаро рақобат майдонида муносиб ўринга эга бўлиши учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал муҳит яратишга қаратилгандир.

2.2-§. Электрон савдолар инфратузилмасининг асосий имкониятлари ва савдолар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

Миллий иқтисодиётнинг халқаро ахборот ва иқтисодий ҳамжамиятга интеграцияси самараси ўлароқ, халқаро рақобат шароитларида унинг ўрнини мустаҳкамлаш ва иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш учун савдо амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ҳал қилувчи омилга айланди. Ҳозирда глобаллашган компьютер тармоқлари орқали савдо алоқаларини амалга ошириш ҳар қандай давлат ва муайян иқтисодий субъект савдо стратегиясининг асосий бўғини сифатида шаклланди. Электрон савдоларни халқаро ва миллий миқёсда амалга ошириш жараёнларини ўрганган ҳолда, уларни муваффақиятли амалга оширилиши учун тузилмавий, функционал ва технологик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ушбу учта омилнинг уйғунлашуви электрон савдолар инфратузилмасини ташкил этади. Албатта, биз аввалги параграфда электрон савдоларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини алоҳида кўриб чиққанимизнинг ўзи ҳам диссертация мавзуси доирасидаги масалаларни ёритишда мантиқий кетма-кетлик ва боғлиқликни таъминлашга хизмат қилди. Аслида, соҳанинг меъёрий – ҳуқуқий базаси ҳам кенг маънода инфратузилманинг алоҳида тармоғи ҳуқуқий инфратузилмани ташкил этишини истисно этмаган ҳолда, электрон савдолар инфратузилмасининг технологик жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз.


Электрон савдоларни ташкил этиш инфратузилмаси доирасида олиб борилган дастлабки тадқиқотларимиз шундан далолат бермоқдаки, электрон

савдолар деганда, нафақат анъанавий савдоларда интернет технологияларини қўллаш тушунилади, балки электрон савдолар тижорат фаолиятининг мутлок янги соҳаси сифатида гавдаланмоқда. Сўнгги йилларда технологик тараққиёт натижасида рақамли технологиялар янги авлодлари тез суръатларда электрон савдолар амалиётига кириб келмоқда ва улар соҳада замонавий механизмлар жорий қилинишига сабаб бўлиб, электрон савдолар инфратузилмасининг муттасил такомиллашиб боришига замин яратмоқда.

Электрон савдолар тизимининг асосий элементларини икки йўналишга ажратиб кўриб чиқишни лозим топдик. Биринчи йўналишга электрон савдолар инфратузилмасини, иккинчи йўналишга электрон савдони амалга ошириш ташкилий шакллари киритамиз. Бу ерда электрон савдо тизими асосий элементлари соҳа инфратузилмасининг асосини ташкил этади. Электрон савдони амалга ошириш ташкилий шакллари деганда мавжуд инфратузилмалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон савдони амалга ошириш шакллари тушунилади. Электрон савдолар инфратузилмаси анъанавий савдолар инфратузилмасидан таркиби ва мазмуни жиҳатидан кескин фарқланиб, электрон савдоларда бизнес муҳити анъанавий тизимга нисбатан ўзига хос тарзда ҳам қулай ҳам мураккаб бўлиб ҳисобланади. Қулайлиги шундан иборатки, бизнес муносабатлари ва савдо операциялари электрон тарзда амалга оширилиши эвазига вақт ва молиявий харажатларни тежаса, электрон бозорнинг ҳаддан ташқари жадаллиги ва кенглиги эвазига электрон савдоларда рақобатга бардош бериш унинг мураккаблигидан далолат беради. Шу сабабли, электрон савдолардаги рақобатга муҳитига тайёр бўлиш учун иштирокчилардан доимий равишда электрон савдо инфратузилмасини такомиллаштириб бориши ва анъанавий савдоларда қўлланилмаган қўшимча чораларни кўриб бориши талаб этилади.

Электрон савдолар инфратузилмасининг анъанавий савдолар инфратузилмасидан энг бирламчи фарқи шундан иборатки, анъанавий савдоларда муайян макон (жой) инфратузилмалар асосини ташкил этса, электрон савдоларда деярли барча инфратузилмалар фаолияти интернет

тармоғига асосланади.¹ Электрон савдолар инфратузилмасини батафсилроқ кўриб чиқиш учун унинг таркиби ва элементларини алоҳида баён қилиш мақсадга мувофиқ. Электрон савдолар инфратузилмаси таркибида махсус дастурий таъминот, маълумотлар базаси ва иловаларни бошқариш тизими, телекоммуникация ва алоқа, товар ва хизматлар олди-сотдиси хавфсизлиги таъминловчи электрон дастурлар, виртуал банк хизматлари, махсус тўлов тизимлари ва бошқа инфратузилма турлари муҳим ўрин тутди (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Электрон савдолар инфратузилмасининг

¹ Ушилова К.В., Поначугин А.В. “Электронные торговые площадки в России: проблемы и перспективы развития” Экономика и предпринимательство 2017 г.

асосий элементлари¹


Электрон савдолар инфратузилмасини янада кенгроқ ўрганиш учун унинг элементларини шартли равишда 2 даражага ажратган ҳолда кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик: микро ва макро даражадаги инфратузилма элементлари. Микро даражадаги инфратузилма элементлари деганда, алоҳида олинган электрон савдо иштирокчиси – тадбиркорлик субъекти имконияти доирасида яратиладиган инфратузилмалар, яъни махсус дастурий таъминот, маълумотлар ва иловаларни бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган омборхона ва етказиб бериш хизмати, маркетинг ва веб-дизайн имкониятларини санаб ўтиш мумкин. Макро даражадаги инфратузилма элементлари эса электрон савдо иштирокчиси имкониятидан ташқари бўлган, мамлакат миқёсида умумий ҳолатда таъминланадиган инфратузилмалар ҳисобланади. Буларга мамлакатдаги интернет тармоғи қамрови ва сифати, ташкилий-ҳуқуқий инфратузилма, солиқ ва божхона режими, телекоммуникация ва алоқа, виртуал банк ва бошқа молиявий хизматлар, электрон тўлов тизимлари, электрон савдолар хавфсизлигини таъминлаш тизимларини киритиш мумкин. Электрон савдолар инфратузилмаларини шартли равишда бундай ажратиб олишимиз келажакда электрон савдолар соҳасини баҳолаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, электрон савдоларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш орқали аниқ ва манзилли чора-тадбирлар кўрилишига асос бўлади.

Электрон савдолар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари Евроосиё тараққиёт банкининг (ЕОТБ) таҳлилий релизларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, хусусан электрон савдо ўзининг иқтисодий самарадорлиги эвазига йирик интеграциялашган бирлашмалар кун тартибида долзарб масалалар қаторида эканлиги қайд этилади. Банкнинг эътирофига кўра, электрон савдо мамлакатлар ва бизнеслар ўртасидаги чегараларни олиб ташлайди, транзакция харажатларини қисқартириш орқали савдо ҳажмлари

¹ <https://studopedia.org/4-160241.html> - интернет ресурс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ўсишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётнинг ривожланишига янги туртки бўлиб, транзакция ва операцион харажатлар қисқариши аҳолининг кенг катлами учун тадбиркорлик фаолияти имкониятларини оширади. Лекин, максимал самарадорликка эга бўлиш ва савдо ҳажмлари ўсишига кўмаклашиш учун электрон савдолар амалга ошириладиган мустаҳкам пойдевор яратиш зарур. Бунинг энг муҳим шартларидан бири – ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасидир. Шунингдек, ЕОТБнинг “ривожланган рақамли иқтисодиёт” гуруҳига кирувчи барча 6 та иштирокчи мамлакати электрон савдоларга кўмаклашиш учун ўзлари ўртасида логистик инфратузилмани яхшилаш бўйича чоралар кўришни зарур деб ҳисоблайди. Ишончли логистик инфратузилма самарали электрон савдоларни шакллантириш учун зарурдир. Интернет имкониятлари кенгайиши кўп сонли фирмалар, биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес субъектларга янги бозорларга, айниқса, хизматлари бозорига чиқишига ёрдам беради. Сифатли логистик инфратузилма электрон савдолар самарасини сезиларли ошириб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан савдо фаолиятини самарали амалга оширишга имкон яратади.

Тадқиқотлар кўрсатдики, маҳаллий электрон савдо иштирокчилари солиққа тортиш, хавфсизлик ва бошқа талаблар нуқтаи назаридан глобал электрон савдо иштирокчиларига нисбатан ноқулай рақобат шароитларига дуч келмоқдалар.



3-расм. Электрон савдо ва унинг очик фаолияти учун зарур инфратузилма элементларидан иборат “Рақамли экотизим” концепцияси

Рақамли савдони ривожлантириш шартлари кўп жиҳатдан ёпиқ бозор сиёсати ва қўшимча маъмурий тўсиқлар яратмай, миллий иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи мослашувчан, прогноз қилиш осон ва қулай регуляторлик чегарасига боғлиқ. Анъанавий оф-лайн савдодан тортиб рақамли экотизимлар интеграциясигача бўлган рақамли тижорат бозори иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар модели томон юриш мақсадли ҳисобланади.

Агар дастлабки электрон савдолар босқичи жараёнларида фақатгина савдо платформаларидан фойдаланиш назарда тутилса, кейинги босқичда платформага тобора кўпроқ жараён ва хизматлар киради. Натижада инфратузилмалар ўзаро таъсир эта бошлайди, биргаликда ривожланади. Тизимлар максимал даражада мослашади, жараёнлар деярли муаммосиз

ишлайди. Бошқача айтганда, электрон савдо экотизими вужудга келади ҳамда бозорда экотизим чигалига тушмаган рақобатдош иштирокчилар деярли қолмайди.

Электрон савдолар инфратузилмаси ривожланиши учун иккинчи муҳим шарт – бу замонавий тўлов тизимларининг ривожланиши ва молиявий хизматлар имкониятлари кенгайишидир¹.

Мамлакатимизда ҳам электрон савдолар ривожланишига электрон тўлов тизимларининг кенгайиши ижобий таъсир ўтказмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда Click, PayMe, OSON, Урау, Mbank ва бошқа тўлов тизимлари, шунингдек, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган электрон молиявий хизматлар электрон савдолар инфратузилмасини такомиллашувига хизмат қилмоқда. Электрон инфратузилмалар соҳасида интернетга асосланган турли платформа ва технологиялар фаол қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикада электрон савдолар барқарор ривожланиш палласига кириб бормоқда. 2019 йил якунларига кўра, онлайн транзакциялар сони 34,8 миллионга кўпайган бўлиб, уларнинг умумий суммаси 8,8 трлн. сўмга ошган. Электрон савдолар транзакциялари сони 344,3 миллионга етган (2018 йилга нисбатан 11,2 фоизга ўсган). Ушбу транзакцияларнинг умумий ҳажми 17 трлн. сўмга (108,8 фоизга ўсган) етган. POS-терминаллари бўйича транзакциялар суммаси 78 трлн. сўмга етган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 5,6 трлн. сўмга (7,7 фоизга ўсган) кўп демакдир².

Бугунги кунда миллий электрон савдолар бозорини ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлиб, жумладан, қонунчилик базасини такомиллаштириш, электрон бизнес тартиботларини соддалаштириш, электрон платформалар ишлаб чиқиши ва илғор технологиялар жорий этилишини қўллаб-қувватлаш, электрон савдолар инфратузилмаларини ривожлантириш, интернет тармоғида битимларни

¹ Евроосиё тараққиёт банкининг маълумотлари асосида келтирилди. <https://eabr.org/press/news/dlya-razvitiya-elektronnoy-kommertsii>

² Молиявий ахборотлар портали - <https://www.spot.uz/ru/2020/02/13/ecommerce/>

амалга ошириш жараёни хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлаш, шунингдек, кибержиноятчиликнинг олдини олиш борасида тизимли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарорига¹ асосан Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестри ишга туширилгани соҳанинг ривожланиш тарихида туб бурилиш ясади. Электрон тижорат иштирокчилари миллий реестри деганда, электрон тижорат маҳаллий иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган ягона электрон банк тушунилади. Қуйидадилар унинг асосий вазифа ва йўналишлари ҳисобланади²:

❖ электрон тижорат жорий этилиши ва ривожланиши ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ва баҳолаш;

❖ мақсадли таҳлиллар ўтказиш ва электрон тижоратни самарали ривожлантириш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Миллий реестрга электрон тижорат орқали амалга оширилган савдолардан олган даромади ҳажми умумий миқдорнинг 80 фоизидан ортиқ бўлган субъектлар киритилади. Бунда ушбу кўрсаткичлар хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан тасдиқланиши лозим.

Электрон тижорат иштирокчилари миллий реестрининг яратилиши мамлакатимизда электрон савдолар соҳасини, жумладан унинг инфратузилмасини ривожлантириш йўлидаги навбатдаги самарали ислохотлардан бири бўлди. Электрон савдолар инфратузилмасида замонавий механизм ва платформаларининг йўлга қўйилиши нафақат электрон савдоларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиради, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда мамлакатимизда электрон савдолар инфратузилмаси

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3724/1261-сон

² <http://www.e-tijorat.uz/ru> - электрон тижорат иштирокчилари миллий реестри

ривожланиши билан айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Хусусан, электрон савдолар кенг доирада оммавийлашуви ва ривожланиши борасида мутахассислар қуйидаги муаммоларни санаб ўтади:

- интернет тезлиги ва қамровининг етарли эмаслиги;
- электрон савдода ички ва ташқи операцияларни амалга оширишда логистиканинг ривожланмаганлиги;
- аҳолининг онлайн савдоларга бўлган хабардорлиги ва ишончи пастлиги;
- аҳоли ўртасида тўлов карталари қамрови камлиги;
- яширин иқтисодиёт;
- электрон савдо тўғрисидаги қонунчиликда барча муносабатлар қамраб олинмаганлиги, қонундан ташқари қўшимча чекловлар ўрнатилиши амалиёти мавжудлиги;
- тўлов тизимларидаги узилишлар ва халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятлари чекланганлиги;
- товарлар олиб кириш/олиб чиқишдаги бюрократик тўсиқларнинг сақланиб қолаётгани;
- корпоратив карточкалар орқали тўловларни амалга оширишдаги чекловлар;
- электрон савдолар бўйича малакали мутахассислар камлиги ва қўшимча малака ошириш тизими зарурлиги¹.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар доирасида шу жумладан электрон савдо тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу билан бирга, соҳада юқорида қайд этилганидек айрим камчилик ва муаммолар ҳали тўлиғича ўз ечимларини топишга улгурмаган бўлиб, мамлакатимизда электрон савдоларда замонавий савдо ва маркетинг платформалари, электрон дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, электрон

¹ Абдурахмонов Ҳ. Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси раиси. манба: <https://repost.uz/>

инфратузималарни жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаслиги соҳа ривожланиши ва унинг аҳоли орасида оммалашувига тўсқинлик қилиб келди. Электрон савдолар ва уларнинг ишончлиги, шунингдек, инфратузилмасини ривожланишида илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва жорий этиш масалалари ҳам эътибордан четда қолдириб келинган.

Бундан ташқари, республикамызда электрон савдолар бозорини яратиш ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш борасида қуйидаги муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда:

❖ электрон савдо соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон савдодани фойдаланиш имконини таъминламайди;

❖ тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон савдо орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

❖ электрон савдони ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

❖ электрон тўлов тизимларининг хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашмагани, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

❖ электрон савдо имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса яширин иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига

олиб келмоқда;

❖ солиққа тортиш тизими электрон савдо соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.

Айни юқоридаги муаммоларнинг тўпланиб қолиши ва уларни тизимли ҳал этиш зарурати нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹га асосан 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш Дастури қабул қилиниб, том маънода ушбу дастур мамлакатимизда электрон савдолар соҳасини ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш борасида янги саҳифани очиб берди.

Мамлакатимизда электрон савдони ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва инфратузилмалар яратиш, товарлар (хизматлар)ни интернет орқали сотиш учун замонавий механизмларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш қабул қилинган Дастурнинг асосий мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3724/1261-сон.

I. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва норматив базани такомиллаштириш

- "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун нормаларини халқаро тавсияларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш;
- электрон ҳужжатлар айланиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;
- электрон пуллар айланмасини ҳуқуқий тартибга солиш.

II. Электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар

- Электрон савдо миллий платформасини яратиш;
- ID-карталарга интеграциялаш орқали Mobile-ID тизимини жорий этиш;
- Businessinfo.uz. онлайн портали орқали электрон тижоратни юритиш бўйича ахборот хизматларини кўрсатиш.

III. Электрон тижорат соҳасида экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

- Марказий Осиё давлатлари билан чегаравий электрон тижоратни ривожлантириш;
- Электрон савдо соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

IV. Электрон тижоратнинг логистик инфратузилмасини ривожлантириш

- Электрон савдо субъектларига хизмат кўрсатадиган етказиб бериш хизматларини рағбатлантириш;
- республика ҳудудларида логистика марказларини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда логистика инфратузилмасини яратиш.

V. Электрон тижорат соҳасида кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш

- Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа ОТМларда соҳа бўйича таълим йўналишларини ташкил этиш;
- "Электрон академия" лойиҳаси доирасида электрон тижорат бўйича ихтисослаштирилган онлайн курсларни ташкил этиш.

VI. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида электрон тижоратни тарғиб қилиш ва оммалаштириш

- "ICTWEEK Uzbekistan" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида электрон савдоларни оммалаштириш;
- ОАВларда кўрсатув ва рукнлар намойиш этиш.

2.2.2-расм. 2018 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари¹

Электрон савдолар инфратузилмасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда сўнгги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нормаларига асосан муаллиф томонидан тузилди.

йилларда электрон савдолар элементлари сезиларли даражада жонланиб қолганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Биргина Электрон тижорат иштирокчилари миллий реестри (<http://www.e-tijorat.uz/ru>) маълумотларига асосан бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 53 та тадбиркорлик субъекти электрон савдолар иштирокчи – ташкилотчиси сифатида рўйхатдан ўтган. Шу билан бирга қайд этишимиз лозимки, мамлакатимизда электрон савдолар билан шуғулланаётган субъектлари ҳақиқий сони бирмунча юқори бўлиши мумкин. Чунки, амалдаги конунчиликка¹ мувофиқ Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда товар (хизмат)ларни электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотув ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этувчи, шу жумладан электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар киритилиши белгиланган. Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида электрон савдода товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш рухсат этиш хусусиятига эга алоҳида ҳужжат олинишини талаб этилмаслиги ҳам электрон савдолар иштирокчиларининг аниқ ҳисобини юритишда узилишларга сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотимиз мобайнида олиб борган изланишларимиз натижалари шундан далолат бермоқдаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 100 га яқин электрон савдолар иштирокчилари фаолият кўрсатмоқда². Хусусан, улар орасида нисбатан фаол бўлган электрон савдо иштирокчилари асосан озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, электроника ва маиший техника, косметика маҳсулотлари савдоси, шунингдек, канцелярия ва китоблар савдоси билан боғлиқ жараёнларга тўғри келмоқда. Жумладан, “Home market”, “LE BAZAR“, Alif Shop”, “Arba.uz”, “Asaxiy”, “Bazarchik.uz”, “Bulavka.uz”, “CHIPLAND.UZ”, “ESAVDO.uz”, “Gomart.uz”, “Makromarket.uz”, “Market.uz”,

¹ Ўзбекистон Республикаси Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 3 августдаги 12/28 ва 2018-64-сонли қарори билан тасдиқланган “Электрон тижорат субъектлари миллий реестри тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди.

² Ўзбекистон Бизнес маълумотномаси - <https://www.goldenpages.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ўрганишлар олиб борилди.

“MediaPark.uz”, шунингдек, бошқа бир қатор интернет дўконлари ва электрон савдо инфратузилмалари электрон савдолар миллий бозорини шаклланиши ва кенгайишида муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Электрон савдолар инфратузилмасида алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат бу электрон савдолар хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Айнан электрон савдоларга оммавий ишончнинг ортиши ва георгафияс кенгайиши унинг хавфсизлигига бевосита боғлиқдир. Электрон савдолар инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро амалиётда хавфсизликнинг 3 та тури ажратиб кўрсатилади: физик хавфсизлик, иқтисодий (моддий) хавфсизлик ва ахборот хавфсизлиги¹. Физик хавфлар деганда умумий хавфлар сирасига киритилиб, электрон савдо иштирокчилари ва ходимларнинг ҳаёти ва шахсий манфаатларига бўлган хатарлар тушунилади. Иқтисодий хавфсизлик савдо иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини муҳозафа қилишдан иборатдир. Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик доирасида электрон савдо инфратузилмаси объектларини моддий муҳофаза қилинади. Интернет тармоғи инсоният ҳаётини қамраб олиши натижасида фаолиятнинг электронлашуви, жумладан, давлат бошқарувидан тортиб жамиятнинг барча жабҳаларигача интернетнинг нафақат кириб келиши, балки ҳал қилувчи омилига айлагани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, электрон савдоларнинг кенгайишига ҳамоҳанг равишда улар билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Бу эса электрон савдоларни ташкил этишда техник-дастурий, иқтисодий ва ҳуқуқий хавфсизликни таъминлаш чораларини доимий кўриб боришни тақозо этмоқда. Шунингдек, бу борада электрон тўлов тизимлари хавфсизлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Евроосиё тараққиёт банкининг хулосаси²да онлайн тўлов тизимларида хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланиши қайд этилади. Биргина, АҚШ мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 23 фоиз

¹ Молиявий бошқариш маркази (Россия) маълумотлари асосида. Манба: <https://center-yf.ru/data/stat/Bezopasnost-elektronnoi-kommercii.php>

² Евроосиё тараққиёт банкининг маълумотлари асосида келтирилди. Манба: <https://eabr.org/press/news/dlya-razvitiya-elektronnoy-kommertsii>

америкалик истеъмолчилар электрон тўловларни амалга оширишда аккаунт очиш талаб қилинганлиги учун савдолардан воз кечади.

Электрон савдоларда яна бир ўзига хос психологик хавф-хатар омили мавжуд бўлиб, бунда интернет фойдаланувчиларнинг аксарияти ундан фақат ахборот воситаси сифатида фойдаланишади ва тўловлар амалга оширишдан чўчишади. VISA тўлов тизими маълумотларига кўра, банк карталари орқали транзакцияларнинг 23 фоизи электрон дўконлар томонидан мижознинг шахсий ва карта маълумотлари сўралгани туфайли рад этилади¹. Дарҳақиқат, интернет орқали тўловлар хакерлик хужумларига дуч келиши истисно этилмайди ёки банк карталари реквизитлари ошкор этилиши уларнинг хавфсизлигига салбий таъсир ўтказиши табиий ҳолатдир. Шунинг учун, интерактив платформалар ва интернет тармоғида онлайн режимидаги пул маблағлари оқимларини масофадан бошқаришда хавфсизликни таъминлаш электрон инфратузилманинг ажралмас қоидаси ҳисобланади.

2.3-§. Давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлиги

Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари механизмини такомиллаштириш, тендер савдоларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ва комплекс ишлар изчил давом эттирилиб келинмоқда. Бу борада, давлат харидлари тизимига электрон савдолар жорий этилди, Товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп поғонали идоралараро тендер комиссиялари ташкил этилди. Шунингдек, давлат харидларида электрон савдоларини ташкил этиш орқали давлат ва корпоратив харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун уларни такомиллаштириш чоралари кўриб

¹ Абдеева З. Р. “Проблемы безопасности электронной коммерции в сети Интернет” Проблемы современной экономики, N 1 (41), 2012

борилмоқда.¹

Мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари, шу жумладан, давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш, улар ҳисобига давлат ва жамият эҳтиёжлари учун товар ва хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва электрон савдо механизмларини кенг қўллаган ҳолда, давлат харидлари шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш алоҳида долзарблик касб этувчи масалалардан бири саналади.

Мамлакатимизда давлат харидлари билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни² ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Мазкур қонунга мувофиқ, давлат хариди дейилганда товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш жараёни тушунилади. Шунингдек, давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ❖ давлат буюртмачисининг касбий маҳорати;
- ❖ асосланганлик;
- ❖ молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- ❖ очиқлик ва шаффофлик;
- ❖ тортишув ва холислик;
- ❖ мутаносиблик;
- ❖ давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- ❖ коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши керак.

Диссертация мавзусидан келиб чиқиб, ушбу бобда умумий давлат

¹ Чайка И. Ю. “Основы правового регулирования трансграничной электронной торговли в КНР.” Юридический мир 2017 г.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон.


харидлари муносабатлари тизимини ўрганиш асносида давлат харидларининг электронлашуви ва унинг самарадорлиги масалаларини кенгроқ ёритишни жоиз деб топдик. Хусусан, юқорида келтирилган давлат харидларининг принципларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ушбу принциплар аксариятининг амалдаги ижроси бевосита соҳани электронлаштириш жараёни натижаларига боғлиқдир, яъни давлат харидларида электрон технологияларни фаол қўллагандан туриб, қонунан белгилаб қўйилган асосий принципларни амалга ошириш имконсиз ҳисобланади. Жумладан, давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлиги, холислиги ва мутаносиблиги, давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги, шунингдек, коррупцияга йўл қўймаслик принципларини соҳани электронлаштирмасдан ва замонавий савдо усулларини жорий этмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида ҳам электрон давлат харидларини амалга ошириш муносабатларига алоҳида урғу берилган бўлиб, электрон давлат харидлари, махсус ахборот портали ва электрон дўконларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустақамлаб қўйилган. Чунинчиси, қонун билан электрон давлат харидларига шундай таъриф берилди: электрон давлат харидлари – бу электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усулларида иборат¹.

Махсус ахборот портали - операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари яқунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформадир. Махсус ахборот порталидаги махсус

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси.

талаблар татбиқ этилмайдиган истеъмол товарларининг ва бошқа товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга ошириш учун мўлжалланган махсус майдончаси электрон дўкон деб аталади.



2.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида электрон дўкон орқали амалга ошириладиган давлат харидлари¹

Электрон дўкон иштирокчиларнинг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконга қўйилган таклифи давлат буюртмачиларига юборилган оммавий офертадир.

Давлат буюртмачиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танлангач, нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.


Махсус ахборот портали автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди. Махсус ахборот портали давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди.

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини

¹ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

*БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори.

режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидаги режалаштириш ўртасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.



2.3.2-расм. Давлат харидлари жараёнининг босқичлари¹

Давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги энг муҳим босқич харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш босқичи бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан ушбу босқич давлат харидларини амалга оширишнинг асосий жараёнини қамраб олиб, давлат харидларининг самарадорлигини белгилаб беради. Шунинг учун, давлат харидларини амалга ошириш жараёнининг ушбу босқичида электрон савдо механизмларининг қўлланиши бошқа босқичларга нисбатан юқорироқ самара келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу фикримизни шундай изоҳлашга ҳаракат қиламиз, қонунчиликка мувофиқ харид қилиш тартиб-таомилларида электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари турлари мавжуд бўлиб, давлат харидларини электрон шаклда амалга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунга кўра, электрон дўконлардаги харидлар билан биргаликда бошқа давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари, шу жумладан, аукционлар, танлов ва тендерлар жараёнларини ҳам тўлиқ электронлаштириш ва махсус электрон платформалари орқали амалга ошириш харидлар шаффофлиги ва самарадорлигини оширади, шунингдек, давлат харидлари жараёнида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Бунда, давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддаси нормалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

харидлари субъектларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга оширишини назарда тутувчи электрон давлат харидларини ривожлантиришга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун харидларнинг беш тартиб-таомили (тури)ни белгилайди, яъни электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари. Булардан иккитаси (электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион) давлат хариди бўйича қарор қабул қилишда инсон омилини тўлиқ инкор этади. Қолган харид тартиб-таомиллари шаффофлиги махсус ахборот порталида зарур ахборот чоп этиш йўли билан таъминланади. Қонун билан халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда биринчи бор ягона етказиб берувчидан харидни амалга ошириш тартиб-таомили тури, давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш ва давлат харидларини амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий сиёсат устуворликлари, шу жумладан, юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларнинг яратилиши, қулай экологик вазиятнинг сақланиши ҳисобга олинishi каби нормалар харид амалиётига киритилди¹.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун биринчи навбатда давлат харидларининг инфратузилмасини такомиллаштириш, хусусан, электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник воситаларнинг дастурий мажмуидан иборат бўлган давлат харидларининг электрон тизимини кенгайтириш лозим.

Мамлакатимизда давлат харидлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни электронлаштириш борасида ҳам ҳуқуқий ҳам ташкилий йўналишлар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасининг мақсади нафақат соҳани тартибга солиш, балки


¹ Ўрақов У. “Давлат харидлари: кеча ва бугун”. <http://finance.uz>. 02.01.2019 й.

уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилаётганини кўришимиз мумкин. Айнан шу йўналишда тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари такомиллаштириб ва содалаштириб борилмоқда. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида муҳим босқич ҳисобланган харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи асосий ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғига асосан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом¹ (Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3016) нормалари “2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан электрон давлат харидларини кенгайтириш нуқтаи назаридан жорий йилда тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва унга тегишли кўшимчалар киритилди. Хусусан, ушбу низом Электрон танлов ўтказиш тартиб-таомиллари деб номланган 3¹-боб ва Электрон тендер ўтказиш тартиб-таомиллари деб номланган 4¹-боб билан тўлдирилди. Бунда аввал қонунчиликда бўлмаган мутлақо янги нормалар - электрон танлов ва тендер механизмлари орқали харидларни ташкил этиш шартлари, электрон тендер ўтказишда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш бўйича нормалар билан бойитилди.

Бундан ташқари, электрон давлат харидларини амалга ошириш учун мўлжалланган махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими ўртасидаги маълумотлар базаси электрон ҳамкорлиги орқали давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри бўйича онлайн маълумот алмашинуви амалга оширилиши белгилаб берилди. Бу эса, бир томондан, давлат харидлари иштирокчилари бўлган тадбиркорлик субъектлари учун харид жараёнини тезлаштирадиган қулай шароитлар яратса, иккинчи томондан, харидлар билан

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.05.2018 й., 10/18/3016/1279-сон

боғлиқ тўловларни реал вақт режимида кузатиш имконини беради.



2.3.3-расм. Ўзбекистон Республикасида 2011 йилдан бошлаб давлат харидлари тизимини такомиллаштиришдаги асосий жараён¹

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун товарлар (хизматлар) харидларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш доирасида 2011 йилдан бошлаб давлат харидлари тизимига ўтилган бўлиб, бунда давлат харидларининг электрон савдоларга асосланиши ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишни, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат буюртмаларини олишга тадбиркорлик субъектларини қўйишни кенгайтиришни таъминлаш мақсадида 2011 йилда илк мартабата электрон кимошди савдолари орқали давлат харидларини амалга ошириш механизми жорий этилган эди.

БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД)нинг “Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ қилиш” лойиҳаси доирасида давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган бўлиб, айниқса давлат харидлари тизимининг қонунчилик базаси яратилиши ва соҳага электрон савдо механизмларини жорий қилиш борасидаги ишлар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

БМТТД билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида халқаро тажрибалар меъёрларидан келиб чиқиб, битимлар миқдорлари асосида харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган. Ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

тартиб-таомиллар биринчи навбатда харидларда бюрократик кутишларни бартараф этиш, ҳажми нисбатан кам бўлган харидларни ортиқча оворагарчиликсиз амалга оширишни назарда тутди. Уларни умумий ҳолатда 2.3.5-расмда тасвирлаб беришимиз мумкин.

2.3.5-расмда келтирилган давлат харидлари тартиб-таомиллари турларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда:

❖ тўғридан-тўғри харидлар – бу рақобатлашиш тартиб-таомилларини ўтказмасдан амалга ошириладиган харидлар;

❖ энг яхши таклифларни танлаш – бу буюртмачи ходимларидан тузиладиган комиссия томонидан етказиб берувчини танлаш;

❖ электрон савдолар – бу буюртмачи томонидан белгиланган мезон ва шартлардан келиб чиққан ҳолда товарлар (хизматлар)нинг мақбул етказиб берувчисини танлаш усулини ифодаловчи бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган кимошди савдолари шаклидаги электрон харидлар;

❖ электрон каталог – бу махсус ахборот портали орқали тадбиркорлик субъектларидан биринчи эҳтиёж товарлари (ишлар, хизматлари)нинг давлат томонидан харид қилиниши;

❖ тендер савдолари – бу тендер комиссияси томонидан етказиб берувчини танлаш. Мазкур комиссия тендер ҳужжатлари асосида савдо иштирокчиларининг тендер таклифларини солиштиради.



2.3.5-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тартиб-таомилларининг турлари¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Буюртмачилар ва иштирокчиларни электрон давлат харидларига киритиш тартиб-таомили уларда электрон рақамли (ЭРИ) мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади. Бюджет буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали электрон аукцион, электрон танлов ва электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон жойлаштирилганидан ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танлангандан сўнг, портал электрон давлат харидлари яқунларига кўра тузиладиган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун, молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда, керакли суммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан олгандан сўнг ушбу эълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини активлаштиради.

Электрон давлат харидларининг яқунига кўра, портал томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилиши ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилиши, шунингдек тузилган шартномалар электрон реестрига киритиш орқали рўйхатдан ўтказилиши белгиланган қўйилган¹.

2.3.1-жадвал

Давлат харидлари турлари ва миқдорлари тўғрисида МАЪЛУМОТ²

Харидлар турлари	Харид предмети	Бюджет буюртмачиси	Корпоратив буюртмачи
Электрон дўкон	товар	25 БҲМ*гача	250 БҲМ гача
	йил давомида 2500 БҲМ гача		
	иш/хизмат	25 БҲМ гача	25 БҲМ гача
Аукцион	товар	2500 БҲМ гача	5000 БҲМгача
Танлов	товар	2 500 – 6 000 БҲМ гача	5 000 – 25 000 БҲМ гача
	иш/хизмат	25 – 6000 БҲМ гача	25 – 25 000 БҲМ гача
Тендер	товар/иш/хизмат	6 000 БҲМ дан юқори	25 000 БҲМ дан юқори

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 21 майда 3015-сон билан рўйхатга олинган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги Низом”нинг 39 – банди.

²<http://shop.uzex.uz/files> - Бюджет буюртмачилари электрон дўкони маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

*БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори.

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларида давлат харидларини амалга ошириш жараёнида уларнинг тартиб-таомиллари турлари бўйича миқдорларига қатъий риоя қилиниши белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу миқдорларни қуйидаги жадвалда батафсил ақс эттиришга ҳаракат қиламиз.

2.3.4-жадвал

Электрон савдо майдончаларининг афзалликлари¹

Афзалликлар	Хусусиятлари
Рақобатбардошликни ошириш	Харид жараёнларида кўп сонли компаниялар иштирок этиши натижасида рақобат кучаяди ва охир оқибат минимал нархларга сифатли товар ва хизматлар сотиб олинади.
Худудий чегараларни иснисто этиш	Электрон савдо орқали харидларни ташкил этиш ҳудудлар чегараси ва олислиги, шунингдек, бозор имкониятлари тўғрисида маълумотлар танқислигини каби муаммоларни бартараф этади.
Харидлар шаффофлиги ва очиқлигини ошириш	Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш харид жараёнини самарали назорат қилиш имконини беради ва шаффоф савдо тизимини яратади.
Меҳнат ҳаражатларини қисқартириш	Электрон шаклдаги харидлар анъанавий харидларга нисбатан кам вақт талаб этади. Шунга кўра, етказиб берувчиларни қидириш, энг яхши таклифларни ажратиш ва музокаралар ўтказиш билан боғлиқ хизматчиларнинг иш ҳажминини қисқартиради.
Харид жараёнларини стандартлаштириш	Электрон майдончаларда жаҳон амалиётида энг самарали деб топилган стандартлаштирилган харид жараёнларидан фойдаланилади.

Давлат харидларини электронлаштириш борасидаги яна бир муҳим ислоҳот – бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори²нинг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қарор билан давлат харидлари тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда

¹ Мясникова Л.А. Тюрина К.А. «Современные инструменты повышения эффективности системы государственных закупок» Вестник Пермского университета, 2016, Экономика. Вып. 3(30). С.132

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2019 й., 07/19/4544/4111-сон.

электрон шаклга ўтказиш орқали давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш, электрон тендер (танлов) савдоларни кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратиб берди.

Мамлакатимизда ҳам давлат харидлари жараёнини электронлаштиришдан асосий мақсад давлат ва жамият эҳтиёжлари учун товарлар (хизматлар ва ишларлар) билан ўз вақтида, мақбул миқдорда ва турда, сифатда ва арзон нархларда таъминлашдан ташқари рақобат муҳитини ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро талабларга мувофиқ стандартлашган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкониятлар яратишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари соҳасининг самарадорлигини янада ошириш, унга замонавий ахборот-технологияларга жалб қилиш учун қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни ҳам жадаллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ❖ давлат харидларига замонавий ахборот – технологияларни янада кенгрок қўллаган ҳолда, харидлар жараёнини соддалаштириш ва автоматлаштириш;

- ❖ давлат харидлари тартиб-таомиллари шаффофлигини ошириш орқали коррупцион омилларни бартараф этиш;

- ❖ давлат харидларини тартибга солиш институционал тизимини ислоҳ қилиш ва амалдаги қонунчиликни электрон харидларни рағбатлантириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

- ❖ қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини

баҳолашда уларнинг электрон рейтинги маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, электрон шаклда онлайн режимида амалга ошириш;

❖ қурилиш соҳасидаги, жумладан, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва тасдиқлаш бўйича жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ электрон шаклда амалга оширилиши таъминлаш;

❖ махсус ахборот порталида қурилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутувчи алоҳида бўлим яратиш;

❖ бюджет буюртмачиларнинг танлов орқали амалга оширадиган давлат харидлари тўлиқ электрон шаклга ўтказиш.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Диссертация ишининг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида электрон савдолар ривожланиши ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги батафсил кўриб чиқилган бўлиб, хусусан, мамлакатимизда электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий – ҳуқуқий базанинг яратилиши, электрон савдолар принциплари, қоидалари ва ривожланиш йўналишлари, электрон савдолар инфратузилмасининг асосий имкониятлари ва савдолар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари, давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил қилинди ва тегишлича хулосаларга келинди.

Маълумки, тараққий этган жамиятда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолият мустақкам ҳуқуқий асосга таянади. Фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан оқилона тартибга солинганлиги унинг муваффақияти калитидир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитларида муайян фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий

базаси шундан шакллантирилиши лозимки, унинг нормалари бозор қонунлари билан уйғунлашган ҳолда, соҳадаги бозор муносабатларининг тўғри ракурсда ҳаракатланишига имкон яратиши керак. Бу узвий жараён алал оқибат соҳада умумий самарадорликка олиб келиши муқаррар. Электрон савдолар соҳасида ҳам мамлакатимизда “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши соҳа ривожланишидаги дастлабки қадам бўлди. Ушбу қонун электрон савдолар шаклланишида муҳим аҳамият касб этди ва қарийб 11 йил мобайнида, яъни 2015 йилгача амалда бўлиб, миллий электрон савдолар эволюциясининг биринчи босқичини қамраб олди. Ушбу қонун билан электрон савдолар соҳасида шу давр учун муҳим аҳамиятга эга йўналишлар ва жараёнлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. 2015 йил 22 майда “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилишининг сифат жиҳатдан такомиллашган янги босқичини бошлаб берди. Янги қонун аввалги қонунга нисбатан қатор афзалликлари ва ўзига хосликларини билан ажралиб туради. Аввало, янги қонунда электрон савдолар соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни максимал даражада қамраб олинган бўлиб, унинг тўлиқлиги ва амалиёт билан чамбарчас боғлиқлиги нуқтаи назаридан аввалги қонундан яққол фарқланиб туради.

Диссертация иши доирасида шу пайтгача ўтказган тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ шуни илгари суришни жоиз деб топдикки, яъни электрон савдолар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нафақат соҳани оқилона тартибга солишга хизмат қилиши керак, балки қонунчилик меъёрларининг бош мақсади соҳадаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозимдир. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда жаҳон иқтисодий тизимлари, шу жумладан, миллий иқтисодиётимиз бозор тамойилларига асосланган бўлиб, бундай шароитда соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бозор қонунларига зид бўлмасдан, балки уларнинг янада барқарор ишлаши учун йўл очиб беришни назарда тутиши керак.

Электрон савдоларни ташкил этиш инфратузилмаси доирасида олиб

борилган дастлабки тадқиқотларимиз шундан далолат бермоқдаки, электрон савдолар деганда, нафақат анъанавий савдоларда интернет технологияларини қўллаш тушунилади, балки электрон савдолар тижорат фаолиятининг мутлоқ янги соҳаси сифатида гавдаланмоқда. Сўнгги йилларда технологик тараққиёт натижасида рақамли технологиялар янги авлодлари тез суръатларда электрон савдолар амалиётига кириб келмоқда ва улар соҳада замонавий механизмлар жорий қилинишига сабаб бўлиб, электрон савдолар инфратузилмасининг муттасил такомиллашиб боришига замин яратади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланиш, улар ҳисобига давлат ва жамият эҳтиёжлари учун товар ва хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида электрон савдо механизмларини кенг қўллаган ҳолда, давлат харидлари шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш алоҳида долзарблик касб этувчи масалалардан биридир.

3-БОБ. КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН САВДОЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ


3.1-§. Электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари

Халқаро амалиётда электрон савдони амалга ошириш механизмлари, унинг ривожланиш жиҳатлари ва тажрибаларини самарали қўллаш миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги рақобатбардошлигини ошириш, глобал савдо тармоқларига муваффақиятли интеграция қилиш, ички бозорларни фаоллаштириш, савдо маданияти ва муносабатларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларнинг тез суръатлар билан ўзгариши, илмий-техникавий тараққиёт, инновацион технологияларнинг фаол жорий қилиниши ва жамиятда ижтимоий алоқаларнинг такомиллашиши электрон савдоларнинг янада кенгайишига олиб келмоқда. Интернет тармоғида товар ва хизматлар ҳақида маълумотларнинг оммавийлиги самараси ўлароқ истеъмолчилар хабардорлигининг юқорилиги, шунингдек, миждозларга хизмат кўрсатиш қулайлиги (соддалаштирилган онлайн харидлар ва етказиб бериш) асносида электрон савдолар ривожланиши тенденцияси сезиларли даражада илдамламоқда. Охирги йилларда жаҳон бозоридаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий муносабатларнинг автоматлашуви электрон савдоларнинг кенгайишига туртки берди. Электрон савдолар ривожланишида дунёнинг 3 та минтақаси АҚШ, Европа ва Осиё бозорлари алоҳида ўрин тутади. Электрон савдолар тарихида АҚШ дунёда биринчи бўлиб электрон савдо элементларидан фойдалана бошлаган ва соҳанинг ривожланиш йўлида салмоқли ўринга эга. Бугунги кунда АҚШ электрон савдоларни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида фаоллик қилмоқда. АҚШда электрон савдолар шаклланиши билан Европа давлатларида ҳам ушбу соҳа оёққа тура бошлаган бўлиб, Европада ривожланиш тенденцияси АҚШга

нисбатан тез суръатларда амалга ошди. Осиё эса электрон савдолар соҳасида нисбатан янги минтақа бўлиб ҳисобланиши билан бирга, унинг бозор салоҳияти бирмунча юқорилигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

2002 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача интернет тармоғида электрон савдонинг глобал транзакциялари мисли кўрилмаган даражада тез суръатлар билан ўсиб келмоқда¹. 2020 йилда фақатгина АҚШнинг ўзида В2В (бизнес-бизнес) транзакциялари ҳажми 1,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади, бу айниқса фармацевтика тармоғида фаол амалга ошади².

Умуман олганда, дунёда электрон савдоларнинг барқарор ўсиб бориш динамикаси гувоҳи бўламиз. Буни диаграмма маълумотларида кўришимиз мумкин (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Электрон савдонинг жаҳон бозори динамикаси³

3.1.1-расмда келтирилган диаграмма маълумотлари шундан далолат берадики, дунёда электрон савдо айланмаси йилдан – йилга ўсиб бормоқда.

¹ Горский Д.В. «Синергия электронной торговли, управления цепями поставок и автоматизации в цифровой экономике»//Экономическая наука сегодня: теория и практика. Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2018. С. 111-114.

² Толстова Л.В. «Современное состояние, перспективы развития и направления совершенствования электронной коммерции в Российской Федерации»//Инновационные технологии в образовании и науке. Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2017. С. 318-321.

³ <https://www.shopolog.ru> интернет ресурс материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хусусан, 2020 йилдаги электрон савдо айланмаси прогноз кўрсаткичи 4,1 трлн. долларни ташкил этса, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 3 баравардан ҳам кўпга ошганини англатади, яъни электрон савдо глобал айланмаси ҳар йили ўртача ҳисобда 17 – 22 фоизга ошмоқда. Биргина 2019 йилда бозор айланмаси 17,9 фоизга ўсиб, 3,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Хитой ва АҚШ электрон тижорат бозорларида жаҳон етакчилари бўлиб, бутунги кунда электрон савдолар бозорининг қарийб 40 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон миқёсида электрон савдоларнинг бундай шиддат билан ривожланаётганлининг асосий драйверлари (омиллари) сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин¹:

- интернет тармоғининг ривожланиши, айниқса мобил алоқа воситалари қамровининг кенгайиши ҳисобига;

- истеъмолчилар харид қобилиятининг ўсиши, бу асосан Осиё ва Тинч океани минтақалари давлатларида янги йирик бозорлар вужудга келиши билан изоҳланади.

Ҳозирда электрон савдоларнинг жаҳон бозори асосан 2 та форматда ривожланмоқда²:


- Интернет дўконлар. Қизиқтирган товар ёки хизматлар тўғрисида маълумотларни веб-сайт орқали танишиб, буюртмалар қилинади. Бунда кенг ассортиментдаги товар ва хизматлар таклиф этилади ва онлайн-савдо майдончалари орқали кўп сонли харидлар амалга оширилади;

- Маркетплейлар. Турли товарлар гуруҳлари бўйича етказиб берувчилардан (онлайн ва оффлайн) маълумотларни автоматик равишда йиғувчи ва қайта ишловчи сайт-агрегатлар ёки ихтисослашган воситачилар.

¹ Шайдуллина В.К. «Электронная торговля и перспективы ее развития в мировой экономике» Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник университета №3, 2019. С.115.

² Тушин В. «Глобальное развитие e-Commerce: США, Китай, Россия». <https://www.shopolog.ru/ecommerce/2020>

Бундан ташқари, жаҳон бозорида электрон савдоларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётган яна муҳим омил бу янги интернетдан фойдаланувчилар сонининг барқарор равишда ўсиб бораётганлиги, шунингдек, мобил воситалар муомаласининг кенгайиши бўлиб хисобланади. Дарвоқе, бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар аҳолисининг аксарият қисми мобил алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, айтиш мумкинки, бундай воситалар инсонлар ҳаётининг ажралмас ва одатий воситасига айланди.



3.1.2-расм. Дунёда интернетдан фойдаланувчилар сонининг ўсиши, млрд. киши¹

Глобал интернет тармоғи жадал ривожланиши асносида, айниқса, охириги йилларда янги бозорлар сифатида Африка, Яқин Шарқ, Жанубий-шарқий ва Марказий Осиё минталақаларида унинг кенг тарқалиши, ушбу бозорларга мобил воситалар, смартфон ва планшетларнинг фаол кириб келиши ўз навбатида дунёда интернетдан фойдаланувчилар сонининг янада ошишини рағбатлантирди. Интернет тармоғига асосланган электрон технологияларнинг ўзлаштирилиши иқтисодий муносабатлар, жумладан,

¹ <https://dcenter.hse.ru/data> - интернет савдо бозори манбаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

электрон савдоларни оммалаштирмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2013 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони 2,5 млрд. нафарни ташкил этган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 4 млрд. нафардан ошиб кетганлиги электрон савдолар қанчалик мустаҳкам асос ва кенг қамровли салоҳиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, бу кўрсаткич ўз навбатида интернет миллий иқтисодиёт ривожланиши ва тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилига айланиб улгурганини тасдиқлаб турибди.

Халқаро амалиётда электрон савдолар ўз ичига қуйидаги операцияларни камраб олиши кузатилади¹:

- онлайн маркетинг;
- товарлар етказиб берувчилар билан интернет орқали алоқалар;
- сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш (сервис);
- тўлов тизими;
- логистика ва товарлар етказиб бериш.

Бугунги кунда интернет тармоғида электрон савдоларни комплекс равишда амалга ошириш ўзига хос янгилик сифатида кириб келмоқда, яъни савдоларда нафақат товарлар олди-сотдиси операциялари билан чекланилади, балки истеъмолчилар бозорини ўрганиш, маркетинг тадқиқотларидан тортиб то сотилган маҳсулотларни етказиб бериш ва кейинчалик хизмат кўрсатишгача бўлган бутун бир тизимли жараён электрон савдо операцияларида ўз аксини топмоқда. Бу эса электрон савдолар ривожланишининг сифат ва қамров жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Электрон савдо технологияларини қўллаш натижасидаги иқтисодий самара ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг янгилаётган даврида электрон савдолар одатий ҳаёт тарзи муносабатларининг бир кўриниши сифатида намоён бўлмоқда.

¹ Шабанова, Л. Б. «Традиционная и электронная торговля потребительскими товарами и услугами: достоинства, недостатки и перспективы развития»//Л.Б.Шабанова, С.В.Зюзина //Бизнес. Образование. Право. – 2016. – № 1 (34). – С. 78-83.

Ривожланган мамлакатларда бизнес фаолиятини электронлантириш ўзининг қатор афзалликлари билан тобора оммалашмоқда. Электрон савдо имкониятларидан фойдаланиш айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун йирик корпорациялар билан рақобат курашларида сезиларли аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, АҚШда ўз фаолиятида интернетни кенг қўлловчи кичик корхоналар интернетдан фойдаланмайдиган корхоналардан фарқли равишда ўртача ҳисобда 46 фоизга тезроқ кенгаймоқда¹.

2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози интернет тармоғида кичик тадбиркорлик фаолияти кенгайишининг ўзига хос сабабларидан бири бўлди. Инқироз даврида умумий фаоллик пасайиши тенденцияси бўлишига қарамадан, бу соҳада фаоллик қисқармади. Бу ҳолат шундай изоҳланадики, бизнес фаоллиги пасайиши ва иш ўринларининг қисқариши шароитларида айрим ёш мутахассислар ўз бизнесини йўлга қўйишни бошлашди. Интернет тармоғида бизнес бошлаш учун унчалик катта маблағлар талаб этилмаслиги кичик ва йирик бизнес субъектлари учун ҳам онлайн савдолар жозибадорлигини оширди. Натижада товар ва хизматларни сотиш имкониятлари кенглигини инобатга олиб, савдоларда интернетнинг роли янада фаоллашди².


Онлайн-савдо босқичма-босқич равиша жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бироқ бу янги йўналиш макроминтақаларда турлича суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу сегментнинг мутлоқ етакчиси Осиё-Тинч океани минтақасидир. Интернет савдолар айланмаси кўрсаткичлари бўйича ушбу минтақа (айниқса Хитой ҳисобига) Шимолий Америка минтақасини икки маротабага орқада қолдирмоқда. Бундай тенденция асосан Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида иқтисодий фаоллик ва ахборотлашувнинг ошиши ҳисобига содир бўлаётгани билан изоҳланади³.

¹ www.gfk.com/ru/insaity/press-release - маълумотлари асосида келтирилди.

² <https://www.remarkety.com> – маълумотлари асосида муаллиф томонидан келтирилди.

³ «J'son&Partners Consulting» тадқиқот агентлигининг www.json.ru/markets_research веб-сайти маълумотлари асосида келтирилди.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари кесимида 2019 йил якунлари бўйича электрон савдолар бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Хитой ва АҚШ электрон савдолар соҳасида ҳам яққол етакчилик қилаётганлигини гувоҳи бўламиз (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. 2020 йилда электрон савдолар бозори ҳажмлари (млрд. АҚШ долларида)¹

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Хитой ва АҚШ бозорлари ҳатто бошқа ривожланган давлатлар бозорлари ҳажмларига нисбатан деярли 10-15 баробарга кўпдир. Хитойда электрон савдоларнинг кенг ривожланганлиги ва ушбу соҳада Хитой дунё етакчисига айланишида мамлакат аҳолиси сони ва уларнинг интернет тармоғи билан қамров доирасининг кенглиги муҳим аҳамият касб этган. Мантиқий нуқтаи назардан ўйлаб қарайдиган бўлсак, иқтисодий тараққиёт билан электрон бозорлар ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқлик мавжуд, яъни электрон савдолар асосан тараққий этган давлатларда кенг ривожланган. Бу ҳолат ўз-ўзидан эмас албатта, чунки замонавий дунёда иқтисодий тараққиёт ва электрон бозорлар бир-бирини ўзаро тўлдириб, керак бўлса, бири иккинчисини ривож куч беради ва ўзига

¹ <https://www.shopolog.ru> интернет ресурс материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

хос омил бўлиб хизмат қилади. Буни 7-расмда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибдики, электрон савдоларнинг ривожланиш марказлари дунё иқтисодиётининг локомотивлари бўлган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилда электрон савдоларнинг ушбу давлатлар кесимида ўсиш кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, бунда энг юқори ўсиш суръати Ҳиндистонда (32 фоиз) кузатилган. Шу қаторда Хитой (27 фоиз), Россия ва Канада (21 фоиз), Жанубий Корея (18 фоиз) ва АҚШ (14 фоиз) давлатларида электрон савдо ҳажмларнинг ўсиш суръатлари нисбатан фаол эканлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро экспертларнинг прогнозларига кўра, яқин бир нечта йиллар мобайнида электрон савдолар глобал бозорининг сезиларли ўсиши кузатилади. Хусусан, “eMarketer” компанияси таҳлилий гуруҳи яқин келажакда электрон савдоларнинг жаҳон савдосидаги улуши 2015 йилдаги 8-9 фоиздан 12 фоизга кўтарилишини прогноз қилмоқда¹. Электрон савдолар глобал айланмаси эса 2022 йилга бориб 5 трлн. АҚШ долларидан ошиб кетиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, глобал электрон савдолар бозори ривожланишининг энг асосий омилли интернет фойдаланувчилар сонининг ортиши ва мобил интернет (планшетлар ва смартфонлар ҳисобига) қамровининг кенгайиши бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, электрон савдоларнинг бундай ривожланиш фонида глобал жамият ва миллий иқтисодиётлар рақамлашиш тенденциясини ҳам инобатга олиш лозим.

Таҳлиллар Хитой бугунги кундаги сингари яқин келажакда ҳам электрон савдолар бозорида етакчилик қилишда давом этишини кўрсатмоқда. Хитойнинг ушбу бозордаги устувор хусусиятларидан бири чакана савдо операциялари ва уларнинг экспорти бўлиб ҳисобланади. Хитой билан бир қаторда Ҳиндистон (24 фоиз), Индонезия ва Жанубий Корея (20 фоиздан

¹ Шайдуллина В.К. «Электронная торговля и перспективы ее развития в мировой экономике» Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник университета №3, 2019. С.116.

юқори ўсиш) каби ривожланаётган давлатлар электрон савдоларда ўз фаоллигини янада оширади. Ушбу мамлакатларда электрон савдонинг ривожланишида демографик шарт-шароитлар (аҳоли сони) ва интернет тармоғининг кенгайиши кучли таъсир ўтказди. Ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия, Буюк Британия, АҚШ) бозорлари ҳам электронлашувда давом этиб, бунда айниқса мобил савдолар қўшимча туртки бўлади.



3.1.4-расм. “Amazon” ва “Alibaba”нинг йиллик даромадлари, млрд. доллар¹

Электрон савдоларнинг кенгайиши глобаллашув жараёнларини янада чуқурлаштириб, ахборот алмашинув тизимларини такомиллаштирмоқда. Электрон савдолар жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденциясининг асосий бўғинига айланди. Айниқса, сўнгги йилларда электрон савдолар бозорининг кўзга кўринган иштирокчилари ҳисобланган “Amazon” ва “Alibaba” сингари глобал бозорларнинг имкониятлари ва мавқеи янада ошиши кузатилмоқда. “Amazon” интернет дўкони фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, у нафақат АҚШда, балки дунёдаги энг йирик бозорлардан ҳисобланади. Компанияга 1995 йилда Жефф Безос асос солган бўлиб, бизнесининг мақсади


¹ <https://www.shopolog.ru/analytics/> - интернет ресурс манбаси асосида муаллиф томонидан тузилди.

истеъмолчиларни кўпроқ жалб қилишга қаратилган эди ва товарлар сотиш бўйича кенг миқёсдаги тармоқ яратди. “Amazon” томонидан савдо амалиётида биринчи бўлиб “харидлар тарихи асосида тавсия этиладиган ҳамроҳ товарлар алгоритми” жорий қилиниши муваффақиятлар олиб келди. Хитойнинг “Alibaba” платформаси ҳам ўзига хос ўринга ва бой тажрибага эга компания ҳисобланади. “Alibaba”нинг йиллик даромади “Amazon” даромадининг 20 фоизини ташкил этсада, унинг соф фойдаси нисбатан юқори. Чунки, “Alibaba” мустақил истеъмолчи ва сотувчилар учун маркетплейс сифатида хизмат кўрсатади. “Amazon” эса товарларни тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотиш билан шуғулланади ва табиийки бу жараён кўп харажат талаб этади (3.1.4-расм).

3.1.4-расмдаги маълумотлар асосида дунёдаги энг йирик электрон савдо марказлари ҳисобланган “Amazon” ва “Alibaba” компанияларининг йиллик даромадларини қиёсий таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, 2010 йилда “Amazon”нинг йиллик даромади 32,2 млрд. АҚШ доллари ва “Alibaba”га нисбатан 32 баробар кўпни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 469,8 млрд. долларга етган. Ўз навбатида, “Amazon” ва “Alibaba” компаниялари ўртасидаги йиллик даромад нисбати 5 баробарлик миқдоргача қисқарган, яъни бу ҳолат сўнгги ўн йилликда “Alibaba”нинг йиллик даромадлари ўсиш суръати “Amazon”га нисбатан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Юқорида баён этилган фикрларнинг исботини 3.1.4-3.1.5-расмларда келтирилган рақамларда аниқроқ кўришимиз мумкин. “Amazon” ва “Alibaba”нинг йиллик даромадлари ва соф фойдалари миқдорларини комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, “Alibaba” компаниясининг йиллик даромад айланмаси “Amazon”га нисбатан бир нечта мартаба кам бўлишига қарамасдан, бугунги кунда “Alibaba” компанияси фаолият самарадорлиги ва молиявий барқарорлик жиҳатлари бўйича устуворликка эришиб бормоқда. Бу тенденция айниқса 2013 йилдан бошлаб яққол намоён бўлмоқда, яъни 2013 йилда “Amazon”нинг соф фойдаси 274 млн. доллар бўлганда, “Alibaba” 1 377 млн. доллар соф фойда олган. Кейинги йилларда ҳам тенденция давом этиб,

2020 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 21,3 млрд. доллар ва 21,0 млрд. долларни ташкил этди.



3.1.5-расм. “Amazon” ва “Alibaba”нинг йиллик соф фойдаси, млн. доллар¹

Электрон савдо платформалари орқали харидларни амалга ошириш даражаларини айрим давлатлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг паст кўрсаткич (13 фоиз) Доминикан Республикасига, энг юқори кўрсаткич – электрон савдоларда харидлар фаоллиги (89 фоиз) Бирлашган Араб Амирлиги давлатига тўғри келади. Швеция (84 фоиз) ва Англия (87 фоиз) давлатларида ҳам электрон савдолар орқали харидларни амалга ошириш даражалари бирмунча юқори. 2019 йилда электрон савдолар айланмасининг асосий қисми Осиё ва Океания мамлакатлари ҳиссасига (44 фоиз), Шимолий Америка (26 фоиз), Европа давлатлари (22 фоиз) ҳиссасига тўғри келди. Яқин Шарқ (4 фоиз), Жанубий Америка (2 фоиз) ва Африка (1 фоиз) давлатларининг электрон савдолар бозори айланмасидаги салмоғи камлигича сақланиб қолмоқда².

Ҳозирда электрон савдолар ривожланишининг глобал маркази

¹ <https://www.shopolog.ru/analytics/> - интернет ресурс манбаси асосида муаллиф томонидан тузилди.

² <https://rau.ua/ru/> - интернет ресурс манбаси асосида муаллиф томонидан келтирилди.

хисобланган Хитойда ушбу соҳа 1997 йилда оёққа тура бошлаган бўлиб, энг биринчи электрон савдо платформаси - B2B принципига асосланган ChemNet савдо платформаси бўлди. 1999 йилда мамлакатда “Alibaba Group” компанияси ташкил этилиб, Хитой электрон савдолар бозорида ва кейинчалик дунё бозорида янги даврни бошлаб берди. Хитой бозорида электрон савдоларнинг ривожланишига сабаб бўлган энг муҳим омиллардан бири 2003 – 2005 йилларда мамлакатда тарқалган “ўткир юқумли респиратор синдроми” билан боғлиқдир. Шу йилларда Хитой аҳолиси анъанавий савдолардан тийинган ҳолда, электрон савдоларда иштирок этишни афзал билишди ва бу жараён одатий ва оммавий тус ола бошлаган.

Хитойнинг электрон савдолар соҳасидаги муваффақияти қуйидаги омиллар билан боғлаб кўрсатилади¹:

1. Дунё брендларига мижозлар талабининг ортиши. Бу Хитой аҳолиси даромадларининг ўсиши билан боғлиқдир. McKinsey ташкилоти таҳлиллари кўра, 2022 йилга бориб Хитой ўрта синф аҳолиси даромадлари 22 фоизга ошади. Мамлакат аҳолиси таркибида ўрта синф вакиллари салмоқли ўринга эга бўлиб бормоқда. Бу эса ўз ўзидан истеъмол ҳажмларини, шу жумладан, халқаро савдо маркалари товарларига ҳам талабни рағбатлантирмоқда. Мисол учун, электрон савдолар орқали “Levi’s”, “UNIQLO” ва “Esprit” каби халқаро брендлар товарларига йилига 100 млн. АҚШ долларидан зиёд буюртмалар тушмоқда.

2. Чакана дўконларда хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги. Жонли харидларда хитойликлар хизмат кўрсатиш билан кўп муаммоларга дуч келади. Ҳатто айрим ҳолларда Шанхай, Пекин ва Гуанчжоу каби йирик шаҳарларда юқори сифатли хизмат кўрсатадиган дўконлар топиш қийин. Электрон савдолар эса хитойликлар учун харидларни амалга оширишда қатор қулайликлар яратдики, эндиликда улар кўпроқ ўзларига электрон харидларни маъқул кўрмоқдалар. Шунинг учун, Nike, Gap, P&G каби етакчи компаниялар

¹ Олесик Т.А., Терновская А.Д. «Рынок электронной торговли Китая», Journal of Economy and Business, 2015. vol.4, part 1.

электрон савдолар бозоридаги талаб ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда, муваффақиятларга эришмоқда.

3. Хитойда электрон савдолар иштирокчилари малакасининг юқорилиги. Мамлакатдаги етакчи интернет дўконлари ва савдо веб-сайтлари ўз мижозларини чуқур қадрлашади ва уларнинг талабларига тезкорлик билан жавоб беради. Биргина, “Alibaba” мисолида олиб кўрадиган бўлсак, у мижозларга реал вақт режимида харидларни амалга ошириш ва ишончли етказиб бериш, шунингдек, хариддан кейинги 7 кун давомида товарларни қайтариб топшириш имкониятларини берган. Мижозларга бўлган юксак ҳурмат, ишонч ва “силлиқ” муносабат “Alibaba” Хитой бозорининг 57 фоизини эгаллашига сабаб бўлди деб айтиш мумкин.

4. Савдо веб-сайтлари (порталлар)да сифат назоратининг юқорилиги. Интернет дўконлар товарларнинг сифати ва асслигини кафолатлайди, шунингдек, кафолатланган сифатга эга савдо маркаларининг товарларини таклиф қилишади.

5. Мобил харидларнинг оммавийлашганлиги. Бугунги кунда 700 миллиондан ортиқ хитойликлар кўлида барқарор равишда смартфонлар мавжуд. Бу шуни англатадики, ҳар бир хитойлик (иқтисодий фаол аҳоли) ўз “савдо марказлари”га эга. “TechAsia” агентлиги маълумотларига кўра, хитойликларнинг 69 фоизи мобил телефонлар орқали электрон савдоларда иштирок этса, АҚШда бу кўрсаткич 45 фоизни ташкил этади.

6. Ижтимоий воситалар маркетинги тизимининг ривожланганлиги. Бунда ижтимоий тармоқлар ва ижтимоий платформалар ёрдамида товар ва хизматларга истеъмолчилар эътибори фаол жалб қилинади. Хитойда айниқса Wechat, QQ, Sina Weibo каби кенг оммалашган ижтимоий платформалар орқали маркетинг фаолияти самарали олиб борилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида яна бир ўзига хос жиҳат эътиборлики, электрон савдолар кенгайиши билан замонавий логистика тизимлари ҳам ривожланиши тақозо этилмоқда, яъни анъанавий омборхоналар тизими билан электрон савдоларни муваффақиятли амалга

ошириш имкониятлари чекланган. Электрон савдоларда товарларни охириги истеъмолчига етказиб бериш учун жараённинг барча босқичларида иштирок этувчи логистика тармоқлари, жумладан, белгиланган нормалар асосида вақтинча сақлаш, транспортировка, тезкор етказиб бериш, автоматлаштирилган линиялар, IT-маҳсулотлар ва бошқа хизматларни кўрсатувчи комплекс логистика тизими зарур ҳисобланади.

3.2-§. Пандемия оқибатларида жаҳон иқтисодиётида электрон савдолар ривожланишининг асосий йўналишлари

COVID-19 инфекцияси бошланган буён дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатига тарқалишга улгурди. Унинг зарарли таъсирини олдини олиш ва кишилар соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинган глобал карантин чоралари эса ўз навбатида иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг пассивлаши, шунингдек, айрим соҳа ва маконларда бутунлай тўхташи оқибатида дунёда янги глобал инқирозга эшиклар очиб берилди. Бу инқирознинг аввалги инқирозларга нисбатан ўзига хослиги ва мураккаблиги шундаки, бу воқеалик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг параллел равишда қисқариши кузатилаётган “ноёб” инқироз сифатида баҳоланмоқда.

Пандемиянинг иқтисодий оқибатлари 1930 йиллардан буён кузатилмаган ишсизлик даражалари билан глобал иқтисодий таназзул ҳавфини оширмоқда. Мавжуд прогнозларга кўра, вирус 2020 йилда жаҳон иқтисодиётини 3 фоиздан 6 фоизгача қисқартириши мумкин бўлиб, агар инфекция янада авж олмаса, 2021 йилда иқтисодиётлар қисман тикланади. Шунингдек, жаҳон савдоси глобал иқтисодий инқироз чуқурлашуви ва қамровидан келиб чиқиб, 13-32 фоизга пасайиши мумкин. Бу эса айниқса савдога боғлиқ ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар учун оғир иқтисодий зарба бўлади¹.

Бутун дунёда иқтисодий вазият беқарорлигича сақланиб қолмоқда ва

¹ Global Economic Effects of COVID-19. Congressional Research Service. August 2020. Page 5.

пандемиянинг ҳали баҳоланмаган мавҳумликлари ва оқибатлари иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий хавфсизлик ва рақобатбардошликни таъминлаш борасида дунё мамлакатлари бош қотиришмоқда.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодиёти прогнозлари



3.2.1-расм. COVID-19 пандемияси даврида жаҳон иқтисодиёти бўйича Халқаро валюта жамғармасининг прогнозлари¹

3.2.1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, Халқаро валюта жамғармаси 2020 йил учун эълон қилган янги прогнозларига кўра, базавий сценарий бўйича пандемия натижасида глобал иқтисодиёт бу йил 4,9 фоизга пасайиши кутилмоқда. Бу, жорий йилнинг бошида эълон қилинган прогноздан 8,2 фоиз пунктга пастдир. Агар вирус билан курашиш чўзилиб, карантин йилнинг қолган даврида ҳам давом этадиган бўлса, унда глобал иқтисод 6 фоизга пасайиши мумкинлигини ҳам истисно этмайди.

Глобал инқирознинг қамрови ва оқибатларини янада чуқурроқ англаш учун Халқаро валюта жамғармасидан ташқари бошқа етакчи халқаро молиявий институтлар, шу жумладан, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан эълон қилинган пандемия билан боғлиқ глобал иқтисодий пасайиш кўрсаткичлари бўйича прогнозларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт

¹ Халқаро валюта жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. манба: www.imf.org

ташкilotи 2020 йилда глобал иқтисодиёт 7,6 фоизга, Жаҳон банки эса 5,2 фоизга пасайишини прогноз қилмоқда.

3.2.1-жадвал

Халқаро молия институтларининг жаҳон иқтисодиёти бўйича пасайиш (ўсиш) прогнозлари, фоизда¹


	Дунё		Ривожланган иқтисодиётлар		Ривожланаётган иқтисодиётлар	
	2020	2021	2020	2021	2020	2021
Халқаро валюта жамғармаси	-4,9	5,4	-8,0	4,8	-3,0	5,9
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкilotи	-7,6	2,8	-9,3	2,2	-6,1	3,2
Жаҳон банки	-5,2	4,2	-7,0	3,9	-2,5	4,6

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг қайд этишича, коронавирус пандемияси оқибатида жаҳон иқтисодий фаолиятининг қарийб 90 фоизи у ёки бу тарзда зарарланди. Трансмиллий савдо алоқалари ва етказиб бериш занжирлари узилди, истеъмол талаби қисқарди, миллионлаб инсонлар ишсиз қолди. Ривожланган мамлакатларда салбий иқтисодий ўсиш, яъни уларнинг ЯИМи 5 фоизга камайиши кутилмоқда. Жаҳон савдоси эса 2020 йилда деярли 15 фоизга қисқаради².

Ҳозирги кундаги глобал иқтисодий инқироз ўзининг келиб чиқиш омиллари, қамрови ва хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг оқибатлари нафақат инқирознинг ўз циклига, балки пандемиянинг қанчалик давоми этиши билан ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса, 2008-2009 йилги жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан ҳам чуқурроқ иқтисодий инқироз авж олиши мумкинлигидан дарак беради.

¹ Global Economic Effects of COVID-19. Congressional Research Service. August 2020. Page 13.

² COVID-19: в ООН поставили диагноз мировой экономике и назначили лечение. <https://news.un.org/ru/>



3.2.2-расм. Дунё иқтисодиётининг 2000 – 2021 йиллардаги ривожланиш динамикаси (ЯИМ асосида)¹

3.2.2-расмда келтирилган диаграмма маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, 2020 йилдаги пандемия билан боғлиқ иқтисодий инқироз нақадар кескинлиги, шу жумладан, 2009 йилдаги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳолатидан ҳам қарийб икки бараварга дунё иқтисодиёти пасайиш тенденциясига ўтганлиги билан ифодаланмоқда.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал карантин шароитлари бир томондан инқироз ҳолатларини келтириб чиқараётган бўлса, иккинчи томондан электрон савдоларнинг янада фаоллашувига сабаб бўлиши мумкин. Назарий нуқтаи назардан олиб қараганда, дунё аҳолисининг ўзини ўзи яққаллаши “жонли харидлар”дан тийилишни тақозо этган ҳолда, бу ҳолатлар электрон савдоларнинг ҳам ҳажм ҳам қамров жиҳатдан кенгайишига олиб келиши табиийдир.

Лекин айрим тадқиқотчи олимлар, хусусан, халқаро миқёсдаги таҳлилчи, IPGнинг тадқиқотлар ва консалтинг бўлими раҳбари В.Тушин коронавирус билан боғлиқ карантин чекловлари электрон савдоларнинг

¹ Global Economic Effects of COVID-19. Congressional Research Service. August 2020. Page 20.

ривожланишига унчалик ҳам кучли таъсир ўтказишига шубҳа билан карамокда ва ўз фикрларини мазкур реал мисол билан тушунтириб беришга ҳаракат қилган: “Агар Хитойни олиб кўрадиган бўлсак, охириги 3 ойлик қаттиқ карантин чоралари мобайнида интернет-савдо айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бор-йўғи 3 фоизга ўсган ва бу ҳолат қуйидаги омиллар билан боғлиқдир:

- Хитойча карантин сценарийси провинциялараро деярли тўлиқ чекловлардан иборат эди, яъни интернетда сотиб олинган товарлар тақсимот марказлари орқали охириги истеъмолчига етказиб берилиши иложсиз эди;


- карантин шароитларида аҳоли узоқ муддатли фойдаланиладиган товарларга харажатларни қисқартиради, бу харажатлар эса интернет дўконлар савдо айланмасининг 90 фоизидан ортиғини ташкил этади”¹.

Биз В.Тушиннинг фикрларига тўлиқ қўшилмаган ҳолда, у томонидан баъзи омиллар инобатга олинмаганлигини қайд этиб ўтамиз. Тушин асосан қисқа муддатли даврда юзага келган омиллар инобатга олган. Узоқ муддатли истиқболдаги омиллар, жумладан, карантин чекловлари юмшатилиши натижасида провинциялар ўртасида юк қатновлари йўлга қўйилиши, шунингдек, аҳолининг узоқ муддатли даврда электрон савдога бўлган қизиғиши ва ишончи мустаҳкамланиши эвазига ушбу савдолар орқали нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки узоқ муддатли товарлар харидини ҳам амалга ошириши урфга айланиши мумкин, карантин юмшатилиши билан аҳолининг тўлов қобилияти қайта тикланиши натижасида албатта.

Айни пайтдаги дунёдаги вазиятнинг ўзига хослиги шундаки, пандемик ҳолат икки турдаги инқирознинг сабабчисига айланди: иқтисодий инқироз ва соғлиқни сақлаш инқирози. Бунда пандемияни жиловлашнинг ҳозирги кундаги энг самарали ва оммавий усули бу карантиндир. Ўз навбатида, карантин усулини оқилона қўллаш лозим бўлиб, унинг меъёрдан ортиғи иқтисодий инқирознинг янада чуқурлашувига олиб келишини бугунги

¹ Тушин В. «Глобальное развитие e-Commerce: США, Китай, Россия». <https://www.shopolog.ru/ecommerce/2020>

куннинг ўзи тасдиқлаб турибди. Бундай карантин шароитида иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва инқироз таъсирини юмшатишнинг энг самарали воситаларидан бири эса электрон савдоларни янада кенгайтириш бўлиб ҳисобланади. Айнан электрон савдолар орқали бугунги кундаги мураккаб бўлган шароитда ялпи талаб ва ялпи таклифни қисман бўлсада жонлантириш имконияти мавжуд (3.2.3-расм).



3.2.3-расм. Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирини юмшатишда электрон савдоларнинг роли¹

2020 йилда глобал миқёсда чакана савдоларнинг 14,1 фоизи электрон савдолар ҳиссасига тўғри келмоқда ва рақамли харидорларнинг сони 1,92 миллиард нафарга етди. Электрон савдоларда йил мобайнида бир кишига ўртача 19 та транзакция тўғри келмоқда. Айниқса, электрон савдоларда Хитой бозори бирмунча фаоллашиб, 740 млрд. долларлик бозор ҳажми билан дунёда етакчилик қилмоқда².

“Statista” таҳлилий марказининг халқаро экспертлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, агар бугунги кунда чакана савдоларнинг қарийб 15 фоизи электрон савдолар ҳиссасига тўғри келаётган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 17,5 фоизга, 2023 йилда эса 22 фоизга етиши кутилмоқда. Глобал карантин чекловларида электрон савдоларнинг фаоллашувчи ва ҳозирда дунё аҳолисининг чорак қисми интернет орқали харидларни амалга оширишни маъқул топаётган бир шароитда ушбу прогнозларни етарли даражада ишончли деб баҳолаш мумкин. Дунё бўйича электрон савдолар орқали харидларни амалга ошираётган аҳоли

¹ Муаллиф томонидан тузилди.

² <https://ecomhub.ru/> - электрон тижорат ахборот портали маълумотлари.

сони 2016 йилда 1,66 миллиард нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 2,14 миллиардга етиши баҳоланмоқда.

Пандемиянинг дастлабки ўчоғи ҳисобланган Хитой электрон савдолар дунё бозорида мутлоқ етакчилик қилмоқда. Онлайн савдолардан келадиган жаҳон даромадининг қарийб 40 фоизи унинг улуши тўғри келмоқда. Хитойдан кейинги ўринларда 561 млрд. долларга тенг АҚШ бозори, 93 млрд. долларлик Буюк Британия эгаллаб турибди. Шунингдек, Германия – 77 млрд. доллар ва Франция – 55 млрд. долларлик бозорлари етакчилар рўйхатидан жой олган. Осиё бозорида эса Япония – 87 млрд. доллар ва Жанубий Корея – 69 млрд. долларлик ҳажмлар юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Россия ҳам электрон савдолар соҳасида фаол ривожланаётган бозорлар қаторига кириб, унинг бозор ҳажми 16 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таъкидлаб ўтиш керакки, Хитой электрон савдолар дунё бозорида нафақат энг йирик бозор, балки электрон савдолар ўсишининг энг юқори кўрсаткичларини қайд этмоқда. Мисол учун, интернет орқали амалга оширилган савдолар салмоғи 2015 йилда 15,9 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда 33 фоизга етган бўлиб, 2023 йилда Хитойда барча чакана савдоларнинг учдан икки қисми, яъни 67 фоизи онлайн харидларга тўғри келиши прогноз қилинмоқда. Дунё бўйича жорий статистикага кўра, ўртача 15 фоиз савдолар онлайн амалга ошириляётган бир пайтда Хитойда бу кўрсаткич икки баробардан ҳам юқорилигини кўрсатмоқда¹. Бундай ривожланиш даражаларига эришишни “Alibaba”, “JD.com” ва “Pinduoduo” сингари электрон савдоларнинг гигант иштирокчилари муваффақиятли фаолияти билан боғлаш мумкин. “Alibaba” сўнгги ўн йилликда мисли кўрилмаган даражада жадаллик билан ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда у ялпи қиймати 768 млрд. доллар бўлган товарлар савдо айланмаси билан дунёдаги энг йирик онлайн чакана сотувчига айланди. АҚШнинг “Amazon” компанияси эса 239 млрд. долларлик савдо айланмаси билан иккинчи ўрин эгалласа, яна бир Хитойнинг интернет компанияси JD.com – в 215 млрд. доллар, шунингдек, eBay – 93 млрд. доллар билан

¹ <https://ecommerce-platforms.com/> - статистик маълумотлари асосида келтирилди.

етакчилар каторида турибди. Электрон савдолар дунё бозоридаги етакчилардан кейинги ўринларда эса нисбатан камроқ савдо айланмаларига эга компаниялар банд қилган бўлиб, хусусан “Rakuten” ва “Walmart” компанияларининг савдо айланмалари мос равишда 31 ва 19 млрд. долларни ташкил этмоқда¹.

Бугунги кунда электрон савдоларнинг ривожланиши савдо маданиятини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Биргина, электрон дўконларнинг анъанавий дўконлар ўрнини эгаллаётганининг энг асосий сабаби бу электрон савдоларнинг қулайлигидир. Мисол учун, анъанавий дўконда харидни амалга ошириш учун йўл босиб бориш керак ва қўшимча вақт талаб этилади. Электрон дўконларда эса оддий қилиб айтганда, компьютер сичқончаси ёки мобил телефон тугмаси орқали товарларни танлаб, карта орқали тўлов қилган ҳолда, харидларни бевосита уйингизда қабул қилиб оласиз.


Тадқиқотлар мобайнида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сўровларда иштирок этган респондентларнинг деярли 58 фоизи интернет орқали савдо қилишни афзал билишган. Бундан ташқари, интернет савдоларда товарлар нархини таққослаш имкони кенглиги, вақт тежалиши, шунингдек, сутканинг исталган вақтида ва исталган жойда харидлар қилиш нуқтаи назаридан электрон савдоларни маъқул кўришмоқда.

Пандемия шароитларида электрон савдоларнинг глобал иштирокчилари янада жонланиши чакана савдолар салоҳияти билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки, карантин чекловлари билан боғлиқ иқтисодий турғунлик ҳолатларида аҳоли асосан чакана харидларни амалга оширишга устуворлик бериши табиий ҳолат бўлиб, бу эса электрон савдоларнинг айнан ушбу йўналиши ривожланишига олиб келади. Электрон чакана савдоларнинг кенгайишига таъсир қилаётган яна бир муҳим омил – бу мобил воситаларнинг оммалашуви бўлиб ҳисобланади. “eMarketer” агентлиги тадқиқотларига кўра, 2016 йилда дунё бўйича электрон савдоларнинг деярли ярми мобил воситалар орқали амалга оширилган бўлса, 2019 йилда унинг салмоғи 67,2 фоиз, 2020 йилда 70,2 фоизга

¹ <https://ecomhub.ru/> - электрон тижорат ахборот портали маълумотлари.

етди. Прогнозларга кўра, 2021 йилда барча электрон савдоларнинг 72,9 фоизи мобил савдолар (m-Commerce) ҳиссасига тўғри келади. Мобил воситалар учун мослаштирилган электрон савдо платформалари аллақачон сотувчилар маркетинг устуворлигига айланди. Савдо маданиятида шундай тенденция рўй бермоқдаки, яъни инсонлар харидлар учун алоҳида вақт ва эътибор ажратишдан воз кечиб, “йўл-йўлакай” харидлар принципига ўтишмоқда.

3.2.4-расмдан кўришимиз мумкинки, сўнгги йилларда мобил савдолар электрон савдоларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Барча электрон савдоларнинг қарийб тўртдан уч қисмига мобил воситалар билан амалга оширилаётгани ва бу янада ўсиш тенденциясига эга эканлиги ушбу фикримизнинг яққол тасдиғидир. Шу муносабат билан, келажакда электрон савдоларни ривожланиш концепциялари ва стратегиялари белгилаб олишда мобил савдоларнинг хусусиятлари ва имкониятларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этилади. Ҳатто, яқин истиқболда чакана савдолар соҳасида амалга ошириладиган электрон савдолар тўлиқ мобил воситалар орқали амалга оширилиши ҳақиқатдан ҳоли эмас.




3.2.4-расм. Дунёда мобил электрон савдоларнинг ривожланиши динамикаси¹

Мобил савдоларнинг жадал ривожланиши тенденциялари фонида электрон савдолар умумий бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва прогнозларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, электрон савдоларнинг жаҳон иқтисодиётидаги энг истиқболли соҳалардан бири эканлигининг гувоҳи

¹ “eMarketer” агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бўламиз. Шубҳага ўрин йўқки, жаҳон савдосидан тортиб чакана савдоларгача электрон савдолар механизмлари янада фаоллашиб боради. Ушбу тенденцияга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича иқтисодий сиёсати йўналишлари ва маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3.2.5-расмда келтирилган диаграмма маълумотлари электрон савдоларнинг нақадар жадаллик билан ривожланаётганини, хусусан, охириги олти йилда унинг мутлоқ ҳажми тўрт баравардан ортиқ кўпайган ва бу муттасил равишда йилдан-йилга ошиб бормоқда. Баъзи тадқиқотлар натижалари бўйича дунёда 2040 йилга бориб барча савдоларнинг 95 фоизи электрон савдолар орқали амалга оширилиши кутилмоқда¹.




3.2.5-расм. Электрон савдолар жаҳон бозорининг ривожланиши динамикаси (прогнози)²

Айниқса, пандемия шароитларида электрон савдоларнинг жонланиши кузатилмоқда. Хусусан, “Форбес” томонидан амалга оширилган таҳлиллар 2020 йилнинг пандемия кучайган охириги уй ойида электрон савдоларнинг кескин ошганлигини тасдиқламоқда. Биргина, АҚШ мисолида олиб борилган таҳлиллар АҚШ чакана савдоларида электрон савдоларнинг улуши 16 фоиздан 27 фоизгача ошганлиги кўрсатмоқда (24-расм).

¹ АҚШнинг “Nasdaq” таҳлилий гуруҳи маълумотлари асосида келтирилди. Манба: <https://www.nasdaq.com/>

² www.statista.com – манбаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



3.2.6-расм. Пандемия даврида АҚШ чакана савдоларида электрон савдолар улушининг ошиши¹


Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан тайёрланган Электрон савдонинг иқтисодий ва ижтимоий таъсири тўғрисида Ҳисоботга кўра, электро савдолар янги маҳсулотлар яратилишига олиб келади, шунингдек, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг ўсишига туртки бўлади. Шу билан бирга, электрон савдолар иқтисодий субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва муомала харажатларини қисқартириш учун муҳим омил ҳисобланади. Агар компаниялар интернет орқали савдолар амалга оширадиган бўлса, бу ҳолат “тескари ишлаб чиқариш циклини” кучайтиради. Бунда маҳсулотлар сифати яхшиланиши эвазига ишлаб чиқариш жараёни самарадорлиги ошади ва натижада янги маҳсулотлар яратила бошланади. Умумий олганда, ушбу жараён айниқса рецессиялар даврида зарур бўлган иқтисодий ўсишни таъминлайди².

Ҳозирги вақтда дунё иқтисодиётидаги турғунлик ҳолати ва пандемия оқибатлари миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини яна бир бор

¹ <https://www.forbes.com/sites/stephenmcbride1/2020/07/24/> - маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

² Ysabel Nauwelaerts, Said Chakri “The Role of E-Commerce and M-Commerce in the International Strategy of Fashion Companies: A Qualitative Research in the Belgian Fashion Industry”. Journal of Creativity and Business Innovation, Vol. 2, 2016. Page 80.

синовдан ўтказмоқда. Иқтисодий жараёнларнинг модернизация қилиниши ва рақамли технологияларнинг кенг қўлланиши миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг бирламчи ва ҳал қилувчи омили эканлигини дунё олимлари ва иқтисодчилари тан олмоқда. Электрон савдоларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини схематик кўринишда қуйидагича тасвирлаш мумкин (3.2.7-расм).



3.2.7-расм. Электрон савдолар орқали иқтисодий ўсишга эришиш жараёни¹

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда электрон савдоларнинг фаол қўлланиши нафақат мавжуд бозорларни қўллаб-қувватлайди, балки янги бозорларни кашф этилиши эвазига инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишда самарали механизм ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий турғунлик ҳолатида электрон савдоларга асосланган виртуал маркетинг анъанавий маркетингга нисбатан ўз афзалликларини яққол намоён қилмоқда.

Электрон савдолар жаҳон бозоридаги тенденциялар ва ривожланиш йўналишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, глобал иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиётлар ўз иқтисодий сиёсатининг бош йўналишини ахборот-коммуникация технологияларни янада кенгрок қўллашга қаратиши лозим. Электрон савдолар ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир қилиши натижасида макроиқтисодий ўсиш, хусусан, иқтисодий самарадорликка олиб келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки,

¹ Тадқиқотлар давомида муаллиф томонидан тузилди.

XX асрдаги технологик инқилоблар натижасида иқтисодиётда меҳнат унумдорлиги мисли кўрилмаган ошиб борди, яъни технологиялар дунё иқтисодиётининг асосига айланди. Гарчи шундай экан, ҳозирги вақтда ҳам миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг бирдан бири манбаи бу технологиялар билан боғлиқ бўлиб қолаверади.

БМТнинг Савдолар ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) прогнозига кўра, ахборот-ҳисоблаш қувватларининг кенгайиши ва арзонлашуви, шунингдек, корхоналар ўз фаолиятини интернетга мувофиқ қайта ташкиллаштириши натижасида истиқболда ахборот-коммуникация технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқори суръатларда ўсишини таъминлайди¹. Миллий иқтисодиётнинг ўсиш нуқталарини аниқ белгилаб олиш унинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим йўналиш бўлиб, иқтисодий муносабатларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларни янада кенгроқ жалб қилиш ва савдо операцияларини электронлаштириш алоҳида устуворлик касб этади.

3.3-§. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни ривожлантириш истиқболлари

Жаҳон иқтисодиётидаги тенденцияларнинг ўзгариши бевосита коронавирус пандемияси билан боғлиқ бўлиб қолар экан, ҳозирги кунга келиб, COVID-19 га қарши вакциналар тўлиқ синовлардан ўтказилмагани, вируснинг тарқалиши юқорилиги каби хавфлар жаҳон иқтисодиётидаги тенденцияларнинг ўзгариш динамикасини прогноз қилишда ноаниқликлар туғдирмоқда. Пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироз сабабли кўплаб халқаро молиявий институтлар томонидан 2020 йил якунига кўра жаҳон иқтисодиёти - 5,2 фоиз камайиши прогноз қилинмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг дастлабки прогнози 5,6 фоиздан 1,5-2 фоизга туширилди. Жорий этилган карантиннинг салбий оқибатларини

¹ <https://unctad.org/en/pages/PressReleaseArchive.aspx?ReferenceDocId=2474>

юмшатиш, соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида дунё мамлакатларида ҳам бюджет тақчиллиги билан бирга давлат қарзи ҳам ошиб бормоқда. Ушбу жараёнлар билан бир вақтда, халқаро савдо айланмасини камайиши ва иқтисодиётда ишсизликни ўсиши кузатилмоқда. Умуман олганда, жаҳон иқтисодиётининг тикланиши пандемиядан чиқиш ва ундан кейинги вазиятга боғлиқ бўлиб қолмоқда.


Дарҳақиқат, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва инқироздан кейинги даврда миллий иқтисодиётни жонлантиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш, уни ривожлантириш учун асос бўладиган ички ва ташқи омилларни чуқур баҳолаган ҳолда, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олиш бугунги кунда иқтисодий сиёсатнинг олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Айтиш жоизки, иқтисодий муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш, электрон савдолар қамровини кенгайтириш ва шу асосда иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш ушбу устувор йўналишларнинг бири сифатида қаралмоғи зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг прогнозларига кўра, пандемия оқибатлари сабабли 2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан сезиларли камаяди. Агар 2019 йилда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръати 5,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 1,5-2 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Ўз навбатида ушбу прогноз кўрсаткичлари Жаҳон банки томонидан қўлланилаётган методологиялар ва прогнозларга тўлиқ мувофиқ келади.

Шу билан бирга, глобал иқтисодий инқирознинг оқибатлари халқаро савдо амалиётларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2020 йил ўтган даврида халқаро савдолар ҳажми 18,5 фоизга қисқарган бўлиб, 2020 йил учун умумий қисқариш 13 фоиз даражасида прогноз қилинмоқда. Шу жумладан, экспорт ҳажмлари 31 фоизга ва импорт ҳажмлари эса 15 фоизга

қисқарганлигининг гувоҳи бўламиз¹.

COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз фонида Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини сақлаб қолиш ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар учта йўналишда олиб борилмоқда: макроиқтисодий чоралар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини қўллаб-қувватлаш (3.3.1-расм).



3.3.1-расм. Ўзбекистонда глобал иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар²

Пандемияга қарши курашиш ва глобал иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида Ўзбекистонда қабул қилинган инқирозга

¹ Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотлари. манба: <http://www.wto.org>

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг маълумотлари. манба: <http://www.minesocomy.uz>

қарши чора-тадбирлар бугунги кунда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тадқиқотимиз мобайнида ушбу чора-тадбирларни танқидий таҳлил қилган ҳолда шуни маълум қиламизки, инқирозга қарши чора-тадбирларда иқтисодиётнинг “қон томири” ҳисобланган инфратузилмалар, жумладан, электрон инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланмаган. Чунки, айнан электрон инфратузилма турғунлик ва карантин шароитларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни амалга ошириш ва фаоллигини сақлаб қолиш учун муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши дастурда электрон инфратузилмаларни ривожлантириш, иқтисодий муносабатларга рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ва электрон савдо имкониятларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам назарда тутилганда мамлакатимизда инқирозга қарши чораларнинг қамрови ва самарадорлиги янада оширилган ҳолда, ижобий натижалар салмоғи кенгайиши мумкин. Биз ўйлаймизки, мамлакатимизда инқирозга қарши чораларни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу тақлифимиз кўриб чиқилади.

Пандемияга қарши курашиш ва глобал иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида Ўзбекистонда қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар бугунги кунда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тадқиқотимиз мобайнида ушбу чора-тадбирларни танқидий таҳлил қилган ҳолда шуни маълум қиламизки, инқирозга қарши чора-тадбирларда иқтисодиётнинг “қон томири” ҳисобланган инфратузилмалар, жумладан, электрон инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланмаган. Чунки, айнан электрон инфратузилма турғунлик ва карантин шароитларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни амалга ошириш ва фаоллигини сақлаб қолиш учун муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши дастурда электрон инфратузилмаларни ривожлантириш, иқтисодий муносабатларга рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ва электрон

савдо имкониятларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам назарда тутилганда мамлакатимизда инқирозга қарши чораларнинг қамрови ва самарадорлиги янада оширилган ҳолда, ижобий натижалар салмоғи кенгайиши мумкин. Биз ўйлаймизки, мамлакатимизда инқирозга қарши чораларни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу таклифимиз кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётда рақамли инфратузилма ва электрон савдоларни ривожлантириш нафақат инқироздан чиқишда самарали сиёсат ҳисобланади, балки истиқболда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишининг мустаҳкам драйвери ҳисобланади. Маълумки, республикаимизда электрон савдолар ва электрон ҳужжат айланиши тизимларини жорий этиш ишлари деярли 20 йилдан буён муайян даражада олиб борилмоқда. Лекин, соҳада амалга оширилган ишлар миқёси салмоқлигига қарамасдан, бугунги кунгача Ўзбекистон иқтисодиётни электронлаштириш ва электрон тижорат борасида ҳали жаҳон тенденциялари ва стандартлари даражаларига эришмади. Буни ўзига хос объектив ва субъектив омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, иқтисодиётда шундай рақобат қонуни амал қиладики, яъни муайян соҳа ривожланишида аввал орттирилган тажриба ва яратилган база ушбу соҳанинг келгусидаги ривожини учун автоматик равишда туртки беради. Эътибор қаратадиган бўлсак, XX аср охирида дунёнинг баъзи мамлакатларида рўй берган технологик инқилоб бугунги кунда ҳам ушбу давлатларнинг ривожланганлик даражасини белгилаб бермоқда ва халқаро рақобатлашувда устуворлик касб этмоқда. Бу сингари стратегик омиллар ва глобал тенденцияларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг бирбан бир асоси бу илм-фан тараққиёти ва электрон технологиялар қамрови бўлиши муқаррардир. Бу айтиш ҳақиқатни инкор этиш эса рақобат майдонида катта мағлубиятга сабаб бўлади. Дунё тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, рақобатбардошликни таъминлашда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш давр талабидир. Зеро, бугунги кунда

иктисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ахборот технологиялари чуқур кириб, тобора электронлашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши ва шу асосда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури¹нинг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг тарзда тарихий воқеалик бўлди, десак муболаға бўлмайди. Қабул қилинган дастурда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш бўйича чора-тадбирлар алоҳида белгилаб қўйилди. Шунингдек, Дастурда назарда тутилган энг асосий йўналишлардан бири шундан иборатки, илк маротаба Ўзбекистон Республикасининг “Савдо тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ушбу қонунда, шу жумладан, электрон савдонинг турлари ва шаклланишининг аниқ тартибини белгилаш ҳамда савдонинг замонавий турларини ривожлантириш бўйича нормаларни киритиш лозимлиги қайд этилди. Бу эса, яқин келажакда мамлакатимизда электрон савдоларнинг қонуний асослари янада мустаҳкамланиб, асосий савдо йўналишига айланишидан дарак беради. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Савдо тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиляётган бўлиб, ушбу қонун лойиҳасида электрон савдоларни амалга ошириш тартиблари ва усуллари, иштирокчилар ҳаракати, шунингдек, электрон тўловлар билан боғлиқ жараёнларни тартибга солувчи ва тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни белгилаш таклиф этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони. манба: <https://lex.uz/docs/4751561>

Қолаверса, электрон савдолар соҳасидаги тартиб-таомилларни такомиллаштиришда давлат харидларини тўлиқ электронлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини қайта кўриб чиқиш ва қонунда электрон давлат харидларини янада ривожлантириш асосида харидлар жараёнида соғлом рақобат муҳити ва шаффоф механизмни яратиш, шунингдек, харидларга тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилиш имкониятларини назарда тутувчи нормалар билан бойитиш таклиф этилади. Бу эса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, давлат харидларни амалга оширишда иштирокчилар имконияти ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида электрон савдоларни ривожлантиришда ушбу бозорнинг салоҳиятини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, тадқиқотимиз мобайнида тўпланган маълумотларга кўра, бугунги кунда электрон савдолар миллий бозорининг салоҳиятини 1,2 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳолаш мумкин. Ҳар йили ўртача ҳисобда 1 триллион сўмга яқин электрон савдо операциялари амалга оширилмоқда ва энг эътиборлиси шуки, сўнгги йилларда соҳанинг ўртача йиллик ўсиши 30 фоизни ташкил этмоқда¹. Ўз навбатида, бу рақамлар мамлакатимизда электрон савдолар бозори қанчалик юқори салоҳиятли ва истиқболли соҳа эканлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда электрон савдоларни ривожлантириш йўналишларини белгилаб олишда электрон савдолар миллий бозорини “SWOT-таҳлил” усулида таҳлил қилиш тадқиқотимиз якунида аниқ хулосалар шакллантириш учун муҳим жараён ҳисобланади.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда электрон савдолар бозори салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва уни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлиб, соҳа ривожига ғов бўлиб турган айрим тўсиқ ва камчиликларни эса бартараф этиш мумкин. Шунинг учун, электрон савдолар бозорини ривожлантириш йўналишларини белгилашда миллий бозорнинг устунликлари бўлган қулай демографик вазият

¹ <https://www.spot.uz/ru/articles/>

ва истеъмол бозорининг барқарор ўсиши, шаҳар инфратузилмасининг мавжудлиги, логистик хизматлар ривожланиши, электрон тўлов тизимлари мавжудлиги сингари омиллар ва интернет қамровининг кенгайиши, иқтисодий ислоҳотлар натижадорлиги, савдо маданиятининг замонавийлашуви каби мавжуд имкониятларни биринчи навбатда инобатга олиш зарур. Шу билан бирга, электрон савдолар бозорининг тарқоқлиги ва аниқ статистиканинг мавжуд эмаслиги, кадрлар етишмовчилиги, молиявий институтлар иштироки суствлиги каби муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Электрон савдолар миллий бозорини стратегик ривожлантириш борасида эса комплекс иқтисодий сиёсат доирасида амалга ошириладиган истиқболли йўналишлар, яъни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва технологик тараққиётни қўллаб-қувватлаш каби стратегик вазифалар устида ишлаш лозим. Дарвоқе, миллий иқтисодиётда технологик тараққиётга эришилмас экан, истиқболда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш имконсиз бўлиб қолаверади.

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
<ul style="list-style-type: none"> - қулай демографик вазият ва истеъмол бозорининг барқарор ўсиши; - шаҳар инфратузилмасининг мавжудлиги; - логистик хизматлар ривожланиши; - электрон тўлов тизимлари мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - электрон савдолар бозорининг тарқоқлиги ва аниқ статистиканинг мавжуд эмаслиги; - кадрлар етишмовчилиги; - молиявий институтлар иштироки суствлиги.
Имкониятлар	Тўсиқлар
<ul style="list-style-type: none"> - мамлакат бўйлаб интернет қамровининг кенгайиши; - иқтисодий ислоҳотлар натижадорлиги; - савдо маданиятининг замонавийлашуви. 	<ul style="list-style-type: none"> - қонунчилик ҳужжатлари мураккаблиги ва бюрократия; - иқтисодиётда эркин рақобат муҳитининг тўлиқ шаклланмагани; - аҳоли даромадларининг нисбатан пастлиги; - технологик тараққиётнинг етарли эмаслиги.

3.3.2-расм. Ўзбекистон Республикасида электрон савдолар миллий бозорининг SWOT-таҳлили¹

¹ Тадқиқот мобайнида муаллиф томонидан тузилди.

Ҳозирда электрон савдолар миллий бозори шаклланиш ва ўсиш жараёнида бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра, электрон савдоларнинг умумий чакана савдолардаги улуши атиги 0,7 фоизни ташкил этмоқда¹. Бу кўрсаткич жаҳон бозоридаги кўрсаткичлар (20 фоиз атрофида) дан бир нечта баробарга кам бўлиб, мамлакатимизда электрон савдолар соҳасида юқоридаги стратегик чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш зарурлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори²га асосан 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш Дастурида белгиланган устувор йўналишлар, шу жумладан, электрон тижоратни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва норматив базани такомиллаштириш, соҳа учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар, экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, логистик инфратузилмасини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида электрон тижоратни тарғиб қилиш ва оммалаштириш сингари йўналишлардаги вазифаларнинг ўз вақтида ва муваффақиятли ижро этилиши мамлакатимизда электрон савдолар бозорининг яқин келажакдаги тараққиётини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар, шунингдек, тадқиқотимиз мобайнида электрон савдолар миллий бозорини ривожлантириш юзасидан илгари сурилган таклифлар тўлиқ амалга оширилган тақдирда, мамлакатимизда электрон савдолар истиқболда сезиларли даражада ўсиш тенденциясига эга бўлишини прогноз қилинмоқда.

Хусусан, агар ҳозирда Ўзбекистонда электрон савдолар салмоғи

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди. Манба: <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6568-ichki-savdo>

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3724/1261-сон.

3 фоиздан кам бўлса, 2030 йилга бориб 20 фоиз, 2040 йилда эса 50 фоизгача етиши мумкин. Электрон савдолар миллий бозори салоҳияти ушбу йилларда мос равишда 15 млрд. АҚШ доллари ва 50 млрд. АҚШ доллари атрофида бўлади. Ушбу натижаларга эришиш эса бизнес, давлат ва алоҳида ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатига боғлиқдир¹.

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари электрон савдосининг ўсиш суръатларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун ARIMA моделидан фойдаланилди. ARIMA модели одатда уч қисмдан иборат:

1) AR – авторегрессив қисм. Ушбу қисм вақтли қатор маълумотининг ўзининг ўтган даврдаги қийматларига қандай боғланганини кўрсатади.

2) I (Интеграл) – вақтли қаторнинг интеграциялашув тартибини кўрсатади.

3) MA – яъни вақтли қаторнинг ўртача сирпанчиқли қисми тартибини билдиради.

Аввало, вақтли қаторнинг стационарлигидан келиб чиқиб, интерациялашув тартиби аниқланди. Бунинг учун АДФ тестидан фойдаланилди (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми ўсиш суръатлари учун АДФ (кўшимча Дикей-Фуллер) тести натижалари²

Augmented Dickey-Fuller test for unit root	Number of obs	=	39
	————— Interpolated Dickey-Fuller —————		
Test Statistic	1% Critical Value	5% Critical Value	10% Critical Value
Z(t)	-2.125	-3.655	-2.961
			-2.613

MacKinnon approximate p-value for Z(t) = 0.2344

6-жадвал натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида саноат

¹ Иқтисодий ва таҳлилий маълумотлар портали. манба: <https://www.spot.uz/ru/>

²Views дастури асосида муаллиф ишланмаси.

маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг ўсиш суръатлари ностационар маълумот, чунки тест статистиканинг мутлақ қиймати критик қийматларда кичик.

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг ўсиш суръатларининг ўтган даврга нисбатан фарқлари АДФ (қўшимча Дикей-Фуллер) тести натижалари орқали аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва электрон савдолар орқали сотиш ҳажмининг ўсиш суръатлари стационар маълумот, чунки тест статистиканинг мутлақ қиймати барча критик қийматлардан катта.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни электрон савдолар орқали сотиш ҳажми ўсиш суръатларининг ўтган даврга нисбатан фарқлари АДФ (қўшимча Дикей-Фуллер) тести натижалари

Augmented Dickey-Fuller test for unit root Number of obs = 38


Test Statistic	Interpolated Dickey-Fuller		
	1% Critical Value	5% Critical Value	10% Critical Value
Z(t)	-5.711	-3.662	-2.614

MacKinnon approximate p-value for Z(t) = 0.0000

6-7-жадвал маълумотларига кўра, муаллиф таҳлил қилаётган маълумот биринчи тартибли интеграцияга эга, яъни вақтли қаторнинг биринчи даражали фарқи стационар маълумот. Демак, $ARIMA(p,d,q)$ да d нинг тартиб рақами 1 га тенг. Энди p ва q нинг тартиб рақамини аниқлаш лозим. Унинг аввал график усулларини қўллаш мумкин.

6-расмдаги автокорреляция ва хусусий автокорреляция функциялари натижасига кўра, ушбу функциялари қийматлари 95%лик ишонч интерваллардан ошмайди. Мазкур график усуллари натижаларига кўра

авторегрессив ва ўртача сирпанчиқли қисм тартибини аниқлашда ёрдам бера олмайди.




6-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг электрон савдоси ҳажмининг ўсиш суръатлари учун автокорреляция ва хусусий автокорреляция функциялари¹

Диссертацияда айнан ARIMA модели Акаике ва Байес ахборот критерийлари ёрдамида танлаб олинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг электрон савдоси ҳажмининг ўсиш суръатларини прогношлаш учун ARIMA моделининг AR қисмидан фойдаланиш мақсадли ҳисобланади. Бевосита моделлаштириш жараёнида AR(1) модели тестлар натижасига асосан ижобий қийматларга эришилди. F-Фишер мезони p-value қиймати бўйича аҳамиятли бўлди ва бу муаллиф танлаган модель шакли аҳамиятли эканлиги ифодаланди. Модель параметрларининг t-Стюдент қийматлари ($t_{cons}=2,75295$ ва $t_{lag1}=4,4347$) p-value қийматлари ($t_{cons}=0,0155$ ва $t_{lag1}=0,0005$) бўйича аҳамиятли бўлди, бунинг, ўз навбатида, ишончлилиги ифодаланди. Модель шакли қўйидагича бўлди:

¹Eviews дастури асосида муаллиф ишланмаси.

$$AR(1) = 57,5783 + 0,5807 \times \text{Lag1}$$

Модель бевосита тест натижаларига асосан ижобий бўлганлиги сабабли муаллиф ўрта даврли прогноз қийматини ҳисоблаб чиққан ва у 7-расмда ўз ифодасини топган.



7-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг электрон савдоси ҳажми ўсиш суръатларининг 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари

7-расмдан кўриш мумкинки, бундан олдинги даврларнинг ўсиш суръатлари нотекис бўлса ҳам, бундан кейинги даврда мазкур кўрсаткич юқори ўсиш суръатларига эга. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, агар фавқулодда ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатмаса, Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг электрон савдоси ҳажмининг ўсиш суръатлари 2026 йилгача йилига 60 дан 80 %гача ошиши прогноз қилинмоқда.

Республикада электрон савдолар бозорини ривожлантиришнинг яна бир ўзига хос йўналиши Электрон кооперация порталининг ишга туширилиши билан боғлиқдир. Электрон кооперация портали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаби юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹ ва Вазирлар

¹ <https://lex.uz/ru/docs/4318270>

Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹га мувофиқ ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат соҳасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб қилиш учун электрон савдо майдончасини яратишдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ❖ электрон портал орқали маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни сотиш ва сотиб олиш имкониятини бериш;

- ❖ хўжалик субъектлари, шунингдек, миждозлар ва етказиб берувчилар ўртасида шартномалар тузиш ва тўловларни амалга оширишда муносабатлар эркинлигини ва ошкоралигини таъминлаш механизминини жорий этиш;

- ❖ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турлари, техник хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида манфаатдор доираларни хабардор қилиш.

Электрон кооперация портали ишга тушишига кам вақт бўлишига қарамасдан, бозорда мустаҳкам ўринга эга бўлиб бормоқда. Бир кунда қиймати қарийб 10 млрд. сўмлик 170 тадан зиёд шартномалар тузилмоқда. Иштирокчилар сони эса 80 минг тадан ошган ва 50 мингга яқин турдаги товарларнинг электрон савдоси амалга оширилмоқда². Электрон кооперация портали иқтисодиётда нафақат етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасида қулай платформани яратиб берди, шунинг билан бирга, ушбу порталнинг ишга тушиши харидлар жараёнида шаффофликни таъминлаган ҳолда, соғлом рақобат муҳитига асосланган савдо каналини очиб берди. Хулоса қилиш мумкинки, кооперация портали электрон савдоларнинг алоҳида тармоғи сифатида янада ривожланиб, миллий иқтисодиётда савдо муносабатларининг такомиллашиб боришига хизмат қилади.

¹ <https://lex.uz/ru/docs/4532742>

² [Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация портали маълумотлари.](#)

Учинчи боб бўйича хулосалар

Диссертация ишининг учинчи боби коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал иқтисодий инқироз шароитида электрон савдоларни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари масалаларига бағишланган бўлиб, хусусан, пандемия оқибатларида жаҳон иқтисодиётида электрон савдолар ривожланишининг асосий йўналишлари, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар батафсил кўриб чиқилди ва муайян таклифлар илгари сурилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, 2019 йил охирларида бошланган COVID-19 инфекцияси бугунги кунга келиб дунёнинг деярли барча мамлакатларига тарқалишга улгурди. Унинг зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида жорий қилинган глобал карантин чоралари эса ўз навбатида иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг сустлашуви, шунингдек, айрим соҳа ва маконларда бутунлай тўхташи оқибатида янги иқтисодий инқирозга сабабчи бўлди.

Айни чоғда, коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал карантин шароитлари бир томондан иқтисодий турғунлик ҳолатларини келтириб чиқараётган бўлса, иккинчи томондан электрон савдоларнинг янада фаоллашувига сабаб бўлиши мумкин. Назарий нуқтаи назардан олиб қараганда, дунё аҳолисининг ўзини ўзи яққалаши “жонли харидлар”дан тийилишни тақозо этган ҳолда, бу ҳолатлар электрон савдоларнинг ҳам ҳажм ҳам қамров жиҳатдан кенгайишига олиб келиши табиийдир. Бундай карантин шароитида иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва инқироз таъсирини юмшатишнинг энг самарали воситаларидан бири эса электрон савдоларни янада кенгайтириш бўлиб ҳисобланади. Айнан электрон савдолар орқали бугунги кундаги мураккаб бўлган шароитда ялпи талаб ва ялпи таклифни қисман бўлсада жонлантириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, бугунги кунда электрон савдоларнинг ривожланиши савдо маданиятини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Биргина, электрон дўконларнинг анъанавий дўконлар ўрнини эгаллаётганининг энг асосий

сабаби бу электрон савдоларнинг қулайлигидир. Ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, сўровларда иштирок этган респондентларнинг деярли 58 фоизи интернет орқали савдо қилишни афзал билишган.

Электрон савдолар умумий бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва прогнозларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, электрон савдоларнинг жаҳон иқтисодиётидаги энг истиқболли соҳалардан бири эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шубҳага ўрин йўқки, жаҳон савдосидан тортиб чакана савдоларгача электрон савдолар механизмлари янада фаоллашиб боради. Ушбу тенденцияга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича иқтисодий сиёсати йўналишлари ва маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Электрон савдолар жаҳон бозоридаги тенденциялар ва ривожланиш йўналишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, глобал иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиётлар ўз иқтисодий сиёсатининг бош йўналишини ахборот-коммуникация технологияларни янада кенгроқ қўллашга қаратиши лозим.

Тадқиқотимиз мобайнидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда электрон савдолар бозори салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва уни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлиб, соҳа ривожига ғов бўлиб турган айрим тўсиқ ва камчиликларни эса бартараф этиш мумкин. Шунинг учун, электрон савдолар бозорини ривожлантириш йўналишларини белгилашда миллий бозорнинг устунликлари бўлган қулай демографик вазият ва истеъмол бозорининг барқарор ўсиши, шаҳар инфратузилмасининг мавжудлиги, логистик хизматлар ривожланиши, электрон тўлов тизимлари мавжудлиги сингари омиллар ва интернет қамровининг кенгайиши, иқтисодий ислоҳотлар натижадорлиги, савдо маданиятининг такомиллашуви каби мавжуд имкониятларни биринчи навбатда инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

1. Халқаро мамлакатларнинг рақобатбардошлик рейтингларида иштирок этиш учун соҳадаги статистик маълумотлар йиғиш тизимини халқаро стандарларга мослаш.

2. Тадқиқот натижаси асосида “электрон савдолар” тушунчасига куйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: Электрон савдо – интернет тармоқлари ёрдамида амалга оширилувчи барча турдаги товар ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бизнес жараёнларни ўз ичига олган рақамли иқтисодиёт соҳаси.

3. Дунёдаги замонавий тараққиёт тенденцияларини эътиборга олган ҳолда, иқтисодиётга рақамли технологияларни фаол жорий этиш, хусусан, электрон савдо муносабатларини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ўрганилиши лозим.

4. Рақамли трансформация жараёнида электрон инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Чунки айнан электрон инфратузилма иқтисодий трансформация шароитларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар фаоллигини янада ошириш учун муҳим омил ҳисобланади.

5. Электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини таъминлашда электрон савдо ва унинг очиқ фаолияти учун зарур инфратузилма элементларидан иборат “Рақамли экотизим” концепциясидан фойдаланишни кенг жорий қилиш таклиф этилади.

6. Мамлакатимизда электрон савдоларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда қонун ҳужжатларини назорат тамойилида эмас, балки қўллаб-қувватлаш тамойилида қабул қилинишига эътибор қаратиш лозим. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Савдо

тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда электрон савдо турлари ва шаклланишининг аниқ тартибини белгилаш ҳамда савдонинг замонавий турларини ривожлантириш бўйича нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиш ва унда электрон давлат харидларини ривожлантириш асосида харидлар жараёнида соғлом рақобат муҳити ва шаффоф механизмни яратиш, шунингдек, харидларга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш имкониятларини назарда тутувчи нормалар билан бойитиш таклиф этилади.

7. Электрон савдолар инфратузилмасини модернизация қилиш, жумладан, мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб интернет тармоғининг қамрови ва сифатини яхшилаш, электрон тўловлар хавфсизлиги ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг кенг қатлами ва чакана савдо корхоналарига электрон савдолар бозорига кириш учун соддалаштирилган ҳолда фойдаланиш учун электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматларига тўловларни QR тўловлари технологияси ва NFC технологиялари, жумладан мобил қурилмалар орқали тўловларни қабул қилишнинг замонавий ва қулай масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини кенгайтириш.

8. Электрон давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат харидлари жараёнида янада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобат муҳитини янада яхшилаш.

9. Мамлакатимизда электрон савдолар фаолиятини мувофиқлаштириш ягона тизимини йўлга қўйиш ва соҳанинг аниқ маълумотларга асосланган статистик-таҳлилий базасини яратиш.

10. Электрон савдолар, электрон маркетинг ва умуман рақамли технологиялар соҳасида кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кучайтириш. Шу асосда миллий технологик тараққиётга эришиш орқали миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатдаги мавқеини мустаҳкамлаш. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида электрон савдоларнинг аҳамияти ва афзалликлари тўғрисида ахборотларни кенгайтириш орқали электрон савдоларни оммалаштириш имконияти яратилади.

11. Хусусий секторнинг экспортдаги улушини ошириш, маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама қилиш харажатларини Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш, миллий ишлаб чиқарувчиларга алоҳида имтиёз берган ҳолда, халқаро почта жўнатмалари тариф ставкаларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга

молик нашрлар

12. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2650293>

13. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs>

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4751561>

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаби юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш Концепцияси.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Электрон тижорат қоидалари.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон “Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги мартдаги 833-сон “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 январдаги 120-сон “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 3 августдаги 12/28 ва 2018-64-сонли қарори билан тасдиқланган “Электрон тижорат субъектлари миллий реестри тўғрисида”ги Низом.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 21 майда 3015-сон билан рўйхатга олинган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги Низом.

29. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 612-модда

30. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон.

31. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2019 й., 07/19/4544/4111-сон.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

32. Абдеева З. Р. “Проблемы безопасности электронной коммерции в сети Интернет” Проблемы современной экономики, N 1 (41), 2012

33. Аюпов Р.Х. Балтабаева Г.Р. “Рынок цифровой валюты: инновации и перспективы развития. – Т.: Фан ва технология, 2018. - 172 с.

34. Abdul Gaffar Khan “Electronic Commerce: A Study on Benefits and Challenges in an Emerging Economy Global Journal of Management and Business Research: В Economics and Commerce Volume 16 Issue 1 Version 1.0 Year 2016.

35. Балабанов И.Т. «Электронная коммерция». – СПб.:Питер, 2002.

36. Delfmann, W., Albers, S. Gehring, M. 2002. The impact of electronic commerce on logistics service providers. International Journal of Physical Distribution and Logistics, 32,3: 203-222.

37. Джуманиязова М.Ю. «Перспективы развития электронной коммерции в Узбекистане». Journal of Economy and Business, vol 6. 2018. С. 65-67.

38. Еманова Н.С. «Признаки электронной торговли». Вестник Омского университета. Серия «Право». 2014. № 1 (38). С. 48-50.

39. Глазкова М. «Правовые аспекты электронной торговли» Научно-практический журнал «МИР», январь-февраль 2010, С.97.

40. Горский Д.В. «Синергия электронной торговли, управления цепями поставок и автоматизации в цифровой экономике»//Экономическая наука сегодня: теория и практика. Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2018. С. 111-114.

41. Гулямов С.С. и др. «Блокчейн технологии в цифровой экономике» Т.: «Иктисодиёт ва молия» 2019 – 386 с.

42. Казьмина И.В., Щеголева Т.В. «Состояние и основные тенденции развития отечественной электронной торговли на основе информационных технологий», М.:Экономинфо. 2017. №1-2.

43. Козье Д. «Электронная коммерция». – Москва: Русская редакция, 1999. – С. 6.

44. Kraemer, K. L.; J. Gibbs and J. Dedrick. Impact of globalization on ecommerce adoption and firm performance: a crosscountry investigation. Mimeo, Irvine, CA.2002

45. Маннапова Ш.Г., Ишанходжаева Д.Э. «Проблемы развития электронной коммерции в Узбекистане» Journal of Economy and Business, vol 2-2 (60). 2020. С. 32-34.

46. Насырходжаева Д.С., Алимова Ш.А. «Проблемы развития конкурентоспособности промышленных отраслей в период пандемии», «Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, реал сектор тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш асосида ҳудудларни барқарор ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжумани мақолалар тўпламида, ТДИУ, 2021 й. 156-160 бетлар

47. Насырходжаева Д.С., Ташпулатова Л.М. «Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства как фактор расширения экспорта конкурентоспособной продукции потребительского назначения», Хорижий Шарқ мамлакатларида иктисодиётни модернизациялаш ва тадбиркорлик салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари, ЎзР ОЎМТВ, ТДШИУ, 2014 й. 211-213 бетлар

48. Насырходжаева Д.С. «Конкурентные преимущества Узбекистана в международной торговле», Жаҳон иктисодиёти ривожланишининг таҳлили ва прогноз қилишининг услубий асосларини такомиллаштириш Республика

илмий-амалий конференция тўплами, ЎзР ТИВ, ЖИДУ, 2014 й. 137-139 бетлар

49. Насырходжаева Д.С. «Оценка конкурентоспособности и устойчивости предприятий промышленности РУз», Двадцать шестые Международные Плехановские Чтения тўпламида, Г.В. Плеханов номли РИА, 2013 й. 383-358 бетлар

50. Насырходжаева Д.С. «Формирование конкурентоспособной экономики на основе модернизации промышленного потенциала», «Социально-экономическое развитие региона в условиях модернизации страны» тўпламида, Хоразм вилояти хокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация фаолияти ва технологияларини трансфер қилиш маркази, «Уроки кризиса и инновационная модель экономического развития в условиях глобальных вызовов» тўпламида, ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, ТДИУ, 2010 й. 83-85 бетлар

51. Насырходжаева Д.С. «Экономические предпосылки повышения конкурентоспособности национальной экономики Узбекистана», «Социально-экономическое развитие региона в условиях модернизации страны» тўпламида, Хоразм вилояти хокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация фаолияти ва технологияларини трансфер қилиш маркази, УрДУ, Санкт-Петербург Давлат иқтисодиёт ва молия университети, 2010 й. 126-127 бетлар

52. Насырходжаева Д.С. «Проведение структурных преобразований в сфере промышленности – основа роста конкурентоспособности национальной экономики», «Социально-экономическое развитие региона в условиях модернизации страны» тўпламида, «Реализация антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения ее конкурентоспособности» тўпламида, Московский гуманитарно - экономический институт, ТМИ, 2010 й. 100-101 бетлар

53. Насырходжаева Д.С. «Некоторые аспекты по обеспечению устойчивого роста конкурентоспособности национальной экономики», «Социально – экономические закономерности развития мирохозяйственных

связей в условиях усиления интеграционных процессов» тўпламида, Московский гуманитарный экономический институт, ТМИ, 2006 й. 14-16 бетлар

54. Nuray Terzi / The impact of e-commerce on international trade and employment *Procedia Social and Behavioral Sciences* 24 (2011) 745-753

55. Олесик Т.А., Терновская А.Д. «Рынок электронной торговли Китая», *Journal of Economy and Business*, 2015. vol.4, part 1.

56. Паршенцев А.А. «Проблема и перспективы развития электронных магазинов»// *Маркетинг в России и за рубежом*. - 2010. С. 85.

57. Ray, J. S. (2011). “Leveling E-Commerce Opportunities for Developing Countries”. SMC University. Swiss Management Centre, Transknowlogy Campus.

58. Раҳимова Х. “Электрон савдо майдонларини самарали ташкил қилиш - электрон тижоратни ривожлантириш гаровидир” 2017. Манба: www.norma.uz

59. Runyan, Bruce, Katherine T. Smith, and L. Murphy Smith. 2008. Implications of Web Assurance Services on E-Commerce. *Accounting Forum*, Vol. 32: 46-61.

60. Сидорова О.В. «Электронный бизнес в современной экономике проблемы перехода к инновационной экономике», 2013. С.52.

61. Chaffey, D. (2009). *E-business and e-commerce management: strategy, implementation and practice* (4th edition ed.). Harlow: Harlow Prentice Hall/Financial Times, 2009.

62. Харева В.А., Жаркова Д.А. «Современные тенденции развития электронной торговли». *Научный вестник ЮИМ-Горизонты новой экономики*, №4. 2019. С.20.

63. Ysabel Nauwelaerts, Said Chakri “The Role of E-Commerce and M-Commerce in the International Strategy of Fashion Companies: A Qualitative Research in the Belgian Fashion Industry”. *Journal of Creativity and Business Innovation*, Vol. 2, 2016. Page 80.

64. Усмонова А.И. “Электрон тижорат виртуал иқтисодийнинг асосий компоненти сифатида: таҳлил ва тавсиялар” // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 1-сон, 2018.

65. Ўрақов У. “Давлат харидлари: кеча ва бугун”. <http://finance.uz>. 2019 й.

66. Шабанова, Л.Б. «Традиционная и электронная торговля потребительскими товарами и услугами: достоинства, недостатки и перспективы развития»//Л.Б.Шабанова, С.В.Зюзина //Бизнес. Образование. Право. – 2016. – № 1 (34). – С. 78-83.

67. Шайдуллина В.К. «Электронная торговля и перспективы ее развития в мировой экономике» Экономика: проблемы, решения и перспективы. Вестник университета №3, 2019. С.115.

III. Таҳлилий маълумотлар манбалари ва интернет ресурслар

68. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг маълумотлари. манба: <https://mitc.uz/uz>

69. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумотлари. манба: <http://www.mf.uz>

70. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг маълумотлари. манба: <http://www.minecosomy.uz>

71. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди. Манба: <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6568-ichki-savdo>.

72. “Халқ сўзи” газетасининг 2015 йил 23 майдаги 103 (6286)-сони.

73. Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат иштирокчилари миллий реестри - <http://www.e-tijorat.uz/ru>

74. Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация портали маълумотлари. Манба:<http://cooperation.uz/oz>

75. Ўзбекистон Республикаси Молиявий ахборотлар портали - <https://www.spot.uz/ru>

76. Ўзбекистон Бизнес маълумотномаси - <https://www.goldenpages.uz>

77. Бюджет буюртмачилари электрон дўкони, <http://shop.uzex.uz/files>
78. Global Economic Effects of COVID-19. Congressional Research Service. August 2020. Page 5.
79. World Trade Organization. “E-commerce in developing countries: Opportunities and challenges for small and medium-sized enterprises”. 2019.
80. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. манба: www.imf.org
81. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотлари. манба: <http://www.wto.org>
82. Евроосиё тараққиёт банки маълумотлари <https://eabr.org/press/news/>
83. “Nasdaq” таҳлилий гуруҳи маълумотлари/ <https://www.nasdaq.com/>
84. COVID-19: в ООН поставили диагноз мировой экономике и назначили лечение. <https://news.un.org/ru/>
85. Молиявий бошқарув маркази (Россия) маълумотлари - <https://center-yf.ru/data/stat/Bezopasnost-elektronnoi-kommercii.php>
86. “eMarketer” агентлиги маълумотлари. манба: <https://www.remarketer.com>
87. “J’son&Partners Consulting” агентлиги www.json.ru/markets_research веб-сайти маълумотлари.
88. <https://ecomhub.ru/>
89. <https://ecommerce-platforms.com/>
90. <https://lex.uz/ru>
91. <https://unctad.org/en/pages/PressRelease>
92. <https://rau.ua/ru/>
93. www.statista.com
94. <https://dcenter.hse.ru/data>
95. www.gfk.com/ru/insaity/press-release
96. <https://www.remarkety.com>
97. <https://www.forbes.com/sites/stephenmcbride1/2020/07/24/>
98. <http://infocom.uz/>